ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 18 СЕНТЯБР, № 38 (3194) ЖУМА

ОҚИБАТНИ УНУТМАЙЛИК!

Қадрли ҳамкасблар!

Қардош ва ёндош Тожикистонда юз бераётган воқеалар бутун халқимиз қаторида биз санъат аҳлини ҳам ташвишга солмоқда. Тарихий илдизлари минг йилликлар давомида чирмашиб кетган, қардош-қариндош, дини, урф-одати, куйи, оҳанглари бир, бир-бирига оға-ини бўлган икки қўшнидан бирининг хонадонидан осойишталик кўтарилса, иккинчи қўшни хотиржам яшаши мумкинми?

Бугун дунёга не-не алломаларни етказиб берган тожик тупроғида қон тўкилаётган экан, аҳиллиги, жипслиги туфайли не-не босқинлардан омон қолиб яшаб келаётган халқ бир-бирига қурол ўқталаётган экан, бизда ором, осойишталик бўладими?

Юз бераётган хунрезликлар манзарасига қарар эканмиз, унинг эртанги оқибатини ўйлаймиз. Нобуд бўлаётган бокиралар орасидан бўлажак Рўдакийлар, Жомийлар, Аҳмад Бобоқуловлар, Туҳфа Фозиловлар, Жўрабек Муродовлар.., тожик халқини оламга танитажак буюк санъаткорлар чиқмасмиди? Бу изоҳлаб бўлмайдиган низолар туфайли халқнинг илдизига болта урилмаяптими? Ҳар қандай тахт ва салтанат битта улкан санъаткорнинг буюклиги билан беллаша оладими?

Азиз дўстлар! Шуни яхши биласизларки, юртда нотинчлик ҳукмрон экан, санъаткорлар бефарқ қараб туриша олмайди. Шунинг учун биз сизларни халқ орасига чиқишга, осойишталикка эришишда санъатнинг буюк кучи ва илоҳий қудратидан фойдаланишга чақирамиз.

Юртингизда тинчлик барқарор бўлишига, оға-инилигимиз, борди-келдимиз илгаригидай давом этишига ишонамиз!

Ҳалима НОСИРОВА,
Саодат ҚОБУЛОВА,
Бернора ҚОРИЕВА,
Сора ЭШОНТЎРАЕВА,
Галия ИЗМАЙЛОВА,
Наби РАҲИМОВ,
Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ёқуб АҲМЕДОВ,
Баҳодир ИУЛДОШЕВ,
Маъмура ЭРГАШЕВА,
Фаррух ЗОКИРОВ

ХУНРЕЗЛИК ТЎХТАТИЛСИН, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНСИН!

ҲУКУМАТГА ДАХЛСИЗ МУСТАҚИЛ ТАШКИЛОТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН МУРОЖААТИ

Тожикистон фуқаролари, азиз дўстлар, ака-укалар, опа-сингиллар!

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари асрлар давомида бирга яшаб, биргаликда меҳнат қилиб келади. Анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик, дин бирлиги, маданият, турмуш ва урф-одатларнинг ўхшашлиги уларни бир-бирига маҳкам боғлаган. Бизнинг вазифаларимиз ҳам умумий — иқтисодиётни соғломлаштириш, уни одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондиришга қаратиш, чинакам мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсонни камол топтиришга ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Сўнгги кунларда Тожикистон республикасидаги вазият жуда кескинлашди. Қуролли тўқнашувлар натижасида қон тўкилмоқда, кўпдан-кўп бегуноҳ болалар, аёллар, қариялар оддий фуқаро ҳалок бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги ҳужжатларда ифода этилган инсон ҳуқуқларининг Тожикистонда қўпол равишда бузилаётганлиги можаронинг кучайишига олиб келди. Тожикистонда энг муқаддас нарса — инсоннинг яшаш ҳуқуқи топталмоқда. БМТ низомига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш барча ҳукуматлар ва халқларнинг муштарак бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қардош тожик халқига Мурожаатида шу диёрда тинчлик, фуқаролар тотувлиги ва барқарорлик тикланади, деб умид билдирилган.

Ҳукуматга дахлсиз мустақил ташкилот — Ўзбекистон республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети:

— Тожикистонда бўлаётган воқеалардан ташвишланаётганини билдиради, бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлаётганидан беҳад қайғу чекмоқда;

— Можаро қатнашчиларини ақл-идрок билан иш тутиб, сабр-бардошли бўлишга, музокара бошлаб, тангликдан чиқиш йўлларини излашга чақиради.

— Тожикистондаги вазият — чегараларнинг дахлсизлиги қоидаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларга сўзсиз риоя қилган, Тожикистон ҳудудидаги кам сонли миллатлар ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда, БМТ низоми қоидалари асосида бартараф этилиши лозим деб билади;

— Можарони қурол ишлатиш йўли билан ҳал этиш учун уринишга йўл қўйиб бўлмайди, бундай уринишлар беҳуда, деб ҳисоблайди;

— Муҳолиф томонларни можаро тағин ҳам авж олиб кетишига йўл қўймаслик учун бор кучини сарфлашга даъват этади;

— Тожикистондаги можарони бартараф этишга доир тинчлик ўрнатиш ишларига БМТнинг тегишли кучларини жалб этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети тожик халқини ўзига хос донолик кўрсатишга ва сабр-бардошли бўлишга чақиради.

Юртингиз тинч ва осойишта бўлсин, азиз биродарлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИ

СУРАТ ИЛК БОР ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА



4 БЕТ.

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор — Н. КОЧНЕВ олган сурат

Рамз БОБОЖОН, Ўзбекистон халқ шоири

БЕЗОВТА ТОНГЛАР

Айтай десам тилим, айтмай десам, дилим куяди, начора Тонготардан ҳаво тўлқинларига қулоқ тутаман, кун ботардан телеэкранга тикилганим-тикилган, кўз узолмайман.

Ён қўшним-жон қўшним Тожикистон безовта, нотинч... Қўрғонтепада отиш-тутиш, ўликлар ариқларда ётибди... Кўлобда ёнғин, вайроналик... ким ким билан уришаётибди, ким кимдан ўч олмоқда?!.. Хотин--халаж, бола-чақа йиғисидан замину замон титрайди. Ногоҳ тўкилган қон менинг юзларимга ҳам сачрагандай... Ер кўксидан ўрлаган фарёд бошимга урилган тошдай... не кўргилик! Не алам!!! Лоқайд қараган кўр бўлади!..

Ҳолбуки, фожиа қўшни элда, гўё қўшни ҳовлида! Йўқ! Нимасини айтасиз, бу нотинчлик, бу изтироб асли дилда, ҳа, шундай, ҳар биримизнинг, ҳаммамизнинг дилимизда! Қолаверса, сиз билан биз ҳовли эмас, қўшни олганлардан, қадрдонлардан, боз устига, минг йиллик борди-келдимиз, қон-қардошлигимиз, ҳамдўстлигимиз, ҳамкорлигимиз, бир оғиз сўз билан айтганда, туп қўйиб, палак отган буюк дўстлигимиз бор-ку!

Мен шахсан тожик халқининг валломатлигини, марди майдонлигини ва айни вақтда меҳру шафқатли, ақлу идрокда баркамол эканлигини яхши биламан. Кўлоб деганда гўзал ва дилбар қизлар, Қўрғонтепа деса, азамат ва барваста йигитлар кўз олдимга келади. Наҳотки, эндилиқда, истиқлолнинг илк йиллари уни мустаҳкамлаш, янада равнақ топтириш ўрнига қон тўкилса, бошлар яксон, ёшлар жувонмарг бўлса, тожик эли додини кимга айтади? Худонинг қаҳри келмайдими, аждодларимиз арвоҳи чирқирамайдими?! Наҳотки, Қўрғонтепа эндиликда Култепа, Кўлоб эса дашти биёбон бўлиб қолса?! Алҳазар!

Эслайман, яқин-яқинда Сирдарёдан кечиб ўтгандай, Хўжанд ва ундан нари кетиб, Ҳисор тоғларидан ошиб, бағри кенг водийларда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари наъра тортганини, баланд пардада шеърлар, қўшиқ ва яллалар янграгани, икки қардош халқ шаънига айтилган илиқ-иссиқ сўзлар, орзу ва истаклар...

Эсимда, тожик адабиётининг кўркам намоёндаси, машҳур шоир ва аллома Мирзо Турсунзода ёзган дўстлик дастурхони ва ушбу анжуманда камарбаста бўлиб турган жигарбандларим, истеъдод эгалари Сотим Улуғзода, Мирсаид Миршакар, Боқи Раҳимзода, Жалол Икромий, Фотиҳ Ниёзий, Гулрухсор Сафиева, Шерали Лойиқ ва жуда кўп ҳозир, кексаликданми, эсимга келмай турган қалам соҳиблари. Яхши кунларни эслаш айб эмас, албатта. Бинобарин, халқнинг қорни тўқ, эгни бут бўлиши лозим.

Қардош тожик халқи шу кеча-кундузда бениҳоя азият чекса-ю, ким унга бефарқ қарай олади, замон ҳали охирлагани йўқ-ку, минг қатла шукур!..

УМИД

Кўнглингга бир таскин инади, эртангга умид уйғона бошлайди тағин (бу ботиний бутунликнинг умри қисқа бўлмасин ишқилиб). Мана, шунча йиллардирки, ижара уйларининг намли деворларидан юзларинг зарҳаллашаверди. Миннат, таъна тошларидан кўксингнинг тоғлари емирилаверди. Қаддингни тутдинг, шу халқ, шу миллат, шу Ватан учун бир кун одам бўлиш учун, ижарагир кампирнинг дашномларига чидадинг. Сурхондарё олисда, Фарғона узоқ, Хоразм тубканинг тубида, Бухорога овоз етмайди. Марказ — Тошкент кўчаларида кўнглингдаги бир қатим нур, илдиз отаётган бир зиёбахш чечакни асраш учун, илм аҳллари бошини ковуштирган — марказдан бошпана изладинг. Гоҳида юрак мискин, гоҳида шуурга тўлди. Юпандинг — ҳамма ақллилар дастлаб нимагадир зориқишиб яшашган, бари бориб-бориб яхши бўлиб кетади. Ахир мен кабилар битта эмас-ку, яна ўз-ўзингга сабр тиладинг. Йиладинг, барча буюклар азоб-уқубатда кун кечирадилар, юракни асраш, руҳни туширмаслик керак... Шу ақида бошқа тенгдошларингни-да Тошкентда тутиб турди.

Тенгқур дўстларинг даврасида уй-жойдан гап очишга ийманасан. Негаки, уларнинг-да барисининг бошида бор бу ғалва. Бири хотинини Фарғонага ташлаб келиб ишлаяпти. Келажаги борлигини адабиёт аҳли тан олган яна бир шоир ошнанг икки фарзанди билан ётоқда кун кўриши жонидан ўтганидан Сурхондарёга кўчиб кетаяпти, ойномада бўлим мудири, таниқли бўлиб қолган шоир бу йил қишда кўчада қолди. Ҳозир у буйрагини даволатаяпти. Шамоллаган. Хуллас, нолийдиган бир Сен эмас...

Иккита-учтадан китоб чиқарган, тўрт-беш болалик шоир ёзувчи дўстларингга янада ачинасан. Улар бугун адабиётда яловбардорлик қилаётган ёшлар. Ўттиздан бир-икки ҳатлаган, аллақачон ўзбек адабиётида ўз овозини бунёд этган, эларнинг эртасини кўра биладиган бу тахлит «азобсевар»ларнинг бардошлари темирдан бўлса ҳам бугун емирилиб кетишига шубҳа қилмайсан. Ҳар нарсанинг-да чеки чегараси бор, ахир...

Отангни алдайсан, онангни юпатасан — мен Тошкентда яхши яшаяпман. Шоирларга дуруст шароит яратиб беришган. Китобларим чиқади яқинда. Ҳеч нимадан камим йўқ... Ич-ичингдан эзиласан. Бу шўрликлар бир кун Тошкентга келиб, ҳаммасидан воқиф бўлишмайдими? Тоғангни меҳмонхонага жойлайсан, укаларингни ижарачи аёлга қимтиниб, бир-икки кунга меҳмонга келишганини айтасан... Хуллас, Сен кўчаларда шеър ёзасан. Ўз юртингда бошпанасиз, ўша хотинингни овутганинг каби ўзингни буюклардай ҳис қиласан. У ҳа деб уй деявергач, ахир бир бизми, ана, қара, қайси шоир ўттизда уй олибди дейсан.

Ишхонада бўйинбоғ тақиб юрасан, гўёки, Сен ҳар нарсадан тус тутгал зиёлилардай ҳузурингга келганлар билан виқорли муомала қиласан... Уйга, боланг ва хотининг ҳузурига қайтишга юрагинг безиллайди... Маошнинг тенг ярмини эса тақдир ижарага тақсимлайди...

...ана шундай кунларнинг бирида эса рўзномада Президентнинг қарорини ўқийсан: «Ўзбекистоннинг ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида...» Рўзномага қайта-қайта тикиласан...

Кўнглингда майин шабада эсади. Гарчанд сенга аталган уй ҳали лойиҳаланаётган бўлса-да, борига шукрона айтасан. Ижара уйингга қайтгач, хотининг, ўғилчанг ҳузурида ижара бекасига эшиттириб, бор овоз билан қарорни такрор ўқийсан. Ўшанда мўъжаз хонада севинч гуллайди. Ишқилиб Президентнинг айтгани келсин!

Қўчқор НОРҚОБИЛ

«АКАМ ҲАҚИДА»

Узоқ йиллар республикамизга раҳбарлик қилиб келган атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги жумҳуриятимизда кенг нишонланмоқда. Халқ қалбида ўчмас из қолдирган бу беназир инсоннинг ўзи яшаган оғир ва мураккаб даврда халқимиз келажаги ва Ўзбекистон тараққиёти йўлида қилган эзгу ишлари ёдга олинмоқда, музейини ташкил қилиш, номини абадийлаштириш, асарларини чоп этиш режалаштирилмоқда, хотиралар мажмуаси яратилмоқда.

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 3 июл сонида таниқли олим ва таржимон Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида» деб номланган хотиралари эълон қилинган эди. ЎзФА «Фан» нашриёти ушбу хотираларни шу номда алоҳида китоб ҳолида нашр қилди.

Ҳаётий воқеаларга бой, давлат арбоби ва ёзувчининг инсоний фазилатлари ҳамда вафотидан сўнгги изтиробли тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур китоб 100 минг нусхада чоп этилган, турли йилларда олинган суратлар билан безатилган.

ЎзАС ахбороти

ЯНГИ ЖАМҒАРМА

Шу йил 12 сентябр куни жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Бу жамғарма тарихан таркиб топган миллий ҳамда маънавий қадриятларимизни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республика маҳаллалари ўртасида маданий-маърифий ишларни намунали йўлга қўйиш, шунингдек, уларни иҳтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

Фармонда жамғарманинг асосий вазифалари ҳам белгилаб қўйилган.

ЎЗБЕКИСТОН — ХМТ АЪЗОСИ

Жумҳуриятимиз Ташқи ишлар вазирлигининг хабар қилишича, яқинда Женевада Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори жаноб М. Хансеннидан табрикнома олинган. Табрикномада Ўзбекистон Республикаси ХМТ аъзоси бўлганлиги айтилган. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлгани республикамизга меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган халқаро сиёсат ва дастурларда тўла ҳуқуқ билан қатнашиш, жумҳурият меҳнат қонунларини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш имконини беради.

ҚИТЪАЛАРАРО АВТОМОБИЛ ПОЙГАСИ

Шу йил 1 сентябр куни Фарангистон пойтахтидан 94 та енгил, 23 та юк автомобили, 18 та мотоцикл колоннаси «Париж — Москва — Пекин» йўналиши бўйича йўлга чиқди. 15 мамлакат вакиллари қатнашаётган ушбу рейд-марафон 27 сентябрга қадар давом этади. Пойгачилар Фарангистон, Белгия, Олмония, Польша, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой мамлакатлари бўйлаб 16 минг 42 километрлик масофани босиб ўтадилар.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон ҳаво йўллари тобора кенгайиб бормоқда. Чунончи, ўтган ҳафта жумҳуриятимиз пойтахти Тошкент ва Исроилнинг Тель-Авив шаҳарлари ўртасида янги ҳаво йўли очилди. Илк парвоз муваффақиятли ўтди. Яқин вақтлар ичида Сурия-нинг Дамашқ, Германиянинг Франкфрут на-Майн шаҳарларига ҳам самолётларимиз уча бошлайди.

МУНОЗАРА МИНБАРИ

Ўзбекистон радиосида «Мунозара минбари» деб номланган давра суҳбати ташкил этилди. Бундай мулоқотдан кўзланган мақсад тингловчиларни Ўзбекистон давлатининг бошқарув тизимлари билан яқиндан таништириш, уларнинг фаолиятини мунтазам ёритиб боришдир. Янги эшиттиришнинг дастлабки меҳмони Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси Ураймжон Абдуғаниев бўлди.

«МАРИАННА» ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛМОҚЧИ

Маълумки, «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмининг бош қаҳрамони Марианна ролининг ижрочиси, мексикалик кино юлдузи Вероника Кастро яқинда Москвага ташриф буюрди. Учрашувлар чоғида Тошкентда бўладиган XI халқаро кинофестиваль дирекцияси аъзолари машҳур санъаткорга ўзбек халқининг муҳаббати рамзи сифатида халқ усталари тайёрлаган миллий сандиқча ва зирак тақдим этдилар. Вероника Кастро совғаларни мамнуният билан қабул қилди, имкон топса, албатта Тошкент кинофестивалига келишини айтди.

УСТАЛАР МАРҲАМАТИ

XI халқаро кинофестивалга Ўзбекистон халқ усталарининг «Уста» бирлашмаси ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқда. Фестивал кунлари бирлашма усталари ижод қилган, халқ амалий санъатининг юздан ортиқ турига мансуб, асосан қўлда яратилган асарлар кўргазмаси ва савдоси ташкил қилинади. Шу мақсадда бир миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланяпти.

ҚАШҚАРДАН МАКТУБ

Ассалому алайкум, ўзбек элидаги ватандошларим! Биз Қашқар шаҳридаги ўзбеклар, жумладан Ҳожи Анвар Маҳсум Андижоний, сиз жонажонларимизни озодлик ва ҳурриятингиз байрами билан муборакбод этамиз. Севимли она тупроқ келажагининг порлоқ бўлишига, иншоолло, ишонамиз.

Шоир эмасман, лекин Ўзбекистоним учун шоир бўлишга ҳам тайёрман!

Эй, гўзал хушнуд баҳорим,
Ўзбекистонга салом,
Шуҳрати оламга кетган
донги-достонга салом
Янгидан тўйлар муборак,
сенга қалбимдан ватан,
Куйласам завқим билан
ул она юртимга салом.
Эсласам ҳар дам сени
кўргим келур шавқим билан
Доимо қалбимда бўлган
оқ пахтакоримга салом.
Тарбиянгни кўрган эрдим
икки ёш чоғимда мен
Айрилиб қолган гўдакман,
ота юртимга салом.
Сен билан фахрим муайян
шодланиб ҳар дам кулиб
Тилда иқрорим билан
сен жонажонимга салом.
Доимо васлинг тилаб
кечалар бедор бўлиб,
Куйласам созим билан
дилкаш диёримга салом.
Меҳрибонлик, шафқатингни
кўрсам эрди кошки.
Найлайин, чет элдаман
ул дарди-дармонга салом.
Равнақу кўрсам висолингни
ташаккурлар қилиб
Эй, гўзалларнинг гўзал жойи
диёримга салом.
Шуҳратингдан шодумондур
ўғил-қиз фарзандларинг
Шафқатинг чексиз-онамдек
меҳрибонимга салом.
Оч қучоғинг хаста дилларга
шифолар бахш этиб
Учтепа, Хортум каби
аҳли диёримга салом
Бир кўрай васлингни энди,
эй чаманзорим ватан
Хаста дилларнинг давоси
кори-боримга салом
Мен туғилганман муҳаббатлик
қучоғинг боғида
Сўзласам ишқингда Анвар,
лолазоримга салом.

ОБУНА—93

ҚАДРЛИ МУШТАРИЛАР! СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ИЛТИМОСЛАРИНГИЗГА БИНОАН ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

ОБУНА БАҲОСИ:

БИР ЙИЛГА — 180 СЎМ

ОЛТИ ОЙГА — 90 СЎМ.

Қўлингиздаги

Муҳаббат Туробованинг номи муштарийларимизга яхши таниш. У салкам 30 йилдан бўён муҳаррирлигимизда биримизга опа, биримизга сингил, ёшларимизга меҳрибон-маслаҳатгўй устоз сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Сўнгги пайтларда таҳририятимизнинг энг оғир, энг масъулиятли хатлар ва оммавий ишлар бўлимини бошқармоқда. Ўзининг ахлоқий-маънавий, ижтимоий ва ҳуқуқий мавзуларда ёзган мақола-очеркларидан ва ҳафталигимизнинг мазмунли ва ўқишли чиқишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Муҳаббат опа шоира ва адиба сифатида ҳам эл эътиборини қозонган. Унинг «Кумуш томчилар», «Қўш кабутар», «Оқ гуллар» шеърий тўпламлари, «Авлодлар» насрий қиссаси адабиёт мухлислари томонидан илиқ кутиб олинган.

Яқинда Муҳаббат Туробова жумҳуриятимиз мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Биз ҳамкасбимизни юксак унвон билан самимий қутлаймиз, унинг келгусидаги ижодий ишларида ва шахсий ҳаётида муваффақиятлар тилаймиз.

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

«ЗАНЖИРБАНД» ҲУКМДОРЛАР

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

СОВЕТ ДАВРИДА ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ фаолиятига кўпинча бир томонлама баҳо бериш, уларни кўкларга кўтариш ёки тупроққа қориб ташлаш одат тусига кирган эди. Бу тариқа иш тутиш тарихни соҳталаштиришга олиб келди, жамият ривожига путур етказди. Негаки, йирик давлат арбоблари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт йўналишида муҳим ўрин эгаллайдилар. Мен ана шуларни назарда тутган ҳолда таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан Шароф Рашидов ҳақида сўз айтишга жазм этдим. Албатта, у кишининг кўп қиррали фаолиятини бир мақолада тўла баён этишнинг иложи йўқ, мен тарихчи сифатида бу муҳим ва мураккаб масала бўйича умумий тасаввур ҳосил қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим, холос.

Мақоланинг «Занжирбанд» ҳукмдорлар» деб номланишида чуқур маъно бор. У одатда рамзий айтиладиган ибора бўлмай, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заминга эгадир. Унинг уруғлари В. И. Ленин раҳнамолигида 1917 йили Октябрь давлат тўнтариши амалга оширилиб, совет ҳукумати юзага келиши жараёнида сепилганди. Шу вақтдан бошлаб зўравонликка ва ғайриқонунийликка асосланган диктатура ва тоталитар давлат туғилганди.

Большевикларнинг чекланмаган яккаҳокимлиги ва зўравонлиги қизил империя барбод бўлгунга қадар изчиллик ва шиддат билан давом этди. Коммунистик партия бутун мамлакатни «темир қафас» билан ўраб олиб, халқни жаҳондан ажратиб ташлади. Матбуот ва сўз эркинлигига йўл бермади. Сайловлар ва парламент фақат хўжакўрсинга жорий қилиниб, уларнинг зиммасига партия кўрсатмаларини сўзсиз маъқуллаш ва қарсак чалиш вазифаси юкланди. Миллий республикаларнинг мустақил равишда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий иш юритишига йўл берилмай, бўйинларига сиртмоқ солиб қўйилди. Улар Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Ҳар бир халқнинг бой ўтмиши, тарихи, миллий анъаналари ва урф-одатлари инкор этилди. Том маънода миллий тилнинг ва маданиятнинг ривожланишига тўсиқлар қўйилди. Коммунистлар партияси бутун жаҳонни катта хавф ва фалокат остида қолдирди. Инсоният томонидан неча миллион йиллар давомида катта машаққатлар ва азоб-уқубатлар эвазига кашф этилган хусусий мулкчилик ва диннинг илдизига болта урилди. Мамлакат бўйича 30—40 миллион одам қатағон қилиниб, нобуд этилди.

Совет даврида хусусий мулкчиликнинг йўқ қилиниши сабабли юзага келган очарчиликлар, қаҳатчиликлар ва оммавий касалликлар даврида миллионлаб кишининг ёстиғи қуриди, етим-есирлар кўпайди. Обод қишлоқлар харобага айланди, қашшоқлик авж олди. Қулдорлик тузумига монанд инсоний ҳуқуқлар топталиб, одамларнинг оғзига қулф, оёғига кишан урилди. Уларнинг ҳар бир қадами ва юриш-туриши қаттиқ назорат остига олинди. Коммунистик партиянинг рағбатлантириши натижасида чақимчилик, туҳматчилик, имзосиз хат ёзиш каби жирканч иллатлар урчиб кетди. Шундай замонлар бўлдики, ота болага, бола отага ишонмай қолди.

Совет даврида айниқса зиёлилар ва катта-кичик маъмуриятлар вакилларига нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлинди. Лавозимга тайинланадиган номзод етти пуштигача суриштирилиб, «чийриқ»дан ўтказилди ҳамда занжирбанд қилинди.

«Занжирбанд» ҳукмдорлар ҳамиша икки кўзи ва икки қулоғини марказга тиккан қўйи хавотир ва қўрқувда яшашга мажбур бўлдилар. Бу уларни дўпписини ол деса, бошни оладиган қилиб қўйди. Уларнинг зиммасига қатъий равишда белгиланган миқдордаги табиий бойликларни ва ноз-неъматларни марказга узлуксиз юбориб туриш вазифаси юклаб қўйилган эди. Устига устак, марказ ҳоҳлаган вақтида уларга республикада катта саноат корхоналарини қуриш ва бошқа жойлардан юборилган ишчиларни уй-жой билан таъминлашни буюрарди. Норози кишилар миллатчиликда айбланар, қувғинга учрарди. Шунга қарамай, «занжирбанд» ҳукмдорлар орасида ўз халқи ва ватанига содиқ кишилар йўқ эмасди. А. Икромов, Ф. Хўжаев, Н. Муҳиддинов, Ш. Рашидов, Р. Қурбонов ва Н. Худойбердиевлар шундайлар жумласидан эдилар. Улар гарчи марказ сиёсатини қувватлаб табиий ва моддий бойликларни кўплаб миқдорда Россияга жўнатиб турган бўлсалар-да, йўлини топиб жумҳуриятга фойда келтиришни ўз бурчлари деб билганлар.

МИЛЛАТПАРВАРЛИКНИНГ ИЛК ҚУРБОНЛАРИ Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев эдилар. Улар даставвал большевикларга ва социализм ғояларига тўла ишонган эдилар. Шунинг учун янги тузумни ҳаётга жорий этишда жонбозлик кўрсатдилар. Бироқ вақт ўтиши билан партияга ёзиқодлари ва янги тузумга ишончлари сўниб борди. Негаки, Сталин бошлиқ партия марказий комитети жумҳуриятларга ваъда қилинган ҳуқуқларни, тенглик, озодликни ва мустақилликни бермади, амалда чоризм вақтидаги сиёсат давом этаверди. А. Икромов 1929 йилги умумиттифоқ партия конференциясида Ўзбекистон ҳамон мустамлака ҳолатида яшаётганлиги ҳақида рўйрост гапирди. «Шундай экан, — деб луқма ташлади Сталин, — нима учун сиз босмачилар тарафига ўтиб, Совет давлатига қарши курашмадингиз?»

А. Икромов кейинги партиявий йиғинларда ҳам Сталин билан айтишиб қолганлиги ҳақида маълумотлар бор. Умуман олганда, А. Икромов ва Ф. Хўжаев тилда партия миллий сиёсатини ва социалистик тузумни қувватлаб, ўзларини кўрсатишга имкон борича ҳаракат қилган бўлсалар-да, Москванинг ғирром сиёсатини дилларида тўла англаб етган эдилар. Бу ҳолдан ташвишланган Сталин уларни Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олиш ҳаракатида айблаб оттириб юборди.

Н. Хрушчев даврида, гарчи сталинча оммавий қатлиомга барҳам берилган бўлса-да, барибир, демократия ва ошкораликка йўл берилмади. Жумҳуриятлар раҳбар ходимларини «занжирбанд»ликда ушлаш сиёсати давом этди. Мустамлакачилик ва миллий зулм яна бир неча ўн йилларга чўзилди.

50-йилларда Н. Муҳиддинов ақл-идроки, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан эл оғзига тушди. У аввал Наманган ва Тошкент вилоятларига раҳбарлик қилди. Сўнгра Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси ва Ўзбекистон коммунистик партияси марказий комитетининг биринчи котиби вазифаларида муваффақиятли ишлади. Иккинчи жаҳон уруши даврида ўпирилган қишлоқ хўжалигини тиклашга, саноат тармоқларида ўзбеклар сонини кўпайтиришга, фан ва маданиятни ўстиришга катта эътибор берди. Эндиликда Тошкентни сув билан таъминлаб турган Чорвоқ сув омборини бунёд этишнинг ташаббускори бўлди. Биринчилар қатори А. Икромов, Ф. Хўжаев, С. Сегизбоев, Абдулла Қодирийнинг ва бошқа қатағонга учраган кишиларнинг номини оқлаш учун ғайрат кўрсатди. 1957 йили шарқшуносларнинг биринчи конференциясини ўтказишга бош-қош бўлди. Анжуманда махсус маъруза билан чиқиб, Шарқ халқларининг, жумладан, Ўзбекистоннинг жаҳон маданий тараққиётидаги муҳим роли ва келажакдаги вазифалар ҳақида батафсил гапирди. Шарқшунослик ва ижтимоий фанларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бобур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда оммалаштириш масаласини ўртага ташлади.

Н. Муҳиддинов истеъдодли давлат арбоби ва миллатпарвар сифатида обрў қозонаётган бир пайтда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси марказий комитети уни Сиёсий бюро аъзолиги ва котиблигига сайлаб, Москвага олиб кетиб, ўттиз йил давомида Ўзбекистонга қайтишга йўл бермади. Бу амалда сургуннинг ўзи, Ўзбекистон учун катта йўқотиш эди. Партия Н. Муҳиддинов каби истеъдодли сиёсатчи ва миллатпарварларнинг умумхалқ суянчиғига айланишини хавфли деб ҳисобларди. Раҳбардан тортиб оддий фуқарогача — барчани қултбиат қилиб тарбиялашдан манфаатдор эди. Партиянинг 1947 йили қабул қилинган маҳаллий аҳолига нисбатан олиб бориладиган сиёсатга доир махсус ва махфий кўрсатмасида чунончи шундай жумлалар ёзилган: «Иш жойларида етакчи мутахассислар ишдан олинишига ҳамда уларнинг ўрнига чаламулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор. Партия, давлат ва хўжалик аппаратида ишлаётган туб ерли аҳоли намояндаларини шундай ҳолатга солиш керакки, уларнинг ўз қўл остидагилари кўз ўнгида обрўси тўкилиб, аввалги даврасига қайтиши учун ҳам имконлари қолмасин. Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, то улар халқнинг оми қатламидан бўлсин ва уларни мутахассислик бўйича билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин».

Бу кўрсатмалар Ўзбекистонда ҳам оғишмай амалга оширилди. Фикримча, туб аҳолини тобе ва билимсиз қилиб тарбиялаш мактабларданоқ бошланган. Ўқувчиларнинг умри далаларда ва бошқа ишларда ўтиб, билимлари паст бўлиб қолгани ҳаммага аён.

«Занжирбанд» ҳукмдорлар орасида сир бой бермай, билимдонлик билан иш юритишда Шароф Рашидовга тенглашадигани топилмаса керак. У Ўзбекистон коммунистик партияси марказий комитетининг биринчи котиби этиб сайлангач, партиянинг миллий сиёсатини «улуғлади», «дўстлик» ва «интернационализм» байроғини баланд кўтарди. Рус халқи ва рус тилини ҳар жиҳатдан улуғлаб, буюк миллатчилик ҳаракатини қувватлади. Марказнинг сиёсий ва иқтисодий талабларини ошиғи билан адо этди. Шу тариқа марказ ишончини тўла қозонди. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ва кўплаб орден-медаллар билан тақдирланди. Шу аснода марказнинг Ўзбекистонга муносабати бирмунча ўзгарди. Айни чоғда Ўзбекистон совет давлати хазинаси бойишига салмоқли ҳисса қўшиб борди. Ишончли шахс сифатида Шароф Рашидовга маълум даражада мустақиллик берилди. Шундан кейин у бамисоли бир қўли билан марказ талабини, бошқаси билан эса жумҳурият тараққиётини таъминлади.

ХУШ, ШАРОФ РАШИДОВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА қандай ўзгаришлар бўлди?

У биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга қаттиқ киришди, сунъий суғориш ва янги ерларни кенг кўламда ўзлаштириш ишларини кучайтирди. Натижада ўнлаб йирик сув омборлари ва каналлар бунёд қилинди, қақраб ётган чўл-биёбонлар пахтазорларга айланди. 1982 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 8 миллиард куб метр сув жамғармасига эга бўлган 20 та йирик сув омбори бўлиб, суғориш тармоқларининг узунлиги 160 минг километрга етди. 1960—1982 йиллар давомида суғориладиган ерлар ҳажми 1 миллион гектарга ортди. Минглаб турар-жойлар, мактаблар, билим юртлари, олий-гоҳлар, санъат масканлари, боғчалар, турли иншоотлар қурилди. Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашда катта ютуқларга эришилди. Саноатнинг кимё, машинасозлик, энергетика, нефт, тоғ-кон, қора металлургия, рангли металлургия, электротехника, авиация, кўмир, газ, қурилиш ва бошқа тармоқлари жадал ўсди. Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари кенгайди.

1966 йилги зилзиладан сўнг Тошкентда бунёдкорлик ишлари юқори чўққига кўтарилди. Академиклар, Медиклар, Профессорлар шаҳарчалари, Чилонзор, Октябр, Қорақамиш, Юнусобод, Сирғали туманлари ва бошқа турар жойлар барпо этилди. Катталикда ва гўзалликда тенги йўқ Намойишлар майдони вужудга келди. Тошкент йирик ва гўзал шаҳарга айланди. Бундай ишлар жумҳуриятнинг бошқа шаҳар-туманларида ҳам амалга оширилди. Йўл қурилишига, транспорт ва авиация тармоғига катта аҳамият берилди. Алоқа ва маиший хизмат анча такомиллашди. Халқ маорифи, фан ва маданият, санъат, матбуот, радио ва телевидение даражаси ўсди, олий ва ўрта таълим ривожланди. Ўша вақтда мураккаб ва машаққатли бўлган метронинг қурилиб ишга туширилиши, айниқса, катта воқеа бўлди. Ўзбек халқининг бой ўтмиш маданиятини ўзида ифода қилган бу нодир иншоотнинг барпо этилиши Шароф Рашидовнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Таассуфки, юртимиздаги ўзгаришларнинг аксарияти, энг аввало, мустамлакачилик ва миллий зулм доирасида бўлди. Бу ҳолни хаспўшлаш ва ниқоблашнинг ҳожати йўқ. Пахта яккаҳокимлигининг юқори чўққига кўтарилиши азоб-уқубатни кучайтирди, деҳқонларнинг саломатлигига, зеҳнига, умуман, ҳаётига путур етказди. Заҳри қотил дориларнинг аёвсиз ишлатилиши орқасида ҳаво, ер ва сув заҳарланди, касалликлар кўпайди. Чорвачилик, хусусан, қоракўлчилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик орқага кетди. Орол денгизининг ҳалокатга учраши тенгсиз фожиа бўлди. Не-не машаққатлар ва азоб-уқубатлар билан етиштирилган ўзбек пахтасининг асосий қисми суватекинга Россияга юбориб турилди, «оқ олтин»дан олинадиган катта фойда марказнинг чўнтагини тўлдирди. Айрим маълумотларга кўра, бу даромад 50 миллиард долларни ташкил этган.

Марказга ипак, қоракўл, ноз-неъматлар, олтин, кумуш, мис, вольфрам, уран, газ каби табиий бойликларимиз ҳам узлуксиз жўнатиб турилган. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, олиб кетилган биргина олтинларимизнинг қиймати 20 миллиард долларни ташкил этган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хулоса эса битта — «Социализмнинг шарқдаги машъали» Ўзбекистон амалда хом ашё манбаига, яъни Россиянинг мустамлака қисмига айлантирилди.

Иккинчидан, жумҳуриятимиз саноатининг энг муҳим соҳалари Иттифоқ вазирликлари ихтиёрида эди. Улар имтиёзли корхоналар ҳисобланиб, серсув ва унумли ерларга, экин майдонлари ва турар-жойлар ҳисобига қурилди. Йирик саноат корхоналари қад ростлаши билан ўн минглаб кишилар кўчиб келдилар. Уларга дарҳол шинам уйлар, мактаблар, боғчалар, жамоат бинолари қурилиб берилди, ободончилик ва маиший хизмат, алоқа воситалари йўлга қўйилди. Ваҳоланки, туб аҳоли орасида бир парча ерга ва бошпанага зор кишилар сон-саноқсиз эдилар.

Учинчидан, партиянинг «тараққийпарварлиги» замирида шум ниятлар ётарди. Унинг маорифини, ўрта махсус ва олий таълимни, матбуотни, радио ва телевиденени ривожлантиришдан кўзланган режаси маҳаллий миллатлар равнақини таъминлаш эмас, балки халқнинг онги ва қонига тоталитар давлатга итоаткорликни, кўр-кўрона эргашишни сингдиришдан иборат эди. Партия маърифат воситасида одамларнинг бошини «коммунизм ғоялари» билан заҳарлаб, миллий маданиятни ва тилни ривожлантиришга оид тадбирларни кўпинча хўжакўрсинга амалга оширди.

ШУ ЎРИНДА САВОДЛИ, БИЛИМЛИ ВА МАЪЛУМ СОҲА БЎЙИЧА махсус мутахассисликка эга кишилар наҳотки қулга ўхшаб қолган бўлсалар, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Жавоб шуки, ҳозирги замонда қул деганда фақат саводсиз ва меҳнатдан бошқани билмайдиган одамни тушуниш ножоиздир. Чунки XX асрда фан ва техника беқиёс даражада ривожланиб, ҳаётнинг йўналтирувчи кучига айланди. Замон тақозосига кўра, ишлаб чиқариш кучлари саводли ва маълумотли бўлиши шарт бўлиб қолди. Шу боис коммунистик партия ўз манфаатини кўзлаган ҳолда фуқаролар саводини ва билимини оширди. Аммо миллатларга мустақилликни, эркинликни, тенгликни, умуман, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни бермади. Бунинг устига, хусусий мулкчилик ва динга зарба берилди, аросатда қолган аҳолини истаган пайтда истаган кўйга солиш имкони яратилди. Буларнинг барчаси қулчиликнинг асосий белгилари эди. Шунга кўра, собиқ СССРда «социалистик держава» эмас, «қулдорлик державаси» юзага келди. Қуллар сафидан Ўзбекистон ҳам салмоқли ўрин эгаллади.

Совет давридаги қулдорлик туб моҳияти билан қадимги дунё қулдорлигидан фарқ қилмаса-да, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд эди. Давр талабига биноан, фан ва техниканинг ўсиши саноатни, ғоятда билимдонлик ҳамда моҳирликни талаб этувчи бошқа соҳаларни бошқариш кишиларни ҳар жиҳатдан такомиллашишга мажбур этди. Натижада совет даврида қулдорлик тузуми энг юқори чўққига кўтарилди. Бу вақтда замонга монанд равишда қулларни сотиш йўқолиб, ўрнига оммавий равишда қамаш ва отиш, сургун қилиш, қаттиқ назорат ва таъқиб остига олиш, ҳукумат ишларига жалб этиш кенг қулоч ёйди. Қулчиликнинг мазмуни ва хусусиятлари кенгайиб, фуқароларнинг оилага, уй-жойга эга бўлиш ва маълумот олиш ҳуқуқлари сақланди. Бироқ улар қулчиликнинг асосий моҳиятини ўзгартира олмади. Қадим қулдорлик жамиятида аҳолининг маълум қисми озод ҳисобланиб, ўз эрки бўйича ҳаёт кечирган бўлсалар, совет фуқароларининг ҳаммаси давлат мулки ҳисобланарди. Ер-сув, мол-мулк, ҳайвонот дунёси, фуқаролар, барча-барчаси давлатники бўлиб қолди. Мамлакатда «улуғ давлатчилик» руҳи ҳукм сурди.

Тўртинчидан, маҳаллий аҳолини ер майдонлари, газ ва ичимлик сув билан таъминлашга етарли эътибор берилмади. Хусусий уй-жой қурилишига ер ажратишда ҳаддан ташқари қаттиққўллик қилинди. Бундай, айниқса, Фарғона водийси аҳолиси жуда қийналди. Уларнинг эшиги тагигача пахта экилди. Салбий ўзгаришлар туфайли келиб чиққан бу янглиғ фожиаларни айтаверсангиз, адо бўлмайди.

Бешинчидан, совет даврида демократия ва ошкораликнинг «думи» ҳам кўрсатилмади. Раҳбарият ишларидан норози бўлганлар таъқиб ва қувғин остига олинди. Жумҳуриятни бошқаришда тоталитар ва умуман, қулдорлик тузуми тўла ҳукмронлик қилди.

Аммо рўй берган хатолар учун жавобгарликни фақат Шароф Рашидов зиммасига ағдариш инсофдан бўлмайди. Улар асосан Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг ашаддий мустамлакачилик ва миллатларга қарши сиёсатининг маҳсулидир. Ўша вақтларда «занжирбанд» ҳукмдорлардан бирортаси тоталитар давлатнинг сиёсатига ошкора қарши чиқиши мумкин эмасди.

ХУШ, ШУНДАЙ ОҒИР ВАЗИЯТДА ШАРОФ РАШИДОВ ТОМОНИДАН амалга оширилган ишлар қандай самаралар берди? Халқимизда «Қатиқ тўкилса, юқи қолади, сут тўкилса, нима қолади», деган нақл бор. Мана, қизил империя инқирозга учради. Бизга бир вақтлар асосан унинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига узлуксиз хизмат қилган, жуда оз бўлса-да, эл-юртимизга ҳам нафи теккан тармоқлар ва муассасалар қолди. Хусусан, минглаб мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари, турли соҳа мутахассислари батамом мустақил Ўзбекистон ихтиёрига ўтди. Йиллар мобайнида шаклланган салмоқли ва бақувват зиёлилар қатлами истиқлолга эришишда муҳим бўғин бўлдилар.

Бир вақтлар Иттифоқ вазирликларига қарашли бўлган йирик саноат корхоналарини олишимиз ҳам катта аҳамиятга эгадир. Агарда жамият тараққиётининг асосий негизи ҳисобланган бундай корхоналар бўлмаганда, ҳозир Ўзбекистон жуда ҳам букчайиб қоларди. Шу жиҳатдан қараганда, янги ўзлаштирилган ерларнинг, пахтазорларнинг, сув омборлари ва сув иншоотларининг, электр станцияларнинг, транспорт ва алоқа воситаларининг, маъмурий ва жамоат бинолларининг, етакчи йўлларнинг ва бошқаларнинг ўзимизга қолиши, ишлаб турган олтин, уран, вольфрам, мис, газ, нефть корхоналарига эга бўлганимиз ҳам беқиёс имкониятдир. Бу моддий ва маънавий бойликларни бунёд этиш осон бўлмаган. Уларнинг аксарияти тарихан жуда қисқа вақтда — 10-15 йил ичида ва «занжирбанд»ликда яратилди. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, иштаҳаси карнай партия ва совет ҳукуматидан бирор нарса ундириш, уни ўз халқи учун сарфлаш ниҳоятда қийин иш эди. Бунинг уддасидан ўз халқимга фойда тегсин деб, ҳар қандай сиқувлар ва чеклашларга рози бўлган, Ватан ишқида ёнган Шароф Рашидов сингари миллатпарвар ҳукмдоргина чиқиши мумкин эди. Баъзи кишилар бу ишларни Шароф Рашидов ўрнида бошқа одам бўлганда ҳам бажараради-да, дейишлари мумкин. Мен қатъий равишда айтаманки, бажара олмасди. Шўро даврида 10 киши жумҳуриятимизга раҳбарлик қилди. Улар орасида ўз элимизни қатағон қилишда, миллий қадриятларимизни тупроққа қоришда жонбозлик кўрсатиб, нафратга учраган раҳбарлар ҳам бор.

ХУЛОСА ШУКИ, ҲАР БИР НАРСАНИНГ ЎЗ ЎЛЧОВИ ВА МЕЪЁРИ бўлганидек, тарихнинг ҳам тарозиси, посангиси бор. Унинг бир палласига Ўзбекистонда содир бўлган ижобий, иккинчисига салбий ўзгаришлар солинса, масала янада ойдинлашади. Бу оғир ва масъулиятли вазифани ўз соҳаларини яхши билувчи олимлар ва мутахассислар биргаликда ҳал этишлари мумкин. Ана шунда Шароф Рашидов ўта оғир ва қалтис шароитда ўзбек халқининг келажагини, мустақиллигини ва озодлигини таъминлаш учун замин яратишга нечоғли салмоқли ҳисса қўшгани маълум бўлади. Худди шу боисдан ҳам, ҳозир Ўзбекистон кўпгина бошқа жумҳуриятларга нисбатан анча бақувват ва тетик бўлиб турибди. Шундай бўлгач, энди инсоф билан айтинг-чи, бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўладими? Йўқ, албатта!

Жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқи ўзининг содиқ фарзандлари қадр-қимматини ҳамиша ўрнига қўйиб ва эъзозлаб келган. Халқ манфаатлари учун ўзини сувга ҳам, ўтга ҳам урганлардан бири Шароф Рашидов эди. Унинг хизматлари ва табаррук сиймоси миннатдор элатдошларимиз хотирасидан ўчмаслигига ишонаман.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор

Миллий қадриятларимиз: бухоролик ҳунармандлар иши

С. МАҲКАМОВ олган сурат

Ҳамид АХТАР:

ЎЗБЕКИСТОН—ДЎСТЛАР УЧРАШАДИГАН ЮРТ

Юрт истиқлоли, энг аввало, азалий қўшниларимиз бўлган, дарёнинг у бетидаги Шарқ мамлакатлари билан яқин ҳамкорликларни, борди-келдиларни ўрнатиш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугун Тошкент кўчаларида, меҳмонхоналарида ҳинд, хитой, турк, урду, уйғур, балуж, панжоб, дарий тилларида суҳбатлашаётган кўплаб меҳмонларни учратиш мумкин. Яқинда ана шундай меҳмонлардан бири — покистонлик адиб, журналист Ҳамид Ахтар билан редакциямизда суҳбат бўлиб ўтди. Ҳамид Ахтар Покистон халқларининг ўзбекистонликларга муносабатлари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликларнинг тиклана бошлаганлиги, бу ўринда ижодкорлар зиммасидаги вазифалар хусусида гапирди. Ҳафталик бош муҳаррири А. Мелибоев газета фаолияти, унда Покистон ҳаётига доир материалларнинг акс эттирилиши тўғрисида сўзлаб, покистонлик адиб ва журналистларни адабиётлар дўстлиғини, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун ҳафталик саҳифаларида ўз асарлари билан қатнашиб туришларини таклиф қилди.

Суҳбат якунида мухбиримиз Камол Матёқубов Ҳамид Ахтарга айрим саволлар билан мурожаат қилди.

— Жаноб Ҳамид Ахтар, муштарийларимизга ўзингизни таништириб, ҳаётингиз ва ижодингиз хусусида гапириб берсангиз.

— Мен Ҳиндистон мустақилликка эришмасдан, Покистон алоҳида давлат сифатида ажралиб чиқмасидан бироз олдин шу икки давлат ўртасидаги шаҳарлардан бирида таваллуд топганман. Ёшлигим ҳам ўша ерда ўтган, таълим-тарбияни ҳам шу ерда олганман. Адабиётга қизиқишим ёшлигимдан бошланган. Илк ҳикоям 1942 йил, ҳали мактабда ўқиб юрган пайтимда Ҳиндистоннинг етакчи газеталаридан бири «Ҳумоюн»да босилиб чиққан. Шундан кейин адабий ҳаётга яқин бўлиб қолганман. 1945 йилда Бомбейда Умумҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилар ташкилоти тузилган ва унинг анжумани ўтказилган. Шу анжуманда котиблик қилганман. Ўшанда кўплаб атоқли ёзувчилар билан танишганман, мулоқотда бўлганман. Бу менинг ҳаётимни адабиётга бутунлай боғлади.

1948 йилда Покистон алоҳида давлат бўлиб ажралиб чиққач, Лоҳурда ҳам ана шундай тараққийпарвар адиблар ташкилоти тузилди. 1949 йилда унинг конгресси бўлиб ўтди. Шу конгрессда ҳам котиблик қилдим. Бу конгрессга Осиё қитъасидан, Шарқ мамлакатларидан кўплаб ижодкорлар қатнашганлар. Ўзбекистондан Мусо Ойбек, Тожикистондан Мирзо Турсунзода ҳам иштирок этгандилар. Шундан кейин турли вазифаларда хизмат қилдим. Ижодий иш билан шуғулландим, журналистлик қилдим. Собиқ империя даврида «Покистон — Совет дўстлик жамияти»нинг бош котиби бўлиб ишладим. Хуллас, собиқ мамлакатингиз билан алоқаларим кўп йиллар давом этди.

Бу йил ижодий фаолиятим бошланганига ярим аср бўлди. Шу муносабат билан Покистонда чиқадиган «Жанг» газетаси, бир қатор журналлар мен ҳақимда материаллар берди. Англиянинг «Би-би-си» телекомпанияси ҳаётим ва ижодимга бағишланган эшиттириш тайёрлади. Шу давр ичида 5-6 китобим нашр этилди. Яқинда яна бир китобим — «Бошпанасиз» деб аталган ҳикоялар тўпламим чоп қилинди.

Кўриб турибсизки, ҳаётим унчалик шовшувларга бой эмас. Шу сабабдан мен ўзимни кичик одам ҳисоблайман. Лекин ҳар қандай кичик одамнинг қалбида ҳам улуғ бир фахр яшайди. Шу маънода мен аждодларимдан фахрланаман. Аждодларим эса Ҳиндистонда ислом динининг ёйилишига катта ҳисса қўшган сўфийларнинг етакчиларидан бўлган Хўжа Муиддин Ажмирий, унинг садоқатли шогирди Хўжа Қутбиддин Кокий ҳазратларига бориб тақалади.

— Мамлакатингиздаги адабий муҳит ва ижодкорларга муносабат қай даражада, шулар хусусида ҳам гапириб берсангиз?

— Бизда адабиётга ва ижодкорларга нисбатан муносабатни ҳам яхши, ҳам ёмон деб баҳолаш мумкин. Ёмонлиги шундаки, бизда ҳали ҳам саводсизлик тугатилмаган. Ҳукумат расмий хабарларида мамлакатимизда саводхонлик даражаси 40 фоиздан ошиқ деб кўрсатилса ҳам, аслида у 30 фоиздан ортиқ эмас. Бунинг устига юртимизда бошпанасизлик, ночорлик, камбағаллик ҳам ҳукмронки, халқимиз ёзаётган асарларимиздан хабардор эмас. Хабардор бўлганларнинг аксарияти эса бадиий асарларни сотиб олиб ўқишга ҳамиша ҳам қудрати етавермайди. Шунинг учун ёзувчиларнинг фақат ижод билан шуғулланиб кун кўриши қийин. Масалан, мана менинг ўзим ҳам бир неча йил бадиий ижодни йиғиштириб қўйиб, кун кўриш учун журналист сифатида ишлашимга тўғри келган. Ваҳоланки, ўша пайтда менинг таъминотим яхши бўлганида қанча асарлар яратган бўлардим, деб ўйлайман.

Яхшилиги шундаки, оз қисм саводхонлар орасида бўлса-да, ижодкорларга ҳурмат-эътибор катта. Улар улуғ инсонлар сифатида эътироф этилади. Ёзганлари чанқоқлик билан ўқилади.

Адабиёт ва санъат нашрларининг аҳволи ҳам халқнинг саводсизлиги ҳамда қашшоқлиги туфайли яхши эмас. Масалан, сизларнинг ҳафталигингиз 200 минг нусхадан ошиқ чиқаркан, бизда бу энг нуфузли газеталарнинг тиражи ҳисобланади. Адабиёт ва санъат нашрлари эса кўпи билан 1000—2000 нусхада чоп этилади, холос.

Шунга қарамай адабиётимиз тараққиёт йўлида давом этмоқда. Кейинги йилларда урду тили давлат тили бўлишига қарамай, бошқа озчиликни ташкил қилувчи халқлар — синдх, балужий, панжобий тилларида асарлар кўплаб яратилмоқда. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчи сабаби шуки, мамлакатимиз армиясининг асосий қисмини панжобликлар ташкил қиларди. Натижада улар ўз тилларида вақтли матбуот нашрлари, телерадио эшиттиришлар ташкил қилинишига эришдилар. Шундан келиб чиқиб бу тилда адабий асарлар ҳам яратила бошлади. Бунинг оқибатида иккинчи сабаб — бошқа халқларнинг миллий ифтихори ўсди ва ўша тилларда ҳам адабиётлар пайдо бўлмоқда. Яъни, эндиликда Покистонда кўп тилли адабиёт ривожланмоқда.

— Покистонда Ўзбекистонга ва адабиётимизга қизиқишадими?

— Албатта! Ўзбекистон, Туркистон жаҳон маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади ва бу ерни кўриш, улуғлар юртини зиёрат этиш ҳар бир одам учун армондир. Ана шунинг учун ҳам юртингиз билан алоқа қилувчи расмий ташкилотлардан ташқари Лоҳурда «Покистон — Ўзбекистон маданий-иқтисодий маркази»ни ташкил қилганмиз. Унга Маҳмуд Али Мхаттий раҳбарлик қилмоқда. Менинг бу ерга келишимдан асосий мақсад ҳам мамлакатларимиз ўртасида маданий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишдир. Масалан, ташкилотимиздан бирор одам Тошкентда фаолият кўрсатса, ўзбек тилини ўрганса, бу ерда бизнинг аҳволимиз хусусида ахборот бериб турса, асарларимиз таржимаси, тарғиботи билан шуғулланса ва айни пайтда, шундай бир ўзбек зиёлиси Покистонда, бизнинг марказимизда ҳам фаолият кўрсатса деган ниятимиз бор. Шунингдек, талабалар алмашлаб ўқитишни ҳам йўлга қўйсак. Бунинг учун Покистон томондан бизнинг марказимиз ёрдамга тайёр. Шу билан бирга ҳафталигингиз ижодкорларини ҳам марказимизга ўзбек маданияти ва адабиёти хусусида лекциялар ўқишга, тил ўргатишга, қолаверса, мамлакатимизда мухбир сифатида фаолият кўрсатишга бажони дил таклиф этамиз. Хуллас, ҳамкорликларимиз ҳар томонлама боғланса, ривожланса деймиз.

Шундай иморатлар бўладики, вақт ўтиши билан тарихий аҳамият касб этганидек, шундай инсонлар борки, улар билан учрашувлар ҳам чинакам тарихга айланиб қолади. Ойбек билан учрашувим менда ўзбек адабиётига қизиқиш уйғотган бўлса, Совет Иттифоқининг Покистонда элчиси бўлиб ишлаган Сарвар Азимов билан дўстлигимиз бу адабиётга муҳаббатимни оширди. Бу гал менинг ўзбек ижодкорлари билан кўпроқ танишиш, Ойбек уй-музейини зиёрат қилиш ниятим бор.

Мен адабиётдан ташқари кино санъатига ҳам қизиқаман. Иккита фильмни суратга олганман. Анча йиллар олдин кўнглимда Бобур ҳақида фильм яратиш истаги бор эди. Ўшанда бу ҳақда фикримни айтганимда мамлакатимиздагиларга ҳам, Совет Иттифоқидаги мутасаддиларга ҳам ёқмаганди. Эндиликда зора ўзбек киночилари билан покистонлик киночилар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиб, бу улуғ инсон ҳақида фильм яратилса, мен ҳам ёрдам берган бўлардим.

— Маълумки, Ўзбекистонда «Табани» компанияси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалардаги роли ҳақида нималар дея оласиз?

— Мен бу компанияни тахминан 30 йиллардан бери биламан. Ҳақиқатан, у мамлакатимиздаги энг нуфузли корхоналардан. Дунёнинг кўплаб давлатларида унинг фаолият кўрсатадиган бўлимлари мавжуд. Иқтисодий жабҳада бу компания Ўзбекистон ва Покистон ўртасида яхши кўприк вазифасини ўтай олади, деб ишонаман. Бу компаниянинг фаолларидан бири Муҳаммад Аббосхонни шахсан танийман. У бундан уч-тўрт йил илгари менинг муҳаррирлигимда нашр этилган «Жилға» газетаси учун Тошкентдан кўплаб хабарлар, мақолалар йўллаб турган, мухбиримиз сифатида танилган эди. «Табани»нинг Тошкентда дўконлар очаётгани, корхоналар қуриш ниятида эканлигини эшитиб қувондим.

КИМ БУГУН ХАЛҚИМ ДЕГАЙ...

ЕЗУВЧИ ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВНИНГ «ОЛАБЎЖИ» РЎМОНИ ҲАҚИДА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ДАРДЛИ ҲИКОЯЛАРИ, куюнчак публицистикаси билан бадиий сўз қадрини баланд тутиб келаётган таниқли адиб Шукур Холмирзаев янги рўмонини эълон қилди («Олабўжи», рўмондан катта ҳикоя, «Шарқ юлдузи» журнали, 1992 йил, 1—4-сонлар). Асар кечаги куннинг дақшатлари, маънавий ахлоқий таназзули, зўрлик-зўравонлик, босқинчиликка асосланган мустабид тузумнинг «мевалари» — руҳий ва экологик ўпирилишлар, эрксизлик, марқуқ (манқурт)лик, жаҳолат, лоқайдлик ҳақида бонг уради.

Шоир Тоҳир Қаҳҳор бир шеърида айтганидек:

Элда бир дард бўлса, дардни билмаган
даҳшатлидир,
Билгану аммо даволар қилмаган
даҳшатлидир.
Ким бугун халқим дегай, кимлар бироқ
халқум дегай,
Халқчиман деб, халқни кўзга илмаган
даҳшатлидир.

Бир замонлар от қозиғига эшакни боғламаган халқнинг бошига не кунлар тушмади? Шу ўтган юз ўттиз, хусусан, октябр тўнтаришидан кейинги етмиш йил мобайнида муқаддас ўзбек тупроғи не ифлос оёқлар остида топталмади? Халқнинг ўз бағридан ўсиб чиққан баъзи раҳбар зиёлилари кўзини кўр, онгини сўқир қилиб, худбинлик йўлига кириб кетдиларки, бунинг асл сабаблари, мунофиқликнинг илдизлари қаерда? Моддий-маънавий озодлик, мустақиллик сари илк қадамлар қўйилаётган айни кунларда бу саволга жавоб топиш ва уни ошкора айтиш вақти етди. Бу жумбоқларга юрагида қўри бор олимлар, халқнинг фидойи фарзандлари газета ва журналлар, телевидение ҳамда радио тўлқинлари орқали эндиликда дадил, тўғри гапирмоқдалар, архивларда, зирҳли пўлат сандиқларда сақланаётган ҳужжатларни эълон этмоқдалар. Бироқ бу иллатлар, уларнинг туб моҳияти бадиий-фалсафий жиҳатдан кам тадқиқ қилинаётир.

Бунинг инобатли айрим сабаблари бор, албатта. Давр мураккаб, яшаш, тирикчилик мушкул. Боз устига одамларнинг онги-тушунчасида ўзгаришлар ясамай, маҳсулот мўл-кўллигини таъминламай, хўжаликни бошқаришда тўрачилик, буйруқбозликдан қутулмай маданий-маънавий парвозларга интилиш қийин. Ижодкорлар бундан истисно деб ўйлайсизми? Яширишнинг нима ҳожати бор, айрим адиблар ҳам олатасир муҳитнинг домидан қутулолмай, кун ўтишини ўйлаб, биров яхшироқ амал, фойдалироқ жой, бошқа биров мўмайроқ мояна ваъда қилинса, ўзларини ўша ёққа ураётирлар. Каттароқ, жиддийроқ асар ёзиш учун шароит, имконият, руҳият, қолаверса, хотиржамлик зарур. Жамиятда барқарорлик, эртанги кунга ишонч жуда-жуда керак.

Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи» рўмонини ўқигач, андиша ва лоқайдликка кўниб кетган кўзлар, шубҳасиз, ярқ этиб очилади, халқнинг дарди-қисматларини ифодаловчи надоматли овозлар таъсирига тушади. Асар воқеалари тоғ бағри қишлоқларининг бирида содир бўлади. Қаҳрамонлар ҳам сиз ҳаётда учратган, оддий одамлар. Рўмонда бўлиб ўтган ҳамма воқеалар, ҳаракатлар бош қаҳрамон Ултон Султонов тақдири билан узвий; асар воқеалари занжир тарзида бирлаштирилган, композиция пишиқ-пухта, мустақил-айри сюжет чизиқларидан қочилган. Шу туфайли ҳам бўлса керак, ёзувчи ўз асарига «Рўмондан катта ҳикоя» дея тагсарлавҳа, ўзига хос изоҳ бериб қўйибди. Бундан асар мураккаблик ва кўпчизиқлилик, кенг қамровлилик талабларига жавоб бермас экан-да, деган фикр келиб чиқмаслиги керак.

Рўмонда зиддиятли тақдирлар, кенг фалсафий мушоҳада, мусоҳаба, ҳаёт, инсон ва инсонийлик тўғрисидаги баҳслар меёрида. Фақат адиб бундай ўзига хосликни мўхтасар боблар, пурмаъно диалоглар, имо-ишора, аниқ қочиримлар воситаларида беради. Ифодада ортиқча тафсилотлар, экскурсиялар деярли йўқ. Моҳир ҳикоянавис Шукур Холмирзаев мазкур рўмонини ёзишда ҳам ўз усулига содиқ қолган. У кичик-кичик ҳаётий манзаралар, деталлар тасвирида катта фикрларни айтишга интилади, йирик ва кескин муаммоларни қўяди. Лекин ҳаётдан танлаб олган ҳодиса-воқеаларнинг энг ноёб томонлари, характерли нуқталарини топиб, уларни ички-чиқирлари билан тасвирлайди ва шу орқали инсон ва жамият, одамлар ўртасидаги муносабатларни чуқур бадиий таҳлил этади. Ёзувчининг инсон руҳиятини тадқиқ қилиш, характерлар, қаҳрамонларнинг бетакрорлиги табиатан, табиийликдан зоҳир бўлишини кўрсата олишдаги маҳорати диққатга сазовордир. Муаллиф инсон, жамият ва табиат муносабатларининг марказида одамлар тақдири, қаҳрамоннинг мураккаб кечинмалари ва эзгу идеалларини сингдиради, шу кечинма ва идеалларни бутун зиддиятлари билан кўрсатади. Оқибатда чинакам инсоний фазилатларни, маънавий қадриятларни илғаб, завқ-шавқ билан улуғлайди. Булар рўмонда Ултон, Султон ота, Хуррам девона, Ашим, Абдуқаюм новвой, Зикриёхон домла ва бошқа образлар хатти-ҳаракатлари, интилиш-курашларида, жамият, тузум ва иллатларга тўла муҳит тасвирида ўз ифодасини топган. Улар «Олабўжи — сиёсат-мафкура»дан, «олабўжи раҳбарлардан» жабр-ситам кўрадилар, зўравонлик ва адолатсизлик, жаҳолат туфайли қадр-эътибор топмайдилар, бахтли яшашдек неъматдан бебаҳра этиладилар.

Сохта тузум вояга етказган, инсоф ва диёнатни, ўзлиги ва миллий ғурурни, эрк ва ориятни унутган, инсоний муқаддас одобақидаларни тарк этиб, фирибгарлик ва хиёнат йўлига кирганлар кимлар эди? Рўмонда тадқиқ этилишича, бундай кимсаларнинг ҳомийси ижтимоий тузум, ғайриинсоний муҳит, нобакор империя, унинг ҳосиласи эса район партия қўмитасининг бош котиби Тўқлибой Қўчқоров, совхоз директори — «миллионер, ўз манфаатидан бошқа нарса қизиқтирмайдиган кимса» Бўтабой Сўпиев, меҳнаткашнинг нонини туя қилувчи «улуғ оғамиз» Тараканов, ёлғон мафкуранинг содиқ қули, худосиз Эгамқулова ва уларнинг шотирлари. Улар бир-бирлари билан шунчалик топишиб кетганки, райондаги барча бедодликлар: порахўрлик, қўшиб ёзишлар, ошна-оғайнигарчилик, бузуқилик, жиноят, табиатни ғарот қилиш, ирво, қўшмачилик шулардан. Натижада яхшилар, ҳалол одамлар жабр кўрадилар, эрк, демократия, ташаббус бўғилади, меҳр-муҳаббат ўрнини алдамчилик, ҳасад ва ғаламислик эгаллайди.

«ОЛАБЎЖИ»ДА ТАСВИРЛАНГАН ВОҚЕАЛАР, образлар жумҳурият учун типик ҳол бўлиб, Тўқлибой Қўчқоров, Бўтабой Сўпиев сингари нопок, ношуд раҳбарлар халқимизни қўймижоз, муте, тақдирга тан берувчи гуруҳларга, тўдаларга айлантиришга уринишдики, Шукур Холмирзаев бу даҳшатли инқирозни куйиб-ёниб ёзади, барча фожиаларнинг илдизи, моҳиятини фош этади. Район «ота»си ўз гумашталари ҳимоясида ўзбошимчаликларга эрк беради: ёш шифокор қиз Баҳорни ўз ўйнашига айлантиради, оқибатда қилмишларининг изини йўқотиш учун ҳур фикрли, содда «ёзувчи» шогирди Ултонга «меҳрибончилик» ниқоби остида тўйтомоша қилиб беради. Бу билан Тўқлибой Қўчқоров райондаги нохуш ишлардан бонг урувчи ёзувчи, эрк ва мустақиллик учун курашган, қонунбузарлик, экологик ўпирилишларга қарши ўт очган «хафли» шахс — Ултондан қутулади, иккинчидан, Баҳор туфайли районда пайдо бўлган шов-шувларга барҳам беради, шармандачилик қозони ёпиғлигича қолади. Рўмон адоғида Қўчқоров китобхон кўз ўнгида барча бадкирдорликларнинг бош ҳомийси сифатида гавдаланади.

Болтабой Сўпиев сал қуйироқ даражадаги оғзи катталардан, лекин район ҳукмдорига ҳамтовоқ, зўравон. Катта хўжалик фуқароларининг ҳаққини ўмаришда у аждаҳо. Директорни хўжалик юмушлари, мактаб тамири, қишлоқ муаммолари, одамларнинг ночорлиги сира қизиқтирмайди. Маиший бузуқ бу раҳбар ахлоқан шу қадар тубан кетганки, у «хўжайинлари» ўртасида қўшмачилик қилади, Ултонга ўхшаган ҳақиқатгўйларнинг белини синдиришда қонунбузарларга туҳмат ва маломат пичоғини қайраб беради. Ҳаром-ҳаришлик билан топган пули ва мансаби эвазига шоҳона «ҳаёт» кечиради — ўйнаши Дунёхон билан тоғ бағридаги қасрда даври даврон суради.

Рўмонни ўқирканмиз, адибнинг замонга, содир бўлаётган воқеаларга тамоман янгича қарашларини, мушоҳаларини нақадар усталик билан ифода этганига ишонч ҳосил қиласиз. «Социализм — интизомли давлатчилик» ниқоби остида бир тўда раҳбар-хўжайинларнинг халқни алдаши, зўравонлик, адолатсизликларга эрк бериши, об-ҳаво, табиатни бузиши, меросимиз, дини ислом, қабристону мачитларни топташи, ёлғончи мафкура «босмачилик» тамғасини босган миллий озодлик ҳаракати сингари ҳаётий масала ва муносабатларда ёзувчининг давр туйғусини ифодаловчи янгича тафаккури мужассамлашганига гувоҳ бўламиз.

Биргина рус халқи вакиллари ва уларнинг Туркистондаги ҳаёти, фаолияти масаласи рўманда қай даражада ёритилганлигига эътибор берадиган бўлсак, ҳаққонийлик, янгиликни кўрамиз. Муаллиф бу катта халқ шаънига бирон ножўя фикр билдирмагани ҳолда, қаҳрамонлари хатти-ҳаракатлари, воқеалар силсиласида, тоталитар ва милитар тузумнинг кирдикорларини аниқ манзараларда холис кўрсатади. Большевикларнинг Ўрта Осиёни қизил империяга зўрлик билан қўшиб берганлиги, туркистонликларнинг минг йиллик тарихи, дини-эътиқоди, урф-одатлари, қадриятларини топтаганларини, бу кўргиликнинг давоми сифатида яқинларда бўлиб ўтган ҳодисалар ҳам далиллар билан чизилган.

Тараканов район фирқа қўмитасининг иккинчи котиби, хавфсизлик ташкилоти ходимларининг номақбул ишларига бош-қош. У туман кадрлари — зиёлилари, эркин, мустақил фикрдаги кишиларнинг юриш-туришини тергайди, энг ёмони, қадимий ёдгорликлар, асл китоб, тош, зеб-зийнат буюмларини тўплаб, Россияга, Петербургга жўнатади, қора ниятларини устамонлик билан амалга оширади: «Таракановнинг ҳаммага яхши кўрингиси келади. Чолларгаям эгилиб салом беради... бошидан похол шляпасини олиб, энкайганича Баҳорнинг қўлини ўпади». Лекин у ҳамма қатори одамлар орасида яшамайди, ҳадиги бор. Тоғ орасида, ҳарбий қисм қўршовида — қасрда яшайди.

Рўмонда Таракановдек «йўлбошчилардан» ташқари миллий озодлик кураши йилларида додҳони даволаган дўхтир — рус кампири, унинг қариндоши, зиёли бека — рус аёлининг олижаноблиги ҳам ўқувчи кўзига ташланади. Адиб эзгуликни холис беришга интилганки, бизнингча, бадиий ҳақиқатнинг кучи ҳам шунда.

«Олабўжи» рўмони муайян маънода тавбатазарру руҳидаги асар, унда бир қатор адашганлар, алданганлар, кўр-кўрона ишонганлар қисмати кўрсатилган. Баҳор, Дунё, Махфират Эгамқулова, Турсунтош, Набилар, маълум маънода Султон ота, Кенжа ота сингари узоқ йиллик умргузоронлигида ҳалол, тўғри йўлдан чиқмаганлар ҳам ғирром тизимнинг қурбонлари. Якка партия бошқарган тоталитар давлатда тиш-тирноғигача қуролланган армия (Венгрия, Чехословакия, Афғонистонга тажовузкорона бостириб киришни эслашнинг ўзи кифоя), дунёнинг ҳамма бурчакларига ўзининг исковичлари, собиқ СССРнинг ҳар бир фуқароси кетидан қўйилган айғоқчилари бўлган мамлакатда бундан бошқача манзара рўй бермас экан!

Мустақилликка эришган жумҳуриятнинг айрим вилоят ва туманларида, идора ва корхоналарда маъмурий-буйруқбозлик, фуқаро билан раҳбарият ўртасидаги жарлик ҳамон сақланиб турибди. Айрим ҳокимлар ҳамма жиҳатдан «мутлақ хўжайинликка» даъвогар ўзларига билдирилган ишонч ва масъулиятни писанд қилмаётирлар. Улар орасида бойлик тўплаш, ўзига ва ўз одамларига чексиз имконият ва имтиёзлар яратиш йўлига тушиб олганлари ҳам анчагина. Халқ орасида бундайлар ҳақида «иш битказиш», «ким ошди» савдоси авж олганлиги ҳақида миш-мишлар юрганлиги бежиз эмас. Одамлар амалдорлар тўй-базмлари, меҳмондорчилигида май-шароб сувдай оқиб, арзанда келин-куёвлар устидан даста-даста пуллар сочилаётганига гувоҳлар. Лекин айрим ота-оналар нон-чойга мояна етказаолмаётганидан нолимоқдалар. Баъзи бойвачча раҳбарлар эса бундан парвоси палак, элдошига қайишишни ўзларига эп кўрмаётирлар. Қандай одамлармиз, эй, биродарлар!

Халқ дарди тўкилган бу асар имонли ҳар бир ўқувчи юрагида шундай акс-садо уйғотади. Сабаби рўмонда тасвирланган баъзи манзаралар муайян кўринишда давом этаётир. Ношуд, зўравон тизим туфайли узоқ йиллар қон-қонимизга сингиб кетган лоқайдлик, худбинлик журъатсизлик қўникмасидан, психологиясидан сира ажрала олмаяпмиз. Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи» рўмонида чиқарган ушбу хулоса таскин беролмайди: «...Йиллар ўтди: жамиятда — сиёсату иқтисодда кўп ўзгаришлар бўлди», деб ёзган адиб олабўжилар бугунги кунда бошқача қиёфага кирганлиги, ниқобини янгилаганини истеҳзо билан қайд этади: «Тўқлибой Қўчқоров ҳозир Халқ демократик партиясига аъзо... Ҳамон шўх, ҳазилкаш ва оёғини кериб босади... Тараканов собиқ Ленинградга кетиб қолган: айтишларича, анча нарсаларни опкетган... Мактабларда янги дарсликлар йўқ. Ўқитувчилар қандай сабоқ беришга қайрон... Узоқ Тўлаганов Миллий хавфсизлик қўмитасида... Хуррам бошлиқ ёшлар фирқўм идорасига ўт қўйишганда Ўртачўлда учта танк, БТР, яна қора қалпоқли аскарлар келиб, халойиқни устидан ошириб ўқ узишган ва иккита вертолёт икки кун давомида Олатоғ осмонидан аримаган...»

АДИБ НИМАГА ИШОРА ҚИЛАЯПТИ? Мустақилликдай оламшумул тарихий воқеа содир бўлибди-ю, тўнини ўзгартирган раҳбарларнинг катта қисми бугунги кунда ҳам имтиёзларига зулукдай ёпишиб олганлар, мавқе- маслакларини қўлдан чиқаргилари йўқ. Ахир, оқ-қорани фаҳмлайдиган, фарқлайдиган фурсат етмадими? Орамиздан чиққан миллатнинг манфати, шон-шуҳрати, мустақиллиги, келажаги, бўлғуси авлодини ўйламайдиган хиёнатчиларни жиловлашга вақт етмадими?..

Шукур Холмирзаевнинг «Олабўжи» рўмони бизни хушёрликка, Мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга чақиради. Асар таъсирида мен ҳам куюниб Мустақил Республикамизнинг бир йиллиги тўйи кунларида чала уйқудан, ғафлатдан уйғонайлик, Истиқлол тонгида ғафлатда қолмайлик дейман. Муддао — халқимга некбинлик.

Исроил МИРЗАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори

МУРУВВАТ

1965 йил 12 сентябр куни Ойбек домланинг боғ ҳовлисига бордим. Санани бу қадар аниқ айтаётганимнинг боиси шундаки, «Ўзбекистон маданияти»нинг 11 сентябр саҳифасида Ойбек домланинг «Навқирон қалблар» деб номланган мақоласи босилган эди. Унинг ёнида менинг ҳам «Сўз ёлқини» сарлавҳали мақолам берилган эди.

Ҳовлида домла билан Зарифа опа икковлари экан. Улуғ адибимиз таваллудининг 60 йиллиги шодиёнаси айёми эди. Ўша куни соат 15лар атрофида эди. Суҳбатимиз адабиёт, маданият, тарих, ҳаёт муаммолари, одамларнинг ўзаро муносабати хусусида кечди. Шу аснода суҳбат мавзуи ўз-ўзидан Ойбек домла ҳақида илмий ишёзаётган, лекин 12-13 йиллар муқаддам Ойбек домланинг ижодига нисбатан туҳмат тошларини отган бир кишига келиб тўхталди.

— Ҳа, келди, — деди домла, — сиз бир келгунча, у уч келиб кетди.

Домланинг бундай дейишини изоҳлай: домланинг хонадонига анча ҳаяллаб, икки-уч мақолам чиққандан кейин, бир ярим-икки ойда, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт ўтказиб борар эдим. Тезроқ боришга юрагим чидамас эди: домла сўзлаётганида тили тутилишидан ниҳоятда қийналиб кетар эдим. Ҳатто асабийлашиб, домлани шу куйга солганлар агар яқинроғимда бўлса, ханжар билан чавақлаб ташлайдиган ҳолатга тушар эдим. Шунинг учун баъзан домланинг раъйига қараб, кунни кеч қилиб қайтар эдим. Домланинг юқоридаги гапида мана шу ҳолат ифодаси бор эди.

Домла қўшимча қилди:

— Лекин у айбдор эмас. Ҳаёт шуни тақозо этган, у восита бўлган.

— Ҳа, домлангиз тушсин, — сўзга аралашди Зарифа опа, — Ойбек дам олаётган эди. Эшик тақиллади. Бориб очсам, бир киши турибди. Негадир юрагим музлаб кетди. Сизга ким керак, десам, менга Ойбек домла керак, дейди. Сиз ким бўласиз, десам ,мен Ботир Файзиев бўламан, дейди. Турган жойимдан икки қадам орқага сакраб кетибман. Ахир, унинг жабрини оз чекдимми? Ҳали-ҳозирга қадар домлангизни опичлагандай олиб юрибман. Аёл кишини биласиз, оғзимга нима келса, гапирдим. Охирида, нега келдингиз, кетинг, то қабрга олиб бориб тиқмагунча, тинчимайсизми, деб турсам, бир қўл мени секин четга суриб, уни келинг, келинг деб, ичкарига таклиф қилаяпти. Қарасам, Ойбек. Уни эргаштириб шу столга олиб келди. Ўша куни уйга меҳмон келган эди, Бекжоннинг қайнонаси келини билан шу ерда эди. Ҳар чой дамлаш учун чиққанимда гапирибиб кириб кетаман. Домлангиз эса, ундан ҳол сўраб эзилишиб ўтирибди. Бир вақт чиқсам, у кетибди. Домлангиз эса, унинг ишини олиб қолибди. Одатда, ўн бетлар ўқигач, Ойбек чарчар эди, мен ўқиб берар эдим. Бунинг ишини ҳам бир оз варақлагач, чарчаган шекилли, «Хоним, кесинлар, буни ўқисинлар», деб мени чақираяпти. «Ўқимайман, бошидан қосин, нима қилар эдингиз ишини олиб қолиб?» — дедим.

ЁДНОМА

Шунда Ойбек домла суҳбатнинг бу йўсинига ясади:

— У айбдор эмас, ҳаёт шуни тақозо қилган, у восита бўлган.

Домланинг бу жумланни такрор тилга олиши мавзуга чек қўйди.

Водариғ, «Навоий»дек улуғ асарни ва Ойбекдек забардаст сўз сардорини илмдан йироқ, мантиқдан холи сўзлар билан лаънатлаган кимсани бегуноҳ санаб, ундан марҳамат ва мурувватни аямаслик учун инсон қалби қай даражада нурга йўғрилган бўлиши керак! Ойбек домладаги бу бағрикенглик, бу ўта олийжаноблик, бунчалик мардлик ва мурувват эртакларда ҳам камдан-кам учрайдиган ноёб инсоний фазилатдир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов бу учрашувнинг қандай кечганидан аниқ хабари йўқлигини ёзади «Фан ва турмуш» ойномасида Ойбек домла ҳақидаги хотираларида Менинг билишимча, Ойбек домла адабий тақдири каж келган, ёшлик тажрибасизлиги билан алданган бу кишини дарвозасидан қайтармаган, қовоқ уйиб зўғум билан ҳам қаршиламаган. Ҳар ҳолда; «Навоий» романи ҳақидаги бу тузсиз мақола домланинг энг оғир хасталиги вақтида яна бир зарба бўлгани кўнглининг бир четида турган бўлсада, уни очиқ чеҳра билан кутиб олган. Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов каби улкан олимларимизга тайинлаб, айни вақтда унинг қўлёзмаси ҳақида Ойбек домланинг ижобий тақриз битиб берганлиги юксак инсоний фазилат ва мурувват намунасидир.

Қаршибой САМАДОВ
Гулистон

БУЮК ТУРКПАРВАР

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА эришганига яқинда бир йил тўлди. Лекин истиқлолнинг қадрини, моҳиятини теран англаб етмаганлар орамизда ҳали кўп. Россия бизга тараққиёт, маърифат, инқилоб эса бахт-саодат олиб келди, дея 74 йил давомида оламга жар солдик. Ўзимизни Беруниё Улуғбеклар, Темуру Навоийлар наслидан эканлигимизни унутдик. Аждодларимизни жоҳил, саводсиз деб ваъзлар ўқишганда мутелик билан қулоқ тутдик...

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима сабабдан халқимиз онги шу қадар ўтмаслашди? Бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг чоралари нимада? Ёки манқуртга айлантирилган одамларни айблаб, уларга дашном бериш, омиликлари учун нуқул изза қилиш сўнгги иложмикан? Шу билан ишимиз ривож топиб кетадими? Менингча, йўқ. Биз, зиёлилар, аввало халқимиз руҳиятидаги, унинг барҳаёт қалбидаги 74 йил давомида шиббаланган булоқлар кўзини очиб ташламас эканмиз, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Суюкли рўзномамизда яқинда эълон қилинган «Туркистоннинг туганмас дарди» туркумидаги мақолаларни ўқиб туркий халқларнинг XX асрдаги ёрқин намояндаси З. А. Валидий асарлари ана шундоқ — юзига харсанг бостирилган сарчашмалардан эканига амин бўлдим.

З. А. Валидий асарларининг бебаҳо қиммати шундаки, уларда асло тушкунлик руҳи йўқ. Тақдирнинг бисёр уқубатларини бошдан кечирган муаллиф Туркистон халқларининг ялтироқ ғояларга бурканган темир тирноқли тузум бағрида беҳад эзилаётганини кўриб ҳам истиқлолга ишончни сўндирмаган. З. А. Валидий кўпчиликда шаклланган, яъни русга тобе туркларнинг, хусусан, туркистонликларнинг миллий озодлик ҳаракати ибтидоий босқичда, улар ҳеч қачон инглиз, немис ёки рус миллатлари каби тарихий жараёнларга фаол аралаша олмайдилар, тақдирни ўзгартириш қудратига эга эмаслар, қулликдан чиқиш учун қулай вазият туғилганда ҳам фойдалана билмайдилар, деган тушунчани кескин рад этади. «Турк миллатининг шундоқ қавмий хусусияти бордирки, — деб ёзади 1929 йил битилган мақоласида, — уларни уйғотиб ишга солишга муваффақ бўлинса йўқолган нарсаларини оз муддатда тиклаб олади...»

Истиқлол орзуси кечагина туғилган эмас ва унга эришиш йўллари ҳамда бундан келиб чиқаётган муаммолар бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу курашда Турар Рисқулов, Низомиддин Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Мунаввар Қори каби халқимизнинг асл фарзандлари ҳаётларини фидо этдилар. Уларнинг миллий онгни тарбияловчи асарлари, ҳаётда тутган сиёсий мақсадлари ҳеч қачон меҳнаткаш халққа етиб бормади, аксинча, улар муттасил равишда Шўро ҳокимияти душманлари — ашаддий пантуркистлар сиймосида гавдалантирилди.

З. А. Валидий миллатимизнинг айрим қатламлари ҳануз англаб етолмаётган мустамлакачилик сиёсатини, Россиянинг туб манфаатлари асосида шаклланган Шўролар диктатурасининг манфур ниятларини рад этиб бўлмас мантиқлар асосида аллақачонлар фош этган. «Русия ўрта турк элига, олайлик, Ҳиндистондаги инглизлардек ўз сиёсий ва иқтисодий мавқеи муҳофазаси учун мустамлакадаги бойликларни ўзлаштириш ва одамларни ишлатиш фикри билангина келган содда, афанди миллат эмас, — уқтиради З. А. Валидий, — бу ерга ерли миллат бўлмоқ ва нуфуз жиҳатидан кўпчиликни ташкил қилмоқ мақсади билан келганлиги учун ўзининг мужигини, аравакашини, этикдўзини, кўча супурувчисини, ҳожатхона тозаловчисини ҳам бирга келтирди».

Ярим аср муқаддам қайд этилган мазкур кузатишларнинг нақадар ҳақиқат эканлигини ҳаёт исбот этди. З. А. Валидий мақолаларини ўқиб, унда файласуфларимиз, сиёсатдонларимиз ҳали чуқур ўрганишлари лозим бўлган шовинизмнинг тилсим қудратига дуч келамиз. Зотан, нега Пушкин келиб чиқиши араб бўла туриб, Россиянинг улуғ миллатпарвар шоирига айланди ва «Ҳайкал» шеърида мустамлака ҳудудидаги рус бўлмаган жами қавмларнинг ҳам муштарак шоиридирман, деб баралла айтишга ўзида маънавий ҳуқуқ топди? Нечун Аксаков, асли татар бўла туриб, славян бирлигининг асосчисига айланди ва бошқирду қирғизлар буюк рус миллатининг саҳродаги яшовчи насронийлиққа ўтмаган авлодларидан иборатдир, деган фикрни истиҳола қилмай илгари сурди? Бу — Россиянинг ўз мустамлакаси доирасида янги бир жуғрофий миллат «рус миллати» ясашга уринишининг дастлабки кўринишлари эмасми?

Шу ўринда бир савол туғилади: туркистонликлар мустақилликка, истиқлолга муносибмиди? Шак-шубҳасиз, деган фикрга келамиз «Турк эли туркларининг ҳаёт курашида тутадиган ўринлари» мақоласини ўқиб. Зеро, турк эли туркларининг мингларча йиллик тарихида бирон-бир давр йўқки, улар жонли ва фаол ҳаёт кечирмаган бўлсин. Қадимда Осиё ва Европа ҳудудида бирорта байналмилал ҳодиса кечмаганки, у мамлакатга турк бормаган ва охирида у ўша жамиятнинг тепасига кўтарилмаган бўлсин. Эронлик тарихчи Муборак Журийнинг «Оқча баробарида қул қилиб сотилиб юрган ҳеч кимсанинг подшоҳ бўлганлиги инсоннинг тарихида кўрилган эмас, биргина турклар шундайдир», деган баҳоси лутф эмас, асл ҳақиқатдир. Бунинг исботи сифатида дарҳол Сомонийлар давлатининг лашкарбошиси Сабуктегин ёдга тушади. У бозордан қул қилиб сотиб олинган, Туркистон ўлкасидан келтирилган оддий турк бўлиб, саркарда даражасига кўтарилди. Ўғли Маҳмуд эса тарихда Ғазнавийлар давлатига асос солган шоҳ бўлиб етишди.

МИЛЛИЙ ОНГ САРЧАШМАЛАРИДАН бири З. А. Валидий меросини ўрганиш, унинг эзгу ғояларини халққа етказиш ўзбек зиёлиларининг кечиктириб бўлмас ишларидан биридир. Ҳануз социалистик реализмнинг, коммунистик эътиқоднинг темир изларидан чиқолмаётган тарихчи ва адабиётшуносларимиз китобларини пештахталарга тўлдиргандан кўра миллат юрагида чексиз шижоат ва қудратлар уйғотувчи асарларни тарғиб-ташвиқ этишимиз, тўлиқ жилдларда нашр қилишимиз керак. Уларнинг мактаб дарсликлари, хрестоматиялардан ўрин олишига аллақачон вақт етди. Ана шунга эришсаккина фарзандларимиз истиқлол моҳиятини англайдиган, қадрлай биладиган, унга чинакам посбонлик қила оладиган авлод бўлиб камол топади. Фақат шундагина халқимизнинг мудраб ётган қатламлари коммунизм афсонаси ва собиқ «қудратли Иттифоқ» соғинчидан мосуво бўлиб боради.

З. А. Валидийнинг энг юксак орзуси — Туркистон бирлиги ғояси эди. У айтгандики: «Туркистонни, туркликни севганлар, сочилиб кетган татар ва қирғиз ё туркман маданиятлари ўрнида Туркистонда ташкил топажак турк маданияти атрофида тўпланмоқ истаганлар, албатта, бирлашажаклар ва бутун Русияда хизмат этиб турган техника мутахассисларимизни, муҳандис ва агрономларимизни ҳам миллий йўлга олиб киражакдир».

Тақдирга минг қатла шукрки, 70 йил муқаддам жаранглаган бу ғоя ҳаётда ўз ижросини топмоқда. Буюк туркпарвар З. А. Валидийнинг донишмандлиги ҳам шунда.

Мирзўлат МИРЗО

СЎЗ ЗИЁРАТИ

Таътил баҳонасида яқинда дилбар Фарғонанинг гўзал гўшаларидан бири Бувайда туманида бўлдим. Фарғонада қадим-қадимдан нафис сўзга эҳтиром ва эътиқоднинг баландлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу устивор эътиқодга садоқат самараси сифатида бу заминдан тафт олган кўплаб фарзандлар номи адабиётимиз ва санъатимиз тарихида ўз ўрнига эга. Бу юртда бадиий сўз қадри ҳамиша сарбаланд, касбидан, ёшидан қатъи назар, бу юрт кишилари шеърпараст, сўзпараст, куйпараст... Савдо соҳасида ишлайдиган қадрдон дўстим Шарофиддин ҳали босмахона бўёғи қуриб улгурмаган бир китобчани кўрсатиб, китобдаги шеърлар унга маъқул бўлганини айтиб ўз фикрларини билдирди. Мен китобчани олиб, ҳафсала билан ўқиб чиқдим, очиғи, ҳузур қилиб ўқидим, айни пайтда қалбимни маҳзун бир кайфият чулғади. Бунинг боиси бор...

Китобча Бувайданинг Янгиқўрғон қишлоғида нашр этилган. Бугунги иқтисодий аҳвол ва китоб нашри муаммоларини билган киши учун китобчанинг нашр қилинган жойи «янгилик» эмас. «Зиёрат» (1992) деб номланган ушбу китобда бағишлов бор: «Устоз Қодир Деҳқон хотирасига бағишлайман...». Қодир Деҳқон (Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) дилбар ва дилкаш инсон эди, давраларнинг гули, нафис мажлисларнинг булбули, ҳалоллик ва ҳақиқатпарварликнинг қули эди у. Фарғоналиклар орасида у кишини билмайдиганлар кам топилади. Тумандаги маданият ишларининг равнақига катта ҳисса қўшган Қодир Деҳқоннинг ҳавас этгулик табъи назми бор эди, бир-икки шеърий китоб ҳам нашр қилдирган эди. Фарғонанинг, ўзбекнинг улкан ҳофизи Расулқори Мамадалиев вафотига қуйиб ёзган «Марсия»сини Камолиддин Раҳимов фиғон билан айтганда, юраклар зирқирайди... Қодир Деҳқон шеър машқига иштиёқи бор ҳар бир қаламкашга ҳурмат билан қарар, унга ўз маслаҳатларини берарди. «Зиёрат» тўпламининг муаллифи ҳам ана шу маслаҳатлар туфайли бугун Аъзам Ўктам бўлиб танилган журъатли шоирдир. Аъзам Ўктам дастлабки бир-икки китоби биланоқ ўз мухлисларини ва, демак, ўз йўлини топа олган ёшлардан. Унинг деярли ҳар бир шеърида Ўктам бир журъат билан бугунги жамият ва инсон ўртасидаги мураккаб муносабатнинг таҳлил қилинганлигини, сўзнинг мантиқий маъзи билан ҳиссий ларзаларнинг ўзига хос уйғунлигини кўриш мумкин. Унинг шеърлари ортиқча баландпарвозлик, бақир-чақирлардан, нурсиз тушкунликдан холи, ўйчан шеъриятдир. У инсон қалбини, руҳини ҳушёрлик билан тадқиқ этишга интилади.

Тўпламдаги шеърлар фикримизни далиллайди. Зиёратга жисман ва руҳан пок бўлиб борилади. Аъзам ўз устози руҳини зиёрат қилишга боргандай туюлди менга. Бу зиёрат айни чоғда устознинг руҳи поки олдидаги Аъзамнинг яна бир имтиҳонидирки, бу имтиҳонга у покиза шеърлар билан келган. Шеърлар нима ҳақида? Бир сўз билан айтганда, имон ҳақида. Инсон каби мураккаб, инсон каби оддий жонзод йўқ. Аммо инсон бўлмоғи учун, ер юзида юришга ҳақли мавжудот бўлмоғи учун у энг аввало имону эътиқодга эга бўлмоғи лозим. Инсонни бошқа махлуқлардан фарқловчи белги фақат унинг нутқигина эмас, балки шу билан бирга унинг собит имону эътиқоди ҳамдир. Имону эътиқоддаги беқарорлик инсонлик унвонини ҳечга чиқаради. Иқтидорли шоир китобидаги бош ғоя ана шу.

Иккиюзламачилик ҳалоллиқнинг, покликнинг, ҳақиқатнинг инқирози учун асосдир, у инсонийликни маҳв этувчи юҳодир. Аъзам «Бир кун» шеърида ёлғондан қутулмаганларга шундай дейди:

Пуч нарса экан дин —
Сен диндор бўлсанг!

Шоир қайғуга тушади, чунки:

Савод ҳануз чала,
Ишонч омонат.

У эслатади:

Хайём сўзи тушар эсингга
тинмай,
Бахтсизлик изҳори сени
айлар ром.
Секин пичирлайсан билиб
ё билмай:
«На чин мусулмонмиз, на
кофир тамом».

Нима қилмоқ керак бу ҳолатдан чиқмоқ учун? Шоир айтади:

Тонг яқин!
Узун кун бошланар шу
зум,
Тонг, бу — қора тунга
бўлур ниҳоя.
Ўзингдан керакдир
ўзингга ҳужум,
Ўзингга керакдур ўздан
ҳимоя.

Саломат имонсиз соғлом жамият йўқ. Шоирнинг ҳулосаси оқилона, инсон ўз қалбини ўз қўлига олмас экан, ҳужуму ҳимояни ёлда тутмас экан, саломат имонга етолмайди, эътиқоди собит бўлмайди.

Шоир «Назорат» шеърида ақлу имон қалбнинг одил назоратчиси бўлмоғини уқтиради. Мана, ақлнинг сўзи:

«Диллар йўлдан чиқар
бир хаёл билан,
**Эрлар йўлдан чи

Абдулла Қаҳҳорнинг 85 йиллиги

Муҳтарам муштарий! Ҳойнаҳой, Сиз, Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» рисоласини ўқигандирсиз... Қуйидаги ҳикоятлар рисоланинг узвий қисми бўлиб, уни тўлдиради. Бунда айрим такрорлар ҳам бор, аммо улар адибнинг шарофатли сўзлари ила бойитилганлиги учун қимматлидир. Абдулла Қаҳҳорнинг адиблик сифатлари қаламидан маълум, одамийлик сифатлари-чи? Бу нозик масалада адибнинг умр йўлдошшидан сирдошроқ кимса бўлмаса керак. Ўқинг! Бу улкан адибнинг муомаласи, юриштурниши, гапириши ибрат! Хотирот шу ажойиб жиҳатлари билан қадрлидир.

ФАҚАТ БОЛАНИНГ ЎГАЙИ БЎЛАДИ

Уруш йиллари. Мен «Фрунзечи» рўзномасида ҳарбий таржимон. Муҳаррир бўлмагани туфайли унинг вазифасини ҳам ўзим бажараман. Яна Ўзбекистон радиоэшиттириш Давлат комитетида тожик тилида эшиттириш ташкил қилганман, унинг ташвиши ҳам менинг бўйнимда. Деярли бўш вақт йўқ. Устод билан ойда бир ёки икки маротаба учрашиш имконияти бор, холос. Ҳар гал келганларида:

— Ўтган гал айтиб берган шеърингиз маъқул бўлиб қолган эди, ўшани ёзиб олгани келдим, — дейдилар.

Мен такрорлайман, у киши ёзиб оладилар. Ҳеч қачон мен Ҳофиз, Мирзо Бедил ёки Умар Хайём рубоийларини ўқиб берган эмасман. Бу шоирларнинг асарларидан у киши хабардор эди. Эски мактабда унча-мунча ўқиганлар. Иложи борича отамнинг дафтарларидан ўқиган рубоийларни айтиб берар эдим. Масалан:

Ҳеч равшандиле дар ин олам,
Рузи шодий надид бешаби ғам

Мазмуни: Кўнгли ёруғ ёки ёруғ кўнгилли ҳеч бир одам бу дунёда қора тунни кўрмасдан ёруғ кунни кўргани йўқ.

Яна бир дафъа келганларида бундай байтни ўқиб берган эдим:

Булбул зи ҳунарманди гирифтори қафас шуд
Аз беҳунарий фароғате дорад ғоз

Мазмуни: Булбул ҳунарманд бўлгани учун қафасга гирифтор бўлиб осилиб ётибди. Зоғни қара ҳеч қанақа ҳунари бўлмагани учун ҳам айшу ишратда юрибди.

Табиийки эркак билан аёл ҳеч қачон мақсадсиз учрашмайди. Мен ҳар гал келганларида у кишининг оғзига қарайман. Йўқ, ҳамон ўша: ё шеър эшитиб кетадилар ёки ҳикоят. Ниҳоят бир кун дам олишга чиқиб, хайр-маъзур қилгани уйларига келдим. Яна индамай хайрлашиб кўя қолдилар. Табиий: тарвузим қўлтиғимдан тушиб уйларидан чиқиб кетдим. Бироз юрганимдан кейин, орқамдан оёқ шарпаси эшитилди, қайрилиб қарасам ўзлари.

— Қолишнинг иложи йўқми, қолишнинг иложи йўқми? — дедилар.

— Қанақа қилиб қоламан, уйимни ҳам топширдим, — дедим.

— Сайфи деган ошнам бор, ўшанинг уйини ижара олиш мумкин — дедилар.

Шу билан қайтиб келдик.

— Биласизми, — дедилар устод, — мени шу маҳалгача хотинга фақат аёл деб қараганман. Ҳеч қачон аёл зотидан ҳамсуҳбат, ҳамнафас улфат топилади, деб ўйламаган эдим. Сиз чиқиб кетгандан кейин, бундақ ўйлаб қарасам, мени тушунадиган, менга ҳамдам бўладиган биттаю битта одам бор эди, лакалавлик қилиб, уни ҳам қўлдан чиқариб юбордим, деган хаёл бошимга келдию ёш боладай орқангиздан югурдим. Бир-икки оғиз гапим бор, агар сизга маъқул тушса ЗАГСга борайлик.

Олти ойдан сўнг муҳаббат изҳор қилиб айтган гаплари шу.

— Аввало менинг гуноҳим шу қадар кўпки, — давом этдилар, — ёзсам қоғоз қизаради...

Мен уларнинг бу сўзларига унчалик ишонмадим. Биз учрашиб юрган олти ой ичида бирор маротаба мен билан ҳатто қўл бериб кўришмаган. Эшикдан фақат қўллари кўкракларида: «Ассалому алайкум» деб кирар эдилар.

— Лекин шуни билингки, — сўзларида давом этдилар, — биз ҳеч қачон бир-биримизни алдамаймиз. Шуни билингки, рост гап ўла-ўлгунча унутилмайди, ёлғон гап эса ўша заҳоти унутилади. Бугун ростини қўйиб ёлғон ишлатган одам, кеча нима деганини унутадию бошқа бир гапни гапириб қўяди. Ва шу билан ўзини ўзи бебурд қилади. Учинчи таъкидлайдиган сўзим шуки, эр-хотин орасида парда бўлиши зарур. Парда кўтарилдими, оилавий ҳаётнинг биносига дарз тушди деяверинг. Масалан, ўзингизнинг болангизга биринчи маротаба қўл кўтаришингиз қийин, бир маротаба кўтардингизми, иккинчи маротаба қўлнинг ўзи кўтарилаверади. Эру хотин ҳам бир маротаба сану-манга бордими, ёқалашиш ҳеч гап эмас. Эр-хотин мана шу пардани кўтарилмаслиги учун саъю ҳаракат қилиши зарур.

Эътибор қилувдингизми, мен ҳеч қачон сизга қўл бериб кўришмаганман. Агар одам бирор нарсага қаттиқ ёпишса тезда совуб кетади...

ЗАГСдан қайтиб келгандан кейин мен рўпараларига ўтирдим, шунда улар стулни ўзларига яқинроқ суриб шундай дедилар:

— Берироқ ўтиринг. Биласизми, фақат боланинг ўгайи бўлади, хотиннинг ўгайи бўлмайди. Мен гўё дунёга келиб, кўз очиб биринчи маротаба сизни кўраётгандайман.

МУШУК ЯХШИ КЎРГАНИДАН...

Оила қурганимиздан кейин бир кун шундоқ деб қолдилар:

— Кўчада бораётганимизда жуда кўп одам салом беради. Билмадим: сизгами, менгами. Келинг, битта қоғоз олиб кўчада сизга салом берадиган одамларнинг отини ёзиб қўйинг.

У кишининг ўрнида бошқа одам бўлса «Тошкентда кимларни танийсан» деб сўраши ҳам мумкин эди. Улар ниҳоятда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эдилар.

Октябр байрами арафасида, ёзувчи Назир Сафаров уйимизга келиб қолди. Устод:

— Танишинг, бизнинг рафиқамиз, — дедилар.

— Биз танишмиз, — деб қолди меҳмон.

Бу киши гоҳ-гоҳ «Фрунзечи» рўзномасининг буфетидан ул-бул олгани келар ва мен ўшанда кўрар эдим, бироқ эсимдан чиқибди. Меҳмон кетгандан кейин:

— Унинг олдида неча пуллик одам бўлдим, — деб беихтиёр қўл кўтардилар. Чап кўзимнинг ости хиёл қизариб қолди. Эртаси раҳматли Маъруфжон билан аёли Манзурахонлар келиб қолишди. Кўзимга кўзи тушиши биланоқ Маъруфжон:

— Ҳа, Кибриёхон опа, бахайр? — деди.

— Акангиз «хотиним кўча-кўйда йўқолиб кетмасин» деб муҳр босиб қўйдилар — дедим. Шунда Маъруфжон:

— Абдулла ака, Кибриёхон опамдай аёлга қўл кўтарсангиз... — деса, устод шундоқ жавоб бердилар:

— Мушук, яхши кўрганидан, боласини еб қўяр экан, ҳали мен еб қўйганим йўқ-ку.

РАШК

Устод ўз иборалари билан айтганда ниҳоят даража рашшоқ (рашкчи) эдилар. Қанча билинтирмасликка ҳаракат қилсалар ҳам бари бир, қарашларидан сезиб қолар эдим. Машинада мен ҳамиша рулда, у киши ёнимда. Бирор нарса харид қилиш учун магазинга кирсам, бир пасдан сўнг орқамда пайдо бўлиб қолар эдилар.

— Мих олмоқчи эдим, шунга кирдим, — деб эдилар. Ёки бозорга борганда, мен гўшт қанорасига борар эдим, улар яна машинада қолар эдилар. Бирор ўн дақиқа ўтар ўтмас, орқамдан келиб:

— Азгина жигар олинг демоқчи эдим, эсимдан чиқибди, — дер эдилар. Табиий, бу нарса менинг иззат нафсимга тегар эди. Нозаниннинг нози бор, дегандай бир кун кетаман, деб қолибман. Шунда устод.

— Шошманг, бу қандоқ бўлди? Ҳусайни узумдай бор ширамизни сўриб, пўчоғимиз қолганда пуф деб кетар экансиз-да?! — дедилар. — Энди ҳеч қаёққа кетмайсиз!!!

АРИНИНГ УЯСИ

Устод ички маданияти ниҳоят даражада кучли инсон эдилар. Ҳеч қачон баланд товуш билан гапирмаган ёки хохолаб кулмаганлар. Папирос чекмас эди. Мабодо унинг хумори тутса, мен шеър ўқиб берар эдим. Уйда иккита телефон бор эди; бири у кишининг хонасида, иккинчиси — менинг хонамда. Мабодо мен керак бўлиб қолсам, телефон номерини терар эдилар, аппаратнинг гўшагини кўтарсам:

— Беш дақиқага чиқинг, — дер эдилар.

Мен киришим биланоқ дарров ўринларидан турмадилар ва яна устига устак, сал баландроқ товуш билан гапирдилар. Бунақа муомалага ўрганмаганим учун кўнглим сал ранжиб, пастга тушиб кетдим. Бироздан сўнг хонамга кириб, узрхохлик тариқасида шундоқ дедилар:

— Биласиз-ку, мен арининг уясиман, нима қилар эдингиз менга чўп тиқиб?..

ХОТИНЛАРНИНГ КУЧИ

Устоднинг иш кунлари эрталаб соат тўққиздан биргача давом этарди. Бирдан иккигача тушлик, иккидан учгача, озгина мизғиб олар эдилар, аммо ўшанда мен у кишига бирор нарсани ўқиб бериб, шу йўл билан аллалашим керак эди. 15—20 дақиқа дам олгандан кейин ўқиш бошланар эди. Улар ўз асарларини араб алифбосида ёзар, шунинг учун рус алифбосини ўқишга қийналар эдилар. Гапга ниҳоят даража уста бўлганлари учун шунга ҳам важ топиб бир кун шундоқ дедилар:

— Биласизми, эркакларнинг ҳамма кучи белида, хотинларники чакагида бўлади. Сиз ўқийсиз, биз қулоқ соламиз.

СИЗНИ ТАНИМАЙ ҚОЛДИМ

Мен ҳеч қачон эрим олдида сочимни жингалак қиламан, деб темир-терсакларни ёпиштириб юрган эмасман. Кечқурун уларни ухлатиб, кейин бошимни ювиб олар эдим. Улар одатда эрталаб: ёз бўлса соат олти, қиш бўлса еттида туриб, оёқларининг чигалини ёзиб келар эдилар. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сочимни тартибга солиб, охирги холимни қўйиб ўтирар эдим. Бир гал Московда, қайси бир қурултойга борган эдик, азбаройи сир фош бўлмаслиги учун эрталаб, сартарошхонага бориб сочимни турмаклаб келдим.

Бир маҳал уйқудан уйғониб:

— Э, сизга нима бўлди, танимай қолдим: худди реставрация қилинган хотинга ўхшаб қолибсиз-ку! Боринг, ўзингизни кундалик причёсканкангизни қилиб чиқинг! — деганлар.

УНГА ҲАМ ОСОН ЭМАС

Ёшлик чоғлари бирга ўтган, кейинчалик ҳам жонажон дўст бўлган бир олим жўралари тез-тез бизникига келиб турар ва ҳеч қачон дастурхон атрофида ўтирганларга оғиз очгани фурсат бермас эди. Бир кун устодга:

— Шу дўстингиз унча-мунча ёлғонни ҳам ишлатади шекилли, — десам, у киши:

— Ҳа, унга ҳам осон олиб бўлмайди. Уч соат варсоқий ўқиш учун рост гапни қаёқдан топсин, бечора. Рост гап қисқа бўлади — деб қўйдилар.

БИР ҚОП ТАРВУЗ

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрининг бош режиссёри марҳум Александр Гинзбург бир кун оиласи билан шаҳар ҳовлимизга меҳмон бўлиб келди. Хотини ўрта бўйли, худди атайлаб пуфлаб қўйгандай семизгина эди. Кетаётган чоғи, йўлакдаги ойнанинг олдига келиб:

— Абдулла Қаҳҳорович, қаранг, мана шу плашни ҳозир магазиндан олдим, ярашибдими? — деб сўради. Шунда устод:

— Бир қоп тарвузга ўхшаб қолибсиз-ку, — дедилар.

ИСТЕЪФОГА ЧИҚҚАН ҚАРИЯ

Бирор жойга борадиган бўлганимда ҳам, уйда юрганимда ҳам ҳамиша устод менинг кийинишимга эътибор берардилар. Бир куни меҳмонларга ёзган тарвузимнинг ҳаммасини ўзим ҳам жонажон дўст бўлган ёзувчи Ҳ. Абдуллаев ва ҳаётимиз ҳикоясини ёзган ёзувчи Р. Альбеков олган суратлар ҳам ўрнини топсин, деб ўйлаб,

УЙҒОНИШ ТАРАДДУДИ

Кейинги йилларда ҳаётда жуда кўп янгиланишлар рўй берди — инсон онги, тафаккури юксалди. Унда юрт қайғуси, табиат тўғрисида ғамхўрлик туйғуси кучайди, ўз тарихи, аждодлари қисматига муносабат ўзгарди, дин ва эътиқодда эркинлик юзага келди. Бу янгиланишлар озми-кўпми адабиётда ҳам ўз аксини топди ва топмоқда. Айни пайтда, адабиётнинг ўзида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлмоқда. Бу, хусусан, матбуот саҳифаларида, нашр этилаётган асарларда фалсафий фикрларнинг кучайганида, инсон қалбининг чуқурроқ тадқиқ этила бошлаганида, ҳаётни бадиий идрок этишда ранг-баранглик пайдо бўлганида кўзга ташланади.

Адабий жараёнда пайдо бўлаётган бундай ўзгаришларни кузатиб, уларни умумлаштирар эканмиз, хўш, буларнинг пайдо бўлишида маълум бир қонуниятлар борми, маълум бир йўналишлар мавжудми деган савол туғилади. Агар шундай қонуниятлар мавжуд бўлса, улар қандай асосда юзага келган ва нималардан иборат! Бу саволлар батафсил жавобни талаб қилади.

Шу билан бирга республикамизнинг истиқлолни қўлга киритиши, эркинлик, юртга эгалик туйғулари ҳам адабиётда аксини топиши лозим. Бу эса ўз-ўзидан бадииятда янгиланишлар бўлишини талаб этади. Бугун биз кечаги қоралаб ёзганларимизни ҳам, оқлаб ёзганларимизни ҳам жиддий кўриб чиқишимиз ва улар асосидаги бор ҳақиқатни айтишимиз керак. Хуллас, истиқлол адабиётини яратиш зарур.

Буларнинг барчаси эса бизнинг бугунги адабий муҳитимизни яхшироқ тадқиқ этишимизни, энг яхши анъаналаримизни ривожлантирйб, эскича қарашлардан халос бўлишимизни тақозо этади. Хўш, бу борада адабиётимиздаги энг ҳозиржавоб жанр бўлган ҳикоячиликда аҳвол қандай кечмоқда! Ҳозирги яратилаётган ҳикоялар давримиз руҳини ўзида етарлича акс эттира олаяптими! Ҳикоянинг ўзи шакл ва мазмунда қандай янгиланишларга юз бурмоқда! Ёшлар ҳикоячилиги, уларнинг изланишлари қай даражада! Ҳикоячилик ва танқидчилик муносабатлари қандай! Шу каби бир қанча саволлар борки, уларга бир-икки одамнинг жавоб топиши осон эмас. Шу сабабли редакциямизда бир гуруҳ ижодкорлар иштирокида ҳикоячиликнинг бугунги муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказишни маъқул топдик. Қуйида уларнинг гурунгини эътиборингизга ҳавола қиламиз.





Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Адабиётимизнинг ҳозирги аҳволи, келгусидаги тақдири ҳақида сўз борганда ҳар доим мени бир савол қийнайди: насрий асарларни баҳолашда ўлчовни қайси мезонга нисбатан олмоқ лозим?..

«Кўрпага қараб оёқ узатиш керак», деган ҳикматни нечоғли эзозламайлик бадиий ижодни, хусусан, насрий асарларни тушуниш, баҳолаш, миқёсларини белгилаш борасидаги ақидаларимиз кўрпасини паққос кўтариб ташлаш пайти етди. Кўрпанинг остига назар солинса чангак бўлиб букланган қўл-оёқларга, пажмурда таналарга кўзимиз тушади. Қўл-оёқларини амал-тақал ҳаракатлантирган, ҳаракатлантираётганларнинг аҳволи ўша пажмурда таналарга нисбатангина соғломроқ, тирикроқдир. Бу аччиқ эътирофни кўнглига оғир олмаслик учун ҳозирги тушунчадаги ўзбек насри қачон ва қандай даврларда туғилгани ва шаклланганини ўргансак кўп нарса ойдинлашади.

Ўзбек реалистик насрининг илк намуналари октябр инқилобидан кейин, борингки, асримиз аввалидан яратила бошлаганини инкор этмас эканмиз, «қар қандай мустабид жамиятда бадиий прозанинг ҳалокатга учраш ҳавфи туғилиши» (Ж. Оруэлл)ни ҳам тан олмай илож йўқ. Ахир ҳалокат ҳавфи ҳукмрон муҳитда дунёга келган, яшашга маҳкум этилган бадиий тафаккурдан қандай парвозларни кутиш мумкин?!

Тўғри тушунинглар, масалани «бизнинг асарлар ёмон, хорижий ёзувчиларнинг асарлари яхши ёки аксинча» қабилида жўнлаштирмайлик, ҳамонки, суҳбатимиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририятида бўлиб ўтаётган, ҳамонки, мулоҳазалар ушбу ҳафталик саҳифаларида ёритилар экан, оммабоп савиядан ҳамда тор миллий-маҳаллий тушунчалар даражасидан кўтарилиб, мавзуга профессионал талаблар асосида ёндашайлик.

Адабиёт, санъат, маърифат назардан четда қолаётганидан ташвишланишлар кўпаймоқда. Адабий жамоатчилик, ижодий муҳит ниҳоятда сусайиб, бурунги қиёфасини йўқотганини кўпчилик таъкидлашмоқда. Бундай хавотирда жон бор. Адабий жараён қайнаб турса, жамоатчиликнинг, адабий муҳитнинг доимий диққат-эътиборидан тушмаса қани эди! Бироқ, бундай ташвиш-хавотир замирида ҳозирга қадар амалда ҳукм сурган ва кўникилган катта иллат асорати яширинганки, уни очиб ташлаш бевосита ҳозирги ҳикоячиликдаги янгиликларни бир қадар илғаб олишга ёрдам беради.

Жуда кўп йиллар мобайнида адабий жамоатчилик оғзига тушган, мутахассислар олқишига сазовор бўлган, қолаверса, ҳукумат эътиборини қозонган асарларгина етук асар сифатида тан олинган. «Етуклик»нинг бош шартларидан бири— асарда халқнинг кўнглидагини, тилининг учидагини ёзиш ҳисобланган. Шуларнинг бари адабий жараённи ҳаракатлантирувчи омилга айланган. Бундай одат кам деганда ижод моҳиятига зид, зеро, бадиий асар-ижодкор истиробининг бадиий шаклдаги изҳоридирким, ҳозирги айтилган иззатталаблик катталарнинг раҳмини келтириш учунгина йиқилиб, йиғлаб ётган боланинг аҳволидан кўпда фарқ қилмайди.

Ҳар вақт ҳам ижодий шарт-шароит бўлганига не етсин, лекин ҳақиқий ижодий муҳит ёзувчининг қалбида бўлади. Ушбу қалбда туғилган истироб изҳори қайсидир шаклда қоғозга тушади, вассалом! Уни биров ўқийдими-йўқми, мақтайдими-қоралайдими, тақдирлайдими-таҳқирлайдими, ундан ибрат оладими-олмайдими — буёғи энди бўлак мавзу, бўлак муаммо!

Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида яратила бошланган янги ҳикоялар айни шундай истироб меваларидирки, уларни мутолаа қилиш, тушуниш, уларнинг замирига яширинган маънони англаб етиш учун шу ниятдаги китобхонлардан тортиб то... адиблару адабиётшуносларимизгача янгиланиш сари юз буришлари зарур!

Мен янги ҳикоялар деганда воқеалар баёнидан кўра таҳлил ва тадқиқ тафсилоти устун бўлган, ҳаёт фалсафаси мажозлар воситасила ифода этилган, жўн ва саёз конфликтлардан воз кечилган, муайян тайёргарликсиз ўқиш оғир бўлган; ҳазми қийин, серқатлам маъноли ҳикояларни назарда тутмоқдаман. Т. Пўлатовнинг «Жалолиддиннинг сўнгги суҳбатдошй», Ў. Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони», М. М. Дўстнинг «Дашту далаларда», Э. Аъзамовнинг «Анойининг жайдари олмаси», Х. Султоновнинг «Е, Жамшид!», Ш. Ҳолмирзаевнинг «Чўлоқ турна», «Қадимда бўлган экан», А. Мухторнинг «Чодирхаёл», О. Отахоннинг «Оқшом хаёллари», «Гулзор чеккасидаги қуёш», «Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза», И. Ғафуровнинг «Мансуралари», Б. Муродалининг «Янаги жумагача», Н. Эшонқуловнинг «Озод қушлар», «Маймун етаклаган одам», «Тобут», Ш. Ҳамроевнинг «Кўк кўл»...

Яқин-яқингача ҳикоя қисқа, лўнда, тушунарли ёзилмоғи, қаҳрамони типик бўлиши, хулоса ибратли тугалланиши шарт деган ақида барча ёзувчилар учун бамисоли Қуръон ҳикмати янглиғ ўқитилар, уқтирилар эди. Хозиргина санаб ўтилган ҳикояларнинг деярли бари (улар эълон этилган тартибда келтирилди) бу шартларга мутлақо жавоб бермайди. Негаки, булар — айни шу анъанага айланган ақида-кўрсатмалар занжирини бузиб ўтган ҳикоялардирки, эртанги ўзбек ҳикоячиликнинг, қолаверса, йирик жанрларнинг юксалишини айни ушбу асарлар белгилайди.

Хўш, мазкур асарлар қаердан пайдо бўлди? Янгиланиш қай тарзда кечмоқда?

Батафсил тафсилнинг ўрни эмас, бинобарин, гапни мухтасар қиладиган бўлсам, насримиздаги ушбу эврилиш илдизлари XX аср жаҳон адабиётидаги изланишларга бориб тақалади. Асримиз кишисининг руҳий-маънавий дунёсида юз берган ўзгаришлар — буларнинг акси ўлароқ бадиий тафаккур минтақаларидаги янгиланишлар тизимсиз мутолаа йўли билан ўзбек адабиётининг ижодида ҳам ҳаётбахш бурилишлар ясади. 70-80-йилларда адабий таъсир доираси ниҳоятда кенгайди, яқин-яқингача Қаҳҳорнинг устози Чехов, Ғ. Ғуломнинг устози Маяковский дея кўкхов, Ғ. Ғуломнинг устози Маяковский деган ҳукм сурган ва кўникилган катта иллат асорати яширинганки, уни очиб ташлаш бевосита ҳозирги ҳикоячиликдаги янгиликларни бир қадар илғаб олишга ёрдам беради.

Жуда кўп йиллар мобайнида адабий жамоатчилик оғзига тушган, мутахассислар олқишига сазовор бўлган, қолаверса, ҳукумат эътиборини қозонган асарларгина етук асар сифатида тан олинган. «Етуклик»нинг бош шартларидан бири— асарда халқнинг кўнглидагини, тилининг учидагини ёзиш ҳисобланган. Шуларнинг бари адабий жараённи ҳаракатлантирувчи омилга айланган. Бундай одат кам деганда ижод моҳиятига зид, зеро, бадиий асар-ижодкор истиробининг бадиий шаклдаги изҳоридирким, ҳозирги айтилган иззатталаблик катталарнинг раҳмини келтириш учунгина йиқилиб, йиғлаб ётган боланинг аҳволидан кўпда фарқ қилмайди.

Ҳар вақт ҳам ижодий шарт-шароит бўлганига не етсин, лекин ҳақиқий ижодий муҳит ёзувчининг қалбида бўлади. Ушбу қалбда туғилган истироб изҳори қайсидир шаклда қоғозга тушади, вассалом! Уни биров ўқийдими-йўқми, мақтайдими-қоралайдими, тақдирлайдими-таҳқирлайдими, ундан ибрат оладими-олмайдими — буёғи энди бўлак мавзу, бўлак муаммо!

Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида яратила бошланган янги ҳикоялар айни шундай истироб меваларидирки, уларни мутолаа қилиш, тушуниш, уларнинг замирига яширинган маънони англаб етиш учун шу ниятдаги китобхонлардан тортиб то... адиблару адабиётшуносларимизгача янгиланиш сари юз буришлари зарур!

Мен янги ҳикоялар деганда воқеалар баёнидан кўра таҳлил ва тадқиқ тафсилоти устун бўлган, ҳаёт фалсафаси мажозлар воситасила ифода этилган, жўн ва саёз конфликтлардан воз кечилган, муайян тайёргарликсиз ўқиш оғир бўлган; ҳазми қийин, серқатлам маъноли ҳикояларни назарда тутмоқдаман. Т. Пўлатовнинг «Жалолиддиннинг сўнгги суҳбатдошй», Ў. Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони», М. М. Дўстнинг «Дашту далаларда», Э. Аъзамовнинг «Анойининг жайдари олмаси», Х. Султоновнинг «Е, Жамшид!», Ш. Ҳолмирзаевнинг «Чўлоқ турна», «Қадимда бўлган экан», А. Мухторнинг «Чодирхаёл», О. Отахоннинг «Оқшом хаёллари», «Гулзор чеккасидаги қуёш», «Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза», И. Ғафуровнинг «Мансуралари», Б. Муродалининг «Янаги жумагача», Н. Эшонқуловнинг «Озод қушлар», «Маймун етаклаган одам», «Тобут», Ш. Ҳамроевнинг «Кўк кўл»...

Яқин-яқингача ҳикоя қисқа, лўнда, тушунарли ёзилмоғи, қаҳрамони типик бўлиши, хулоса ибратли тугалланиши шарт деган ақида барча ёзувчилар учун бамисоли Қуръон ҳикмати янглиғ ўқитилар, уқтирилар эди. Хозиргина санаб ўтилган ҳикояларнинг деярли бари (улар эълон этилган тартибда келтирилди) бу шартларга мутлақо жавоб бермайди. Негаки, булар — айни шу анъанага айланган ақида-кўрсатмалар занжирини бузиб ўтган ҳикоялардирки, эртанги ўзбек ҳикоячиликнинг, қолаверса, йирик жанрларнинг юксалишини айни ушбу асарлар белгилайди.

Хўш, мазкур асарлар қаердан пайдо бўлди? Янгиланиш қай тарзда кечмоқда?

Батафсил тафсилнинг ўрни эмас, бинобарин, гапни мухтасар қиладиган бўлсам, насримиздаги ушбу эврилиш илдизлари XX аср жаҳон адабиётидаги изланишларга бориб тақалади. Асримиз кишисининг руҳий-маънавий дунёсида юз берган ўзгаришлар — буларнинг акси ўлароқ бадиий тафаккур минтақаларидаги янгиланишлар тизимсиз мутолаа йўли билан ўзбек адабиётининг ижодида ҳам ҳаётбахш бурилишлар ясади. 70-80-йилларда адабий таъсир доираси ниҳоятда кенгайди, яқин-яқингача Қаҳҳорнинг устози Чехов, Ғ. Ғуломнинг устози Маяковский дея кўкхов, Ғ. Ғуломнинг устози Маяковский деган савол туғилади. Агар шундай қонуниятлар мавжуд бўлса, улар қандай асосда юзага келган ва нималардан иборат! Бу саволлар батафсил жавобни талаб қилади.

Шу билан бирга республикамизнинг истиқлолни қўлга киритиши, эркинлик, юртга эгалик туйғулари ҳам адабиётда аксини топиши лозим. Бу эса ўз-ўзидан бадииятда янгиланишлар бўлишини талаб этади. Бугун биз кечаги қоралаб ёзганларимизни ҳам, оқлаб ёзганларимизни ҳам жиддий кўриб чиқишимиз ва улар асосидаги бор ҳақиқатни айтишимиз керак. Хуллас, истиқлол адабиётини яратиш зарур.

Буларнинг барчаси эса бизнинг бугунги адабий муҳитимизни яхшироқ тадқиқ этишимизни, энг яхши анъаналаримизни ривожлантирйб, эскича қарашлардан халос бўлишимизни тақозо этади. Хўш, бу борада адабиётимиздаги энг ҳозиржавоб жанр бўлган ҳикоячиликда аҳвол қандай кечмоқда! Ҳозирги яратилаётган ҳикоялар давримиз руҳини ўзида етарлича акс эттира олаяптими! Ҳикоянинг ўзи шакл ва мазмунда қандай янгиланишларга юз бурмоқда! Ёшлар ҳикоячилиги, уларнинг изланишлари қай даражада! Ҳикоячилик ва танқидчилик муносабатлари қандай! Шу каби бир қанча саволлар борки, уларга бир-икки одамнинг жавоб топиши осон эмас. Шу сабабли редакциямизда бир гуруҳ ижодкорлар иштирокида ҳикоячиликнинг бугунги муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказишни маъқул топдик. Қуйида уларнинг гурунгини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Яна бир муҳим омил — ёш ёзувчилар орасида турли оқимдаги файласуфлар асарлари кенг оммалаша бораётганидир. Зеро, нечоғли аччиқ бўлмасин, барча ҳурмат-эъзозни сақлаган ҳолда (афсуски, чинакам адабиёт одамлар орасидаги муросасозликлардан анча юқори ҳилқат!) тан олиб айтишимиз лозимки, масалан Фрейд ва Кьеркегор, Кришнамурти ва Рерих фалсафасидан хабардор, М. Пруст, Ж. Жойс, Ф. Достоевский, Г. Манн, А. Платонов асарларидан завқ олаётган бугунги ёш ижодкор ё китобхонни ҳозирга қадар яратилган адабиётимиз намуналари мутлақо қониқтирмайди.

Мисол келтирай, рус матбуотида А. Солженицин, В. Гроссман, А. Платонов, Е. Замятин сингари катта сўз санъаткорларининг фалсафий-бадиий дунёқараши қандай шаклланганги ҳақида мақолалар бериляпти. Бу адиблар асли Бертяевнинг «шинели»дан чиққанини эътироф этишаяпти. Кўринадики, ушбу тўрт адибнинг асарлари фақат қатағон тамғаси остида сақланганги учунгина, бадиий қиммати билангина эмас, айни чоқда уларда муаллифларнинг муайян ўлмас фалсафий қарашлари сингдирилгани учун ҳам қадрланиб, баҳслашиб ўқилмоқда. Оламнинг, инсон руҳиятининг барча мураккабликларини фалсафий идрок этишга уринаётган — изланаётган ёш ўзбек зиёлиси «Чевенгур» ёхуд «Биз» романларини ўқиб бадиий-фалсафий озуқа олар экан, бундай озуқага ташналигини ўзимизнинг асарлар мутолаасидан қондира олмаслиги аниқ.

Янги тафаккур, янги асарлар ана шундай қониқмаслик маҳсули ўлароқ дунёга келади! Вақти-соати билан янгиликлар мутахассислар, китобхонлар томонидан қабул қилинади. Ҳаракатдаги илғор адабиёт эса илгарилашдан, янгиланишдан тўхтамайди. Изланиш, эврилиш йўлига тушиб олган адабиётда (буни гуржи, айниқса, Болтиқбўйи халқлари ҳикоячилигининг мисолида яққол кўриш мумкин) хилма-хил услублар, хилма-хил шакл-шамойиллар, турфа оҳанглар ҳикоялар яратилаверади.

Хайриддин СУЛТОНОВ: — Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳикоя жанри бизда ҳеч қачон ҳозиргидек оқибатсиз, эътиборсиз қолиб кетмаган, мавқе паст бўлмаган. Шунинг учун эндиликда унга катта эътибор зарур, обрўсини кўтармоқ керак. Лекин бундан адабиётимизда фақат ҳикоячиликка ўғай кўз билан қаралмоқда, бошқа жанрлар эса ниҳоятда эўр, етакчи мавқега эга деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Бизда ҳозир, умуман, адабиётга, сўз санъатига нисбатан лоқайдлик, эътиборсизлик ҳукм сурмоқда. Нашр этилаётган асарлар — ҳикоями, қиссами, романми, аввало, уларни ўқувчилар жуда кам ўқишмоқда, қолаверса, мутолаа билан банд китобхонлар ҳам улар ҳақида лом-лим дейишмаётибди, бепарво, қўл силтаб қўйишмоқда. Хусусан, мен кейинги пайтларда бир қанча яхши асарларнинг пайдо бўлганига қарамай, «ҳой фалончи, ҳикоянгизни ўқидим ундаги воқеадан ғоят таъсирландим, образингиз ундай ёки қаҳрамонингизнинг характерини яхши очибсиз», деган маънодаги гапни эшитмадим. Ўқувчиларнику қўятурайлик, ҳатто иккита ижодкор ҳам бир-бирининг асари ёки ҳикояси хусусида ўзаро фикр юритгани, баҳслашганини эслай олмайман. Янги яратилаётган асарларни айтмайлик, майли, ахир қанча маданий бойликларимиз қайта тикланди, йиллар давомида темир сандиқларга қамалган асарлар ёруғликка чиқди. Қани, улар ҳақидаги рост, куюнчак сўзларимиз, қани, уларнинг қалбимизда уйғотган ҳис-туйғулари, замонга, даврга, жамиятга нисбатан туғдирган муносабатлари! Жимлик, сукунат, барчасига эътиборсизмиз. Бу фақат газета, ойномалардагина эмас, жойлардаги учрашувларда ҳам сезилмоқда.

Аввало, учрашувларнинг ўзи камайиб бормоқда, ёзувчи билан китобхонлар мулоқотлари кам ўтказилмоқда, агар бордию ўтказиладиган бўлса мулоқотлар йўқ, ҳар бир учрашув бахсга айланмайди. Ёзувчилар лекторларга ўхшаб гапириб-гапириб қайтишаверади.

Ваҳоланки, бадиий адабиёт ўзига у ёки бу даражадаги муносабат сезилиб турганда ривожланади, ҳаракатга келади. Шу маънода ижодий жараён хусусида асарлар ҳақида мақолалар, баҳслар, тақризлар жуда-жуда керак.

Хўш, буларнинг ҳаммаси нимани натижаси? Назаримда, бизда ҳам бугунги ўтиш даврида капитализм дунёсининг ўзига хос кўринишлари намоён бўла бошлаганга ўхшайди. Маълумки, шу пайтгача сиртдан қоралаб, ичдан мақтаб келганимиз капитал дунёси мамлакатларида халқ орасида маънавият, маданиятга эътибор биз ўйлаган даражада яхши эмас экан. Яқинда бир гуруҳ юртдошлар билан Бобур изларини излаб Шарқ мамлакатларида саёҳатда бўлиб қайтдик. Ишонасизми, биз мулоқотда бўлган одамларнинг бир фоизи ҳам Бобур ҳақида маълумотга эга эмас экан. Бобур ҳақида гапириб берсанг, улар ҳам жон деб эшитишади, лекин ўзлари бирор нарса дея олмайди. Ваҳоланки, ўша давлатларда Бобур ҳақида яхши китоблар кўп, лекин уларнинг нархи ниҳоятда осмонда. Айни бозор иқтисодига ўтиш жараёнида биз ҳам ана шу йўлдан кетмаётибмизми? У ҳолда маданиятимизнинг аҳволи не кечади?

Йўқ, биз ишни мана шундан, маданиятимизнинг қадрсизланишининг олдини олишдан бошлашимиз зарур. Шу маънода ҳафталигимиз бу борада жонкуярлик билан иш олиб бораётгани қувонарлидир.

Ҳикоячиликка нисбатан эътиборсизлик сабабларини ҳам аслида мана шу умумий аҳволдан изламоқ керак. Бу борада ижодий жараён ҳақидаги суҳбатнинг ҳам ҳикоя жанридан бошлангани ғоят мақбул.

Чунки ҳикоя бизда ҳозиржавоб, сафарбар жанр ҳисобланади. Унда ҳаётдаги, ижодий жараёндаги янгиликлар ҳам тез аксини топади. Демак, унга нисбатан муносабат бугунги адабий жараёнга нисбатан муносабатни ҳам белгилайди. Бу ҳам унга эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Мен ҳикоячиликнинг аҳволини яхшилаш тўғрисида гапиришдан олдин унинг яқин ўтмишдаги, биз ҳозир танқид қилаётган турғунлик йилларидаги тақдири ҳақида озроқ тўхталиб ўтмоқчи эдим. Ўзбек адабиётида ҳикоя ўзининг маълум қатъий қонуниятлари асосида шаклланган. Бу жанр ғоят қисқаликни талаб қилади. Яъни ижодкор ҳаётнинг кичик бир бўлагини акс эттирар экан ундан катта умумлашма чиқариши зарур. Бунинг устига улар ҳажман чекланган, ўн иккиўн уч саҳифадан ошмаслиги керак. Бу талаблар ёзувчилар олдида бир қадар қийинчиликлар туғдирган. Лекин, айни пайтда, бу талаблар ижодкорни сўзни тежашга ўргатган, бадиий сайқални кучайтиришга мажбур қилган. Фикрни лўнда айтишга интилишган. Бунинг устига тоталитар мафкуранинг тазйиқи ҳар бир ҳикоянависнинг ўз фикрини китобхонларга тўлароқ етказиш учун турли усуллардан фойдаланишини тақозо этган. Ҳикоянавислар аксарият ҳолларда бу қонунлар доирасидан четга чиқиб кетишолмаган.

Ўша даврларда бу ҳикояларнинг савияси, бадиияти, ижодкорлар маҳорати, фикрлари кўпчиликни қизиқтирган. Шунинг учун газета ва журналларда ҳикоялар ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинган, ижодий ташкилотларда бир-икки ҳикоя атрофида баҳслар уюштирилган. Етук танқидчилар ўртасида мунозаралар ўтказилган. Яъни ҳикоячиликдаги бирор янгилик эътибордан четда қолмаган. Мен ҳатто ўша пайтларда матбуотда эълон қилинган бир-икки ҳикоялар юқори партия органларида муҳокама қилинганини, уни ёзган ва нашр қилганлар тазйиқ остига олинганини ҳам биламан. Ваҳоланки, ўша пайтдаги бизнинг зўр гапимиз «Магазинда гўшт топиб бўлмайди» қабилидаги фикрдан юқори бўлмаган.

Мен бу гапларни нима учун яна қайта эслаяпман? Шунинг учунки, ўша даврлардаки ҳикоячиликка эътибор шу даражада кучли экан, нега бугунги кунда, ҳикоячилик кучаяётган, унинг яхши намуналари пайдо бўлаётган пайтда бундай лоқайдлик кўзга ташланмоқда. Демак, биз жуда бўлмаса, аввалги энг яхши анъаналаримизни тиклашимиз, бир пайтлардагидек энг яхши, борингки, энг кичик ҳикоялар учун конкурслар ўтказишимиз, йилнинг яхши ҳикояларини рағбатлантириб боришимиз керак. Нега биз ҳикоялар ҳақида суҳбатлар уюштирмаймиз. Уюштириш лозим. Тўғри, бундай суҳбатларимизга аввалгидек юзлаб, минглаб, одам йиғилиши шарт эмас, ўнта тўртта одам қатнашсин, лекин ўз фикрини билдирсин. Бу матбуотда эълон қилинсин... Ҳикоячиликка эътиборни ана шулардан бошлаш керак.

Қолаверса, ҳикоячиликка эътиборнинг сустлигининг бошқа бир сабаби ҳам бор. Бизда ёзилмаган бир қонун мавжуд, яъни ҳали шу пайтгача ҳеч ким ҳикоя ёзиб ёзувчиликда ном чиқарган ва косаси оқарган эмас. Шунинг натижасида ижодини ҳикоядан бошлаган ижодкор ҳам икки-уч ҳикоя битгач, ёстиқдай-ёстиқдай романлар ёзишга ўтади. Бунинг тагида эса ўша жанрни менсимаслик, эътиборсизлик ҳамда моддий рағбат ётади. Шу сабабли ҳикоянависларни моддий рағбатлантириш хусусида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Бу, айниқса, бугунги кунда ҳикоядан оладиган қалам ҳақи уни машинкалатиш учун етмайдиган пайтда ниҳоятда зарур.

Ҳикоячиликка эътиборни кучайтиришнинг бугунги кунда яна бир зарурий асоси бор. Бу ҳам бўлса, жанрнинг ўз хусусияти — ҳозиржавоблигидан келиб чиқадиган мажбуриятдир. Чунки бугунги ўзгаришлар даврида, юртимиз истиқлол йўлига кирган пайтда ҳаётимиздаги ўзгаришларни тезкорлик билан акс эттириш, уни бадиий идрок этиш ҳам биринчи навбатда шу жанр зиммасига тушади. Ахир олдимизда ҳали қанчаданқанча очилмаган қўриқлар, қалам урилмаган мавзулар, янги қаҳрамонлар турибди.

Бизда, эътибор берган бўлсаларингиз, ижодкорлар адабиётдан бошқа ҳамма мавзуларда — сиёсат, бозор, оилавий юмушлар, халқаро аҳвол... умуман, барча соҳалар хусусида фикр билдиришадию бадиий ижод олами тўғрисида ўзаро суҳбатлашмайдилар. Шахсан мен адабиёт ҳақида камдан-кам ижодкор билан гаплашганман. Негадир улар ўзларини ижодий суҳбатлардан олиб қочишади. Аслида бизнинг адабиётга эътиборимиз ана шу нуқтадан бошланиши керакка ўхшайди.

Иброҳим ҒАФУРОВ: — Ҳикоянинг ижтимоий фикрга таъсир йўллари, таъсир доираси йўқолиб бораётибди. Яхши ҳикоялар яратилмоқда, бироқ улар изсиз йўқолмоқда. Мана, масалан, яқинда ҳафталигимизда эълон қилинган Назар Эшонқулнинг «Тобут» деб аталган ҳикояси. Унда масаланинг қўйилиши, қаҳрамоннинг ички кечинмалари, сюжет қурилиши ва бошқа компонентлар — ҳаммаси ўзига хос. Шу ҳикоя бугунги ҳаётимиз хусусида қанча мушоҳада юритаман, қанча гапираман деган одамга тўла имкон беради. Айтайлик, инсон ва табиат мавзуими, инсон кечинмаларининг чексизлигими, шароит тақозоси билан унинг психологиясидаги ўзгаришларми — ҳоҳлаган масалада шу ҳикояга таяниб мулоҳаза юритиш мумкин. Бироқ ана шундай имкониятларга эга бўла туриб ҳам биз ёзувчилар, танқидчилар ундан фойдалана олаётганимиз йўқ. Очиғини айтганда, аввалмбор, ҳикоячилик ўз танқидчилигини йўқотиб қўйган. Бугун бирор ҳикояга қизиқиб, «Э бу ғоят ажойиб асар бўлибди, жаҳон ҳикоячилигида айтилмаган бир фикр пайдо бўлибди, бир характернинг янги қирралари кўзга ташланибди, ҳикоя қилиш услубида ҳам янгиликлар мавжуд, бунинг сабаблари мана бундай деб», жон қуйидирадиган, янги асарга баҳо берадиган, уни ўртага ташлайдиган танқидчи йўқ. Мана шу аҳвол ҳикоячиликнинг ижтимоий фикрга таъсир доирасини ниҳоятда торайтириб, уни йўққа чиқармоқда.

Иккинчи томондан, ижтимоий ҳаётда адолатсизлик қанча кўп бўлса, ҳур фикр қанча бўғилса, адабиётнинг эркинликка интилиш истаги кучаяр экан. Ҳаётнинг ўзида эркинлик бўлса, ҳур фикр айтиш имконияти чексиз бўлса, бу ерда адабиётнинг функцияси тораяр экан. Адабиёт оддий воқеликка айланар экан. Мана, рус адабиётида, воқелигида ҳур фикрлар доимо чекланиб келган, натижада ҳур фикрлар айтиш учун шеърият, наср, драматургия сафарбар қилинган. Масалан, Солженицриннинг асарлари кеча ниҳоят буюк ҳодиса эди-ю, нега бугуннинг улуғ воқеилигига айланолмай, кечаги куннинг ҳодисаси бўлиб қолди? Чунки бугун энди Солженицриннинг асарлари курашган воқелик талофатга учради, энди бутунлай бошқа бир воқелик бошланди. Энди бу воқелик учун ўша асарларнинг мағзидаги ғоялар эскирди. Бу асарлар курашган мақсадлар бугун энди амалга ошиб тургани учун ўша ролни ўйнай олмайди. Мен ўзимча шундай ўйлайман, агар Солжиницриннинг асарлари, масалан, «Қамоқхоналар Бош Бошқармаси оролчалари» асари ўша яратилган даврда, 70-йиллар бошида халқимизнинг қўлига етиб келганида эди, бугунги эволюция 20 йил орқага сурилмасдан олдинроқ рўй берган, тафаккуримизни ўстиришга хизмат қилган бўларди. Чунки булар дунёда коммунистик мафкуранинг чиркин руҳини аёвсиз, шафқатсиз, қонхўр муҳитини очиб берган асарлардир. Одамлар ўшалардан хабардор бўлганларидан кейин, бу мафкура нималарга хизмат қилганини билганларидан сўнг жамиятнинг моҳиятини тушуниб етдилар ёки тушуниб етиш даврига кирдилар. Шунинг учун ҳам бундай асарларнинг ўз вақтида чиқмагани ижтимоий фикр тараққиётини анча кечиктириб юборди.

Бу ерда ҳикоя ҳақидаги бир баҳсдамиди, Чингиз Айтматов айтган эди: «Шундай ҳикоя ўқигингиз келадики, таъсиридан кечалари ухлаёлмай ўйлаб чиқсангиз!»

Қани ўша ҳикоя? Ҳозир ҳикоя ёзадиган замонми, ҳикоя ўқийдиган замонми? Тўғри, у — ҳозиржавоб жанр, сафарбар жанр. Лекин шу кунда ҳар қанақа эўр ҳикоядан олди-қочди ахборотга асосланган мақолаларнинг бозори чаққон уюштириш пайти келди. Зеро, бугунги ҳикоячилигимизнинг энг яхши намуналарига эътиборни сусайтириш бу жанр ривожига ҳам, ижтимоий тараққиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Аслида битта ҳикоя ва унга муносабат орқали халққа жуда кўп фикрларимизни етказишимиз мумкин.

Шукур Холмирзаевнинг «Адабиёт ўладими?» деган саволни ўртага ташлаганида ва адабиёт ўлмайди дея фикр юритганида жон бор. Ҳақиқатан, адабиёт ўлмайди, лекин бир қатор сабаблар туфайли унинг функцияси, унинг таъсир доираси ўзгариши мумкин. Буни бугунги адабий жараён ёрқин кўрсатмоқда.

Эркин АЪЗАМ:—

АБДУЛҲАМИД МАЖИДИЙ НОМИДАГИ КАТТАҚҮРҒОН ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

МАҲОРАТ ДАРГОҲИ

Каттақўрғонда театр санъатига пойдевор қўйилган кун — 1921 йил 15 январда Зиё Саид ва Мўмин кофир Муҳаммаджонов қаламига мансуб «Қонли кун» спектакли ўйналди. Асар 1916 йили Тошкентда бўлиб ўтган, мардикор олишга қарши чиққан халқ исёни ҳақида ҳикоя қиларди. Театрнинг очилиш маросимида Самарқанд вилоят фирқа қўмитасининг котиби П. Г. Константинополский, 2-турк дивизиясининг қўмондони В. Зимин, вилоят маориф комиссари Блик, «Шуълаи инқилоб» жаридасининг муҳаррири Ҳожи Муин Шукрулло, режиссёр Абдулла Бадрий ва бошқалар қатнашганлар.

Ўша пайтларда ўлкамизда вазият мураккаб бўлгани, иқтисодий танглик ҳукм сурганига қарамай, театр ижодий гуруҳини сақлаб туриш учун вилоят ижроия қўмитаси томонидан ўша даврдаги пул бирлиги билан 500 минг сўм маблағ ҳамда зарур ашёанжомлар ажратилган. Театрнинг бадиий раҳбарлиги Солиҳ Сайдалиев зиммасида бўлган.

Дастлабки йилларда театрда фаолият кўрсатганлар орасида Баҳри Жалилов, Лола Мельникова, Дамин Соҳибов, Раҳим Эшжонов, Ҳидир Бўронов, Мардон Ҳамроев, Абдулла Муродий, Ҳасан Шоди Сурнай, Арофиддин Афанди, Ғулом Элмуродов, Гулжамол Сайфутдинова, Абдужаббор Ҳакимов, Бозор Олимов, опа-сингил Зайнаб ва Зира Бурнашевалар, Ҳадича Шарафиева, Саломат Назарова, Ҳаёт Сайдашева ва Муқина Йўлдошева ҳам бор эдилар.

Ўша йилларда театр репертуаридан К. Яшиннинг «Ўртоқлар», У. Исмоиловнинг «Ходи-Шоди», Х. Мухторовнинг «Муҳаббат гули», Ҳамзанинг «Майсаранинг иши», Б. Раҳмоновнинг «Дили бошқа-ю, тили бошқа», Н. В. Гоголнинг «Ўйланиш» кабн асарлари асосидаги спектакллар ўрин олган эди. Кейинчалик, театр ижодий жамоаси сафига Абдурауф Болтаев, Ширин Мелиева, Зубайдулло Рўзиев, Раҳмон Ризаев, Абдулла Сотиболдиев, Адилма Сотиболдиева, Турсун Йўлдошев, Барнохон Муродова ва бошқа бир қатор ёш актёрлар келиб қўшилдилар. Шубҳасиз, уларнинг маҳорати театрнинг бундан буёнги шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Каттақўрғондаги бу санъат маскани 1962 йилга қадар турли номлар билан юритиб келинди. 1928 йили унга «Ҳақиқат» номи берилди. 1940 йилдан эса «Колхоз-совхоз театри» номи билан томошалар кўрсатди. 1953—1961 йиллар орасида Каттақўрғон шаҳар мусиқали драма ва комедия театри деб аталди. Ва ниҳоят, 1962 йилдан буён Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театри деб юритиб келинмоқда.

1950-60 йилларга келиб Н. Ҳожиев, Н. Тоғаев, А. Хайруллаев, Н. Ўтаев, Ш. Мусаева, М. Йўлдошева, Н. Сайфиев, М. Собиров, А. Исмоилова сингари актёрлар театр саҳнасида ўз ижодий фаолиятларини бошладилар. Худди шу йиллари театр репертуари «Шоҳи сўзана», «Уйғониш», «Бой ила хизматчи», «Нурхон», «Абдулла Набиев», «Ватан ишқи», «Фурқат» ва бошқа бир қанча янги саҳна асарлари билан бойиди. Театр жамоаси юқорида номлари қайд этилган спектакллардан саралаб, жумҳуриятимиз пойтахти Тошкентга илк ижодий сафарга келди. «Зангори экран» орқали ўз мухлислари олдида ижодий ҳисобот беришга муяссар бўлди. Ижодкорларнинг машаққатли изланишлари санъатшунос олимлар томонидан муносиб баҳоланди. Тошкент сафарида театр ижодий жамоасига берилган ана шу юксак баҳо уларни янги ижодий изланишлар сари чорлади. Айни ўша йиллари театрга яна янги ижодий кучлар, истеъдодли ёшлар келиб қўшила бошлади. Улар орасида И. Нурмонов, А. Ҳошимов, З. Зоиров, Ш. Эргашев ва бошқаларнинг номларини қайд этиб ўтиш жоиз. 1970-80 йилларда эса И. Хонимқулов, Г. Мамедова, М. Шокирова, С. Суқимов каби яна бир гуруҳ истеъдодлар ўз фаолиятларини бошладилар. Шубҳасиз, ижодий жамоа сафига келиб қўшилган ҳар бир гуруҳ театрга ўз нафасини, ўз истеъдодини ва ўз услубини олиб кирди. Бунинг оқибатида эса театр репертуарида турли-туман ўзига хос асарлар кўпая борди.

СУРАТДА: «Рустам» спектаклидан кўриниш

1976 йили театр тарихи саҳифасида янги ва ниҳоятда муҳим бир варақ очилди. Каттақўрғон театрига театрнинг асосчиларидан бири бўлган Абдулҳамид Мажидий номи берилди. 1981—1991 йиллар давомида театр ижодий жамоаси фаолиятида янги босқич бошланди. Энди театр фақат миллий драматургия асосида иш олиб бормасдан, балки қардош халқлар ва жаҳон драматургиясига мурожаат эта бошлади. «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Ой тутилган тунда» (Мустай Карим), «Гўзал эркак» (А. Островский), «Майсалардан сўранг» ёхуд «Ёш гвардия» (Я. Стельмах), «Ҳамма билан юзма-юз» (А. Гельман), «Тўрт эгизак» (П. Панчо), «Янги йил маскаради» (С. Жунусов) ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Лекин шу билан бирга, миллий драматургия ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ў. Умарбековнинг «Курорт», Ш. Бошбековнинг «Тушовланган тулпорлар», Ў. Ҳошимовнинг «Сендан угина» сингари асарлари асосидаги спектакллар талабчан томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Театр ижодий фаолиятининг ўзига хос бўлишида мусаввирлар Маҳмуд Собиров, Валентин Бичинский, Ноила Караева, Зокиржон Қобилов, шунингдек, таклиф этилган мусаввирлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Г. Брим, А. Ларин, Ҳамза мукофоти лауреати С. Зиёмуҳамедов ва А. Слугин, таклиф этилган режиссёрлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев, марҳум Рустам Бобохонов, ушбу театрнинг режиссёрлари Ш. Мелиева, Н. Шомуродов, З. Рўзиев, И. Нурмонов ва Р. Ёриевнинг хизматлари катта.

Ижодий жамоанинг камолот сари интилишида режиссёр И. Нурмонов саҳналаштирган Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асари асосидаги спектакл алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу спектаклда Гулбаҳор Мамедова ва Икромжон Хонимқулов ўзларига берилган бош қаҳрамонлар ролларини тўлақонли яратиб, серқирра, маҳоратли актёр эканликларини намоён қилган бўлсалар, театрнинг етакчи актрисаларидан Муҳаббат Йўлдошева А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» асари асосидаги спектаклда Нетайхон образини маромига етказиб ижро этди. Шунингдек, театр бош режиссёри Р. Ёриев саҳналаштирган «Ҳийлага ҳийла» (Р. Мурод) спектаклидаги лўли хотин образи билан бу актриса ўз ижодий йўналишида туб бурилиш ясади.

Театр ўзининг 70 йиллик фаолияти давомида қардош жумҳуриятлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Бошқирдистон ва Татаристон жумҳуриятларининг вилоятлари, туманлари ҳамда жамоа ва давлат хўжаликларида бўлиб, ўз репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган «Келинлар қўзғолони», «Хотинимнинг эри», «Қўша қаринглар», «Уйқусиз тунлар», «Онаси ўпмаган қиз» «Аяжонларим», «Олтин девор», «Парвона» каби спектаклларини мухлисларига манзур эта олдилар.

Бугунги кунда театр ижодий жамоаси жиддий изланиш палласини бошидан кечирмоқда. 30 йиллаб театрга саркорлик қилган Ўзбекистон халқ артисти Ширин Мелиева раҳбарлигида санъаткорлар Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаевнинг бой тажрибаларини ўрганиб, уларнинг ижрочилик йўлига асосланиб, тинмай меҳнат қилмоқдалар. Ўйлаймизки, бу машаққатли изланишлар кутилган самарасини беради.

Мэлс ТОШЕВ

ЖОНФИДО

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри аҳолисининг кичкинагина бахти бор. Билмадим, эҳтимол, бу сўзим кимларгадир эриш туюлар, аммо мен шундай ҳисоблайман. Ҳарқалай, кичик бир шаҳарда санъат даргоҳининг мавжудлигидан, унга театр мухлисларининг доимо талпиниб туришларидан шундай деб ўйлайман.

Шаҳар марказида жойлашган Абдулҳамид Мажидий номидаги драма театри каттақўрғонликларнинг муқаддас даргоҳи. Томошабинлар бу даргоҳда намойиш этилаётган саҳна асарларини қайта-қайта кўриб, серташвиш дунёнинг кичик юмушларини унутадилар. Оз бўлса-да, ҳордиқ чиқарадилар. Эҳтимол, шаҳарнинг, театр биносининг катта-кичиги бордир, аммо санъатнинг катта-кичиги бўлмайди. Мен мазкур театр етакчи актёрларининг маҳоратини кўриб бунн англаганман. Истеъдодли актриса Гулбаҳор Мамедова ижро этаётган образини ўз қисматига айлантириб, кўзларидан дув-дув ёш тўкканида, яна бир моҳир актёр Икромжон Хонимқуловнинг салобатию салоҳиятида, Муҳаббат Йўлдошеванинг бўртиб турган истеъдодида кўрганман.

Каттақўрғонликларнинг кичик бахти бор. Чунки бу даргоҳга Абдураҳмон Сафоевдек жонфидо инсон раҳбарлик қилади. Айниқса, бугунги кунда театр саҳнасидагина эмас, балки иқтисод саҳнида ҳам Ҳамлетнинг «ё ҳаёт, ё момот», деган наъраси бенхтиёр янграб турганда, театр жамоасининг бетиним изланишларида мазкур даргоҳнинг қадр-қимматини яхшироқ англаб етиш мумкин. Мен бу театрнинг ҳали кўп йиллар ўз томошабинларига қувонч улашишига ишонгим келади. Чунки бу даргоҳда театрнинг бош режиссёри Равшан Ёриевдек инсонлар ишлайди. Равшанга дабдурустдан баҳо бериб бўлмайди. Биринчи таассурот кўпинча алдайди. Уни биринчи, фаолиятига баҳо бериш учун унинг иш жараёнини кузатиш лозим. Сир эмас, Р. Ёриевни таниманган одамлар бир кўрганда ғалати таассурот оладилар. У билан гаплашган, суҳбатлашганлар эса мақтанчоқ, ўжар, бировни тан олмайдиган, каттаоғиз, деб ўйлайдилар. Ростн, қачонлардир мен ҳам шундай фикрга боргандим. Аммо орадан 2—3 йил ўтгач, унинг театрдаги фаолиятини кузатиб, фикрим бутунлай ўзгарди.

1989 йилнинг дастлабки ойлари Р. Ёриев менинг илк пьесамни — «Ниса холанинг ҳисоби» комедиямни саҳнага қўйишга жазм этди. Мазкур пьеса драматургиядаги дастлабки машқим бўлгани учун ҳам саҳналаштириш жараёнида Каттақўрғон шаҳри меҳмонхонасини макон тутиб, бу «мақтанчоқ» фаолиятини кузатдим. Билмадим, уни мақтанчоқ деб бўлармикан?! Аслида табиатан ҳаммамизда ҳам мақтанчоқлик бор. Хўш, Р. Ёриевда бу хислат бироз кўпроқ бўлса нима қипти? Мақтанчоқ одамда исбот қилиб бериш кучли бўлади. Баҳсга киришадиган одам кўпинча чуқур билимли, маълум бир хулосаларга келган бўлади. Равшан шундай.

Уни ўжар, бировни тан олмайдиган одам деб ҳам бўлмайди. Буюк санъаткор Тошхўжа Хўжаевнинг сабоғини олган шогирд шундай ҳислатли бўлса не ажаб! Мен унинг ўжарлигини руҳ бедорлигига, изланувчанлигига йўяман. Айни пайтда Равшаннинг каттаоғизлигини тан олган ҳолда уни ҳимоя қилгим келади. Айнан шу хусусияти борлиги учун Шекспирга ҳам, Шиллерга ҳам, Чеховга ҳам дадил қўл ураверади. Бу саҳна асарларига томошабинлар, театршунослар баҳо беришсин, мени эса бошқа бир жиҳати қизиқтиради. Ҳар ҳолда, бу асарлар каттақўрғонликларга насиб этди-ку! Шунинг ўзи катта гап эмасми? Акс ҳолда Каттақўрғонда ким бу асарларни саҳнага қўярди? Равшан дарвешфеъл одам. Лозим бўлса, театрдан кетмай, ойлаб яшайди. Ярим тунда театр саҳнасида оғир ўйларга ботиб ўтирганини бир неча бор кузатганман. Оқибатда охирлаб қолган иш яна қайтадан бошланишининг гувоҳи бўлганман. Эҳтимол, дарвешлигидан, фидойилигидан бўлса керак, 5—10 кунлаб сочига тароқ тегмайди. Гоҳо сархуш бўлиб қолган кезлари Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»ини, Шекспирнинг «Ҳамлет»ини, А. Чеховнинг «Ваня тоға»сини, С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони»ни, Ў. Умарбековнинг «Курорт»ини, М. Бобоевнинг «Қани менинг юлдузим», М. Каримнинг «Ой тутилган тунда»сини, яна ўнлаб пьесаларни қандай шароитда саҳналаштирганини ҳикоя қилади. Ана шундай кезларда ўз ишини нақадар севишини англаш қийин эмас.

Р. Ёриев баъзан хизмат юзасидан Тошкентга келиб, турли санъат даргоҳларида, идораларида ўз театри жамоаси манфаати учун «жанг» қилганининг гувоҳи бўлганман. Ҳақиқатни айтадиган одамнинг тили аччиқроқ бўлади. Равшан ўзи ҳақ бўлса, ҳақини қўймайди. Бошқалар унинг бу феълини билганлари учун ҳам ўксишмайди. Энг муҳими, унинг кўнгли тозалигини сезишади. Каттақўрғон драма театрининг бош режиссёри Равшан Ёриевнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида театр жамоасининг қисмати ётганини билишади.

Қайси бир суҳбатимизда драматург Машраб Бобоев озғин елкаларини қисиб, қўлларини ёзиб: «Бу жуда ғалати инсон», деганди. Ҳақиқатан ҳам шундай! Р. Ёриев ғалати санъаткор. Шунинг учун бўлса керак, драматургларнимиздан қониқмай, ўзи ҳам асар ёзаверади.

Мен Р. Ёриевнинг яна кўплаб саҳна асарларини қўйишига ишонаман. Агар бугунги кун оғир шароитида каттақўрғонликларнинг кичик бахтига ҳеч ким зомин бўлмаса, бу даргоҳда улуғ ишлар қилинишига ишончим комил. 70 йилда камолга етган бу даргоҳда шундай санъаткорлар бор экан, ишонч сўнмайди.

Тоир ЮНУС

СУРАТДА: «Еттинчи жин» спектаклидан лавҳа

ТЕАТР САҲИФАСИ

ҚЎҒИРЧОҚЛАР БАЗМИ

Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси қўғирчоқ театрлари III фестивали ҳақида

Ҳозирги иқтисодий оғир шароитда санъат ва маданият олами янада мураккаб муаммоларга дучор бўлмоқда. Барча турдаги театрлар ижодий инқироз исканжасида турибди. Лекин театрлар тақдирига бевосита мутасадди ташкилотлар бу ачинарли спектаклга томошабин бўлиб туришлари инсофдан эмас. Аксинча, улар театрларни бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай инқироздан сақлаб қолишлари шарт. Бу учун саҳнанинг янги имкониятларини қидириш, ижодий ишбилармонликни жорий этиш, репертуар эркинлигини таъминлаш каби масалаларга эътибор берилмоғи зарур. Агар иш услуби эскилигича давом этаверса, театрлар буйруқбозлик асосида бошқарилаверса, ҳеч бир ижодий ўзгаришлар бўлмаслиги аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Театр арболари уюшмасининг ҳамкорликда қўғирчоқ театрлари III республика фестивалини ўтказиши ана шу инқирознинг олдини олиш йўлидаги тадбирлардан бири бўлди. 2—9 сентябр кунлари қадим Самарқандда бўлиб ўтган ушбу фестивалда республикамизнинг барча қўғирчоқ театрлари фаол қатнашдилар. Фестивал низомига кўра, сўнгги икки йил ичида яратилган спектакллар танлов дастурига киритилди. Кўрикдан ташқари, Қозоғистон Толғор шаҳар, Чимкент ҳамда Канада Марионетка қўғирчоқ театрлари ўз спектакллари билан иштирок этдилар. Келинг, яхшиси, фестивал ҳақида мутахассислар ва қатнашчилар мулоҳазаларини эшитиб кўрайлик:

Кенгесбой БЕРДИБОЕВ, Қорақалпоғистон қўғирчоқ театри директори: — Театримиз фестивалда қатнашаётган энг ёш ижодий жамоа. Унинг ташкил топганига эндигина бир йил тўлди. Биз бу ерга ўрганиш ва тажриба тўплаш учун келдик. Фестивалга драматурглар ҳам таклиф қилинса яхши бўларди. Чунки драматургиясиз театрларни ривожлантириб бўлмаслиги ҳаммамизга аён.

Шомурод ЮСУПОВ, Бухоро қўғирчоқ театри бадиий раҳбари: — Фестивал санъат учун қийин ва оғир кунларда бизларни бирлаштирди. Қўғирчоқбозларнинг қувонч-ташвишларидан хабардор этди. Энди фестивал жўғрофиясини кенгайтириб, Ўрта Осиё ёки жаҳон миқёсида ўтказиш керак. Шунда миллий қўғирчоқ театрлари ҳам жаҳон саҳнаси сари йўл олади.

Марям АШУРОВА, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институти қўғирчоқ театри актёрлиги маҳорати кафедраси мудири, доцент, фестивал ҳакамлар ҳайъати ранси: — Олдинги икки фестивал Тошкент ва Бухорода бўлиб ўтган эди. Ҳар бир фестивалнинг республика қўғирчоқ театри ривожида ўз ўрни бор. Айтиш мумкинки, фестивалларидан сўнг қўғирчоқ театрлари репертуарларида ижобий ўзгаришлар юз бераётир. Буни III фестивалга олиб келинган саҳна асарлари ҳам исботлаб турибди.



Самарқанд фестивалини мезбонлар бошлаб берди. Улар намойиш этган «Алижон сеҳргар» спектакли бирмунча қизиқарли ижроси билан томошабинларга манзур бўлди. Лекин спектаклда жиддий хатоларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, спектаклнинг муқаддимаси билан ижро жараёни узвий боғланмади. Ижобий образдаги қўғирчоқлар ўз актёрларини топмаган. Агар режиссёр Бахтиёр Нормирзаев ўз устида ва спектаклни яратишда кўпроқ ишланганда, изланганда эди, асар янада жонли чиқарди.

Республика қўғирчоқ театри ижодкорлари «Карвонсарой» ҳамда «Алибобо ва бошқалар» спектакларини намойиш этдилар. Бу саҳна асарларида фольклордан яхши фойдаланилганлигини ҳисобга олмаганда бирмунча камчиликларга йўл қўйилди. Гапнинг очиғи, барча шарт-шароитларга эга бўлган мазкур ижодий жамоа анжуманда бўш саҳна асарлари билан қатнашди. Ваҳоланки, республика қўғирчоқ театри бошқаларга ибрат бўладиган саҳна асарлари яратиши мумкин эди.

Фестивалда Қорақалпоғистон қўғирчоқ театри илк бор қатнашиб, ўз она тилларида иккита спектакл кўрсатдилар. Айрим камчиликларга қарамасдан «Арык Мерген» ҳамда «Ак текеш пенен кок текеш» спектакллари мувафқиятли саҳналаштирилган. Истагимиз: жамоа кўпроқ маҳоратли режиссёр ва рассомлар билан ишлаши керак.

Андижон қўғирчоқ театри «Оҳанрабо», «Лайлакча ва Пугало» спектакларини фестивал қатнашчилари ҳукмига ҳавола этдилар. «Оҳанрабо»да узвий боғлиқлик етишмади. Саҳна воқеалари бир-биридан ажралиб қолди. Шунга қарамасдан, қўғирчоқлар яхши тайёрланган. Спектаклда томошабинни ўзига тортиб турадиган қандайдир самимийлик бор. Фестивалда Жиззах қўғирчоқ театри «Фарҳод ва Ширин», Бухоро театри «Чодиржамол» спектакларини кўрсатиб, ижрочилар ва томошабинларни ҳайратга солди. Ҳар иккала саҳна асари ҳам юксак маҳорат билан яратилган.

Бернора ҚОРИЕВА, Ўзбекистон Театр арболари уюшмаси ранси, фестивал ташкилий қўмитаси раҳбари: — Ҳозирги шароитда фестивал ўтказиш осон эмаслиги ҳаммага маълум. Лекин болалар учун, уларнинг театрлари учун бундай анжуманлар ўтказиш жуда зарур. Болаларга бўлган меҳримизни сўзда эмас, амалда исботлайлик. Буни яхши тушунган самарқандлик раҳбарлар фестивални ўтказишда яқиндан ёрдам бердилар. Ҳамид Олимжон номидаги вилоят театри биноси қайта жиҳозланиб, қўғирчоқ театрига берилганидан жуда хурсанд бўлдик. Шунингдек, фестивалга ҳомийлик қилган Ўзбекистон ҳаво йўллари кампанияси раҳбарларига ҳам миннатдорчилик билдираман...

Ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан биринчи ўрин Жиззах қўғирчоқ театрининг «Фарҳод ва Ширин», иккинчи ўрин Бухоро қўғирчоқ театрининг «Чодиржамол» спектакларига берилди. Энг яхши ясалган қўғирчоқ мукофотига Самарқанд қўғирчоқ театри рассоми Мойра Дауренбоева «Алижон сеҳргар» спектаклидаги Ҳайдархон қўғирчоғи учун сазовор бўлди. Маҳорат билан ижро этилган эркак роли учун Самарқанд қўғирчоқ театри актёри Баҳром Раҳимов, аёл роли учун Жиззах қўғирчоқ театри актрисаси Гулшод Олимова махсус мукофот билан тақдирландилар.

Фестивал ишида Самарқанд вилоят ҳокими муовини А. Худойқулов, шаҳар ҳокими А. Носиров, маданият бошқармаси бошлиғи Ғ. Ашуров қатнашдилар. Навбатдаги фестивал Андижонда ўтади. Демак, қўғирчоқлар базми давом этади.

Суратларни К. РОМЕЕВ олган

Улар ўзбек қўғирчоқ театр санъати келажаги зўр бўлишини исботлаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, фестивал ютуқлар билан бирга камчиликлар борлигини ҳам кўрсатди. Ҳали қўғирчоқ театрлари учун махсус режиссёрлар, рассомлар, актёрлар етарли эмаслиги аён бўлди.

А. ЖУРАЕВ,
махсус мухбиримиз

янги томоша

«ХЎЖА НАСРИДДИН»

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида драматург Умид Сатторовнинг «Хўжа Насриддин» афсонаси саҳналаштирилди. Асарни Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Баҳоев саҳнага олиб чиқди. Рассом Ўзбекистон халқ рассоми Борис Ким.

Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етакчи актёрларидан З. Каримов, Ш. Йўллиев, И. Жумаев, Р. Шукуров, Н. Мўминова, З. Эргашева, Й. Генжаев, Ф. Абдуллаев, С. Атоев, Б. Баҳоев, С. Наимов, Б. Қодиров, Б. Болтабоев ва бошқалар маҳорат билан ижро этмоқдалар.

Буюк донишманд Насриддин Афандининг донолиги ва ҳозиржавоблигига бағишланган ушбу саҳна асари 20 кундан буён бухоролик томошабинларни зериктиргани йўқ.

ТЕЛЕМАРАФОНГА МАРҲАМАТ!

Миллий мусиқамиз айни шу кунларда мураккаб вазиятларни бошидан кечирмоқда. Концертларга кирадиган томошабинлар сони кундан кунга камайиб бормоқда. Композиторлар ва бастакорлар яратаётган янги асарлар ҳамон ўз тингловчиларини топиш йўлида чигал муаммоларга дуч келмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Композиторлари ва Бастакорлари уюшмаси «МИЛЛИЙ МУСИҚА ВА МАДАНИЯТИМИЗ РАВНАҚИ УЧУН» деб номланган хайрия телемарафонини ўтказишга қарор қилди. Телемарафон шу йил 21 ноябрда бўлиб ўтади. Ўйлаймизки, миллий мусиқа мухлислари бу хайрияга ўз улушларини қўшадилар.

ОҒА ХОН МУКОФОТИ

ЭРТАГА ҚАДИМ САМАРҚАНДНИНГ РЕГИСТОН МАЙДОНИДА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ОҒА ХОН МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ҳар уч йилда бир марта бериладиган бу нуфузли мукофот сўнгги марта 1989 йили Қоҳирада топширилган эди. Унда биринчи марта республикамиз вакиллари ҳам иштирок этишган ва навбатдаги ғолибларни шарафлаш маросимини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини киритган эдилар. Оға Хон мукофоти қўмитаси бу таклифни мамнуният билан қабул қилди. Эртага бўладиган тантанали маросимда қатнашиш учун Самарқандга жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан меҳмонлар келишди. Шаҳар ва вилоят ҳокимликлари билдирилган бу ишончга жавобан катта тайёргарлик ишларини олиб бордилар.

Оға Хон жамғармаси 1976 йилда ташкил топган бўлиб, у диний эътиқод билангина чегараланмаган, ўз олдига одамийлик фазилатларини тарғиб қилиш асосида инсон фаровонлигини юксалтиришдек буюк мақсадни вазифа қилиб қўйган ташкилотдир. Жамғарма ўз фаолиятини асосан Осиё ва Африканинг иқтисодий муҳтож мамлакатларида олиб боради. Жамғарма қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган, АҚШ, Канада, Португалия, Буюк Британия, Кения, Бангладеш, Покистон ва Ҳиндистонда бўлимлари, филиаллари мавжуд бўлиб, улар орқали миллий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, учинчи дунё мамлакатларида ўз дастурларини амалга ошириш учун имкониятларни йўлга қўяди. Жамғарма Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури, Дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро тараққиёт бўйича Канада агентлиги, Болаларга ёрдам халқаро жамғармаси, Дунё озиқ-овқат дастури каби 30 дан ортиқ нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Жамғарма ишлаб чиққан йирик лойиҳалардан бири бу Карачидаги Оға Хон номи билан аталувчи халқаро дорилфунундир. Унинг тиббиёт факультети тиббиёт мактаби ва ҳамширалар тайёрловчи ўқув юрти билан биргаликда 34 гектарга яқин майдонни эгаллаган. 650 ўринга мўлжалланган дорилфунун шифохонаси бўлажак врач ва ҳамширалар учун ўз билимларини амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Оға Хон ўз фаолиятида миллий-маданий қадриятларни ривожлантиришга, маданий ва меъморчилик лойиҳаларига алоҳида эътибор билан қарайди. Бу йўналишда алоҳида жамғарма ҳам ташкил этилган бўлиб, у «Оға Хон маданият жамғармаси» деб номланади. Маданият жамғармасининг асосий мақсади — Осиё ва Африкадаги кўплаб мамлакатлар халқларининг жуғрофий, маданий ва интеллектуал даражаларини яхшилаш, ислом маданиятини чуқурроқ англаб етишга хизмат қиладиган лойиҳалар, тадқиқотлар ва бошқа илмий-ижодий ишларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Маданият жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — бу Оға Хон архитектура мукофотидир. Мукофотдан кўзда тутилган мақсад меъморчилик маҳоратини янада такомиллаштиришдан иборат. Айни пайтда бу мукофот меъморчиликка йўлдош бўлган бошқа бир қатор касб эгаларини ҳам рағбатлантиришга, XX аср моҳиятига мослашаётган Ислом маданиятининг ҳаётийлигини тиклашга ҳам хизмат қилади. Ҳажми 500 минг доллор бўлган, ҳар уч йилда энг яхши меъморлик лойиҳаларига берилувчи бу мукофот дунёнинг архитектура соҳасидаги йирик мукофоти ҳисобланади.

Оға Хон 1960-1970 йиллари ривожланаётган кўплаб мамлакатлардаги қурилишларда шахсан иштирок этган, бу ердаги қурилишларда мусулмон мамлакатларининг тарихий анъаналари бузилаётганлигининг гувоҳи бўлган. Шу сабабдан ҳам Оға Хон мусулмон тарихи ва архитектурасининг ноёб анъана ва меросларини сақлаб қолиш, уларни ҳозирги замон шароитлари асосида янада такомиллаштириш мақсадларида ўзининг халқаро мукофотини таъсис этди. Мукофот ҳайъати турли хил бинолар қурилиши, тарихий обидаларни таъмирлаш, шаҳар атрофларини ободонлаштириш, атроф-муҳитни сақлаш каби масалалар билан жиддий шуғулланади. Мукофотга тақдим этилган лойиҳалар ҳайъат томонидан босқичма-босқич ўрганиб чиқилади ва ғолиблар якунловчи хулосага асосан тақдирланадилар. Мукофот таъсис этилгандан бери фақат икки мартагина ғолибларга жамғарма раисининг шахсий мукофолари ҳам берилди. Бунда таниқли мусулмон архитекторлари Рифат Чатержи ва марҳум Ҳасан Фатхининг архитектура соҳасидаги буюк ютуқлари алоҳида тақдирланди.

Оға Хон номи билан аталувчи дастурлар ичида тарихий аҳамиятга молик шаҳарларни сақлаш ва таъмирлаш дастури алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу дастур маданият жамғармасининг энг самаралли ишларидан бири ҳисобланади. Дастур энг аввало Ислом маданиятининг кўҳна обидалари жойлашган тарихий шаҳарлардаги ноёб бинолар ва майдонларни ўз ҳолича сақлаш, уларни таъмирлаш мақсадида юзага келган. Бу дастур томонидан амалга оширилган илк лойиҳа Испания Гренадасидаги эски араб қўрғонида жойлашган XIV асрга молик Завра ҳовузидир. Ҳозир бу ерда Гренада тарихини ўрганувчи марказ ишламоқда. Тарихий аҳамиятга молик шаҳарларни сақлаш дастури айни кунларда Замзибардаги эски тош шаҳрини, шимолий Покистондаги Каримобод, Қоҳира ва Марокашдаги тарихий обидаларни таъмирлаш лойиҳалари устида иш олиб бормоқда.

Эртага Регистон майдонида танлов ҳайъати Балкришна Доши (Ҳиндистон), Френк Гери, Рената Холод, Азим Нандиси (АҚШ), Фумихико Таки (Япония), Али Шуайби (Саудия Арабистони), Доган Текели (Туркия), Саид Зулфиқор (ЮНЕСКО, Париж) ва Алхи Мерсид (Индонезия) томонидан ғолиб деб топилган 9 та лойиҳа муаллифларига мукофотлар тантанали равишда топширилади.

М АХМЕДОВ

САЪДИХОН ТАБИБУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси театр санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотларининг совриндори, самимий инсон ва улкан санъаткор Саъдихон Табибуллаев 86 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

С. Табибуллаев 1906 йилда Бухоро шаҳрида тавваллуд топган. Муаллимлар техникумида ўқиб юрган чоғларида драма тўгарагида санъат йўлини бошлаган. 1924 йили бир гуруҳ ёш истеъдодлар қаторида С. Табибуллаевни ҳам Москвага ўқишга юборишади. 1927 йилда Москва театр студиясини битириб келгач Давлат драма театрида иш бошлайди.

Саъдихон Табибуллаев Ўзбекистонда театр санъати тамал тошини қўйган фидойи санъаткорлардан бири эди. Умрининг сўнгги кунларигача у учун ниҳоятда қадрдон бўлиб қолган саҳнани тарк этмади. Катта маҳорат ва юксак истеъдод билан ижод қилди. С. Табибуллаев яратган образлар ўзбек театр санъати хазинасининг ноёб дурдоналарига айланиб кетганлиги халқимизга маълум. Айни пайтда устоз санъаткор кўплаб истеъдодли шогирдлар ҳам етиштирди.

С. Табибуллаев яратган «Алишер Навоий»даги Мансур, «Парвоз»даги Тошпўлат, «Тобутдан товуш»даги Суқсуров, «Қутлуғ қон»даги Мирзакаримбой, «Номус ва муҳаббат»даги Яхшибой, «Тарих тилга кирди»даги Бадриддин Афанди, «Қирол Лир»даги Масхарабоз каби ўнлаб образлар театр мухлислари тилида ва дилидадир.

С. Табибуллаев Алишер Навоий спектаклидаги Мансур роли учун 1948 йили Давлат мукофотига сазовор бўлган. 1949 йили унга «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилган. 1967 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Камтарин инсон, бетакрор санъаткор Саъдихон Табибуллаев хотираси умрбод қалбларимизда сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

ВОДИЙ КУЙЧИСИ

«Олимжон Холдорни кўплар олтин водий куйчиси, дейишади, мен эса уни Андижоннинг эрка ўғли, бетакрор шоири дегим келади...».

Меҳнат қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил Яшин анча йил муқаддам ёзган бир мақоласида шоир, драматург ва журналист Олимжон Холдор ҳақида ана шундай илиқ сатрларни битган эди. Устоз адибнинг бу сўзлари ижодкорнинг 60 йиллик тўйи чоғида яна бир карра ўз исботини топди. Андижонликлар ўз эрка ўғилларининг юбилейига пухта тайёргарлик кўрдилар. Уч ой давомида вилоятнинг кўплаб туман ва қишлоқларида адиб билан учрашувлар ўтказилди. «Андижон» нашриёти унинг «Кўнгил» насрий қиссасини ҳамда «Водий куйчиси» номли тўёна китобчани босмадан чиқарди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат матбаа бирлашмаси эса «Кўз тегмасин» тўпламини нашр этди. Бундан ташқари Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театри «Қотил ким?», Аббос Бакиров номидаги Андижон шаҳар ёшлар драма театри «Севги афсонаси» асарини саҳналаштирди...

Ўтган жума куни адиб тўйи вилоят миқёсида кенг нишонланди. Юбилей тантаналари эрталаб ёшлар театри тайёрлаган «Севги афсонаси» мусиқий драмасининг кўрик-намойиши билан бошланди. Тушдан сўнг вилоят театри биносида шоир фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби шоир Қамчибек Кенжа очди. Вилоят ҳокими Қаюм Холмирзаев Олимжон Холдор асарларининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий аҳамияти ҳақида тўхталди. У кўп йиллик халол меҳнати, ўзбек санъати ва адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат ишларида фаол қатнашганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан яқинда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига сазовор бўлганини айтиб, унга ушбу мукофотни ҳамда вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғини топширди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, ижодкорлардан Ҳабиб Саъдулла, Тўлан Низом, Фарид Усмон, Абдумутал Абдуллаев, Умида Йўлчиева, «Намуна» савдо-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Зокиржон Иброҳимов, Андижон шаҳар ҳокимининг муовини Муаззам Шамсибоева, вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи Ўктамжон Ҳайдаров, «Андижонбанк» бошлиғи Икром Иброҳимов, вилоят фахрийлар кенгашининг раиси Турсуной Каримова ва бошқалар шоирнинг ижоди, меҳнат фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида гапирдилар. Таниқли санъаткорлар Ўринбой Нуралиев, Маърифат Убайдуллаева, Мавлуда Бойматова, истеъдодли хонандалар Авазбек Маҳмудов, Ҳомидхон Алихўжаевлар Олимжон Холдор қаламига мансуб қўшиқлардан ижро этдилар. Кечада шоирнинг драматик асарларидан парчалар ҳам намойиш қилинди.

А. ҲАЙДАРОВ

Доимий ҳамроҳ

ШАЖАРАИ САОДАТ

Юртимиз тарихини, ота-боболаримиз шажарасини қанчалик яхши билсак, ўзлигимизни шунчалик чуқурроқ англаб етамиз, жумҳуриятимизда эндигина қад ростлаётган мустақиллик моҳиятини теранроқ ҳис этамиз.

Зотан, туркий оламнинг машҳур шоири, тарихда Ҳазрат Султон, Пири Туркистон деб донг таратган валий алломалардан бири Хожа Аҳмад Яссавийнинг бой маданий мероси ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар туфайли яна маънавий мулкимизга айланди, пок ахлоқли инсон тарбияси йўлида хизмат қила бошлади.

Ҳазрат Султоннинг 1990 йилда Тошкентда нашр этилган «Ҳикматлар» китоби ёнидан яна бир ноёб асар жой олди. Бу яссавийшунос Мираҳмад Мирхолдор ўғлининг шу йил Чимкент шаҳрида босмадан чиққан «Хожа Аҳмад Яссавий. Шажараи саодат, кароматлари, ҳикматлари» рисоласидир.

Сайрамлик Саидикром Саидакбаров иморати бўғотидан топилган, 6 метр узунликда ва 20—25 сантиметр кенгликдаги Хитой қоғозига битилган «Шажараи саодат»да Аҳмад Яссавий ота-боболари ва ўзидан кейинги авлод-аждодлари кўрсатилган. Рисоладан улуғ алломанинг падари бузруквори Шайх Иброҳим ота, волидаи муҳтарамалари Қорасоч она ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Рисолани ўқиган китобхонлар Аҳмад Яссавийнинг валийлик фазилатлари, кароматларидан ҳам хабардор бўладилар.

«ҚИРҚ ҲАДИС»

Маълумки, ислом оламининг руҳи, ислом дунёсидаги ахлоқий фазилатлар мажмуаси бўлмиш ҳадислар неча-неча авлодларни тарбиялаб, маънавий камолот йўлида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаб келди. Дарҳақиқат, буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам ҳадисларга фалсафий тафаккур ҳодисаси сифатида қараганлар.

Навоийнинг то сўнгги йилларгача кенг халқ оммасига маълум бўлмаган «Арбаъийн» — «Чиҳил ҳадис» ва «Қирқ ҳадис» деб атаб келинган китоби Абдураҳмон Жомийнинг шу номдаги асарининг туркий таржимасидир. Жомий солиҳона ҳаёт учун зарур қирқ ҳадиси набавийни тушуниш ва ёдлаш осон бўлсин учун форсчага назм йўли билан таржима қилган ва асли билан биргаликда китобча ҳолига келтирган. Навоийга бу китобча маъқул бўлиб, Жомийнинг рухсати билан уни туркийлаштирган.

Халқ аро яхшироқ
дединг кимдур,
Эшитиб, шубҳа айла
рафъ андин.
Яхшироқ бил ани
улус ароким,
Кўпрак ўлғай улуса
нафъ андин.

Инсонни улуғловчи, ҳидоят сари чорловчи шундай мазмундаги 40 рубоийдан иборат мўъжаз асар «Арбаъийн» «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг сармояси ва саъй ҳаракати туфайли ўқувчилар қўлига етиб борадиган бўлди.

Асарга Асрор Самад сўзбоши ёзган. «Мерос» нашриёти 100 минг нусхада чоп этган.

«ОСИЁ ВА БОЗОР»

Жумҳуриятимизда бозор иқтисодиётига ўтилиши уни жорий этиш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ўртага ташламоқда. Бизни янги ҳодиса сифатида чуқур ўйлантириб қўяётган бозор иқтисодиёти ростдан ҳам «очилмаган қўриқ»ми! Инсоният маданий тараққиётининг энг ажиб маҳсули бўлган бу ижтимоий муносабат маркази аслида Осиё қитъаси эканлигига етарли ашёвий ва илмий асослар мавжуд бўлган ҳолда, нега у биз учун босиб ўтилмаган йўлдек қийин туюляпти! Буюк ипак йўли ва унинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги хизмати нималардан иборат! Бозор анъаналарини тиклаш ва замонавий бозор механизмини шакллантириш учун нима қилмоқ керак!



Таниқли олим, иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев «Фан» нашриётида чоп этилган «Осиё ва бозор» монографиясида ана шундай муаммолар ҳақида фикр юритади. Китоб Ўзбекистонда бозор муносабатларини қайта тиклашнинг дастлабки натижалари ва сабоқлари, мустақил ўзбек давлати иқтисодиётини жаҳон хўжалиги, халқаро бозор билан боғлашга оид илк илмий тадқиқотлардан биридир.

Монография кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«АЛПОМИШ» СПОРТ САРОЙИДА

Тошкентликларнинг илтимос ва талабларига биноан

АНАТОЛИЙ КАШПИРОВСКИЙ

ўзининг даволаш машқларини ўтказади.

Машқлар 6—9 октябрда соат 15 ва 18 да, 10—11 октябрда соат 12, 15, 18 да бошланади.

Билетлар сарой кассаларида ва метро бекатларида сотилади.

ЎЗАС ахбороти

ШИФОКОРЛАР АНЖУМАНИ

Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари тиббиёт олимларининг биринчи ассамблеяси иш бошлади. Анжуманда тиб илми соҳасида минтақада ўрганилиши лозим бўлган асосий муаммолар хусусида маслаҳатлашиб олинади.

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

Таниқли хонанда — Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ҳамда Туркманистон халқ артисти Отажон Худойшукуров яқинда Туркияда бўлиб қардошларимизга ўз санъатини намойиш этган эди. Ижодий сафардан сўнг у Урганчдаги «Олимпиа» ўйингоҳида ҳисобот концерти берди.

ДОРИ-ДАРМОНЛАР КОРХОНАСИ

Бухорода «Гуфик — Абу Али ибн Сино» деб номланган корхона қурилиши бошлаб юборилди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон томонидан барпо этилаётган бу қўшма корхонада келгуси йилдан бошлаб 22 турдаги дори-дармонларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

●

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд бўлими ва вилоят «Китобхон» ташкилоти ҳамкорлигида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган назм ва наво кечаси ўтказилди.

Адабий кечада институт ректори, профессор Л. Абдукаримов, Самарқанд давлат дорулфунуни профессори Р. Орзибек, шоира Б. Туробова, филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳасанова ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими масъул котиби О. Асадова ва бошқалар Нодирабегим ижоди ҳақида сўзладилар.

Кеча сўнгида институт талабалари Нодирабегим ғазалларидан намуналар ўқишди.

●

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунуни ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими ҳамкорлигида халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғли таваллудининг 120 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни таниқли мунаққид, профессор Н. Шукуров кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Самарқанд давлат дорилфунуни профессори С. Мирзаев, филология фанлари доктори Ш. Холматов ва Нарпай райони ҳокимининг ўринбосари Ш. Самадов сўзга чиқиб, Ислом шоир Назар ўғли ижоди ҳақида гапирдилар. Шоир таваллудининг 120 йиллигини нишонлашга тайёргарлик бўйича ахборотлар тингланди.

Анжуман сўнгида бахшининг ўғли Зиёдилла бахши отасининг достон ва термаларидан парчалар ижро этди.

Д. БЕРДИҚУЛОВА

АНЖУМАНГА МАРҲАБО!

21 сентябр куни соат 18.00 да Алишер Навоий номидаги театр биносида атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 85 йиллигига бағишланган адабий анжуман ўтказилади. Анжуманда таниқли шоир ва адиблар, машҳур санъаткорлар, сўз усталари қатнашадилар.

Шу куни соат 14.00 да Ўзбекистон Адиблари Иттифоқи жойлашган бинодан (Абдулла Қодирий кўчаси, 13) Чиғатой мозорига — адиб хоки зиёратига борилади. Соат 16.00 да эса Абдулла Қаҳҳор уй-музейининг очилиш маросими бўлади. (Герман Лопатин кўчаси, 26-уй).

ТАШКИЛИЙ ҲАЙЪАТ

«ЎЛИМДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ»

Доктор Моудининг ушбу китоби XX аср кишиларига насиб этган ва шу асрнинг буюк кашфиётларидан биридир. Унда нариги дунёдаги ҳаётнинг сиру синоатлари очиқ-ойдин, барчага тушунарли ва ишонарли тарзда ёритилган. Бу ҳақда у дунёга «бориб келган», яъни Аллоҳ ожиз руҳларига марҳамат қилган одамлар ўз оғизларидан сўзлайдилар.

Инглиз олими Раймонд Моуди илм-фанда эришилган энг сўнгги ютуқларга таяниб, жуда қадимги манбаларни, диний таълимотларни назарда тутиб, инсоннинг ўлимдан кейинги ҳаётини тадқиқ этишга уринган.

Бу ёруғ оламга келиб-кетишимизнинг сири нимада? Кетганлар қайга равона бўлишди? Наҳот улардан абадул-абад бирор-бир сас, дарак бўлмаса? Ахир, инсон умри шунчалар омонатми, шу қадар бебақоми, ўлдинг-ўчдинг деганларидек, дорилбақога рихлат этмоқ билан ҳамма-ҳаммасига сўнгги нуқта қўйиладими?



Энг буюк сир — ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги ушбу китобни ўқиб барча саволларингизга жавоб олишингиз мумкин.

Тўплам «Спитамен» жамияти буюртмаси асосида «Меҳнат» нашриёти қошидаги техник воситалар ёрдамида чоп этилган.

Асарни Аҳмад Отабоев ва Мансур Тенглашев ўзбекчага ўгиришган. Муҳаррир — И. Жўраев, С. Санақулов. Баҳоси шартнома асосида.

МУҲАРРИРГА мактублар

ЁРДАМ СЎРАЙМАН

Сизга мактуб йўллашдан мақсадим, ўз ҳақ-ҳуқуқимни тиклашда, ҳақиқат қарор топишида ёрдам беришингизни илтимос қиламан. Мен бормаган ташкилот, эшигини қоқмаган идора қолмади. Ўзим Абдуллажон Худойберганов номидаги жамоа хўжалигининг машинатрактор паркида ишлайман. 1991 йилда ҳарбий хизматни тугатиб, она юртимга қайтгач, шу паркка ишга кирган эдим. Ишлаганимга кўп вақт бўлмай, айрим кўнгилсизликлар юз берди. Эндигина техника сирларини пухта ўзлаштириб, ишлаётган эдим. Лекин бу ерда кўп ишлаш насиб қилмаган экан. Ҳеч қандай сабабсиз, асоссиз равишда ишдан ҳайдашди. Ўзим ҳам тушунмай қолдим. Ишдан четлаштирилганимнинг сабабини сўрай деб гараж мудири Ж. Акбаровга учрашдим. У киши негадир қўпол муомала қилиб, яхши гаплашмади.

Ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, қонунга хилоф равишда ишдан олиш мумкинми? Нега шундай бўлди? Очиғини айтиш керак, кейинги пайтларда паркимиз раҳбарлари томонидан меҳнат қонунлари тез-тез бузилмоқда. Табиийки, бундан ишчилар ранжишяпти. Парк раҳбарларида масъулият бўшашиб кетгани сезилмоқда.

Ҳурматли муҳарририят! Мен ишдан кетганим учунгина бу кам-кўстларни айтаётганим йўқ. Азбаройи иш жойимни яхши кўрганимдан айтяпман. Ўз ҳақ-ҳуқуқимни тикланишига ёрдам беринг, ўз касбимда, ўзим ўрганган одамлар орасида ишлашни истайман.

Абдужаббор МАҲКАМОВ,
Наманган вилояти, Поп ноҳияси.

ЯНГИ НАШР

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

Яқингинада ғаройиб дунё сиру синоатларидан, коинот гултожи бўлмиш одамзоднинг беқиёс, бой ботиний имкониятларидан ҳикоя қилувчи нашр — «Сирли олам» журнали ҳаётимизга кириб келганида руҳий оламимизда ажиб бир ўзгаришлар туйғон, журналнинг ҳар янги сонини иштиёқ билан кутишга одатланган эдик.

«Сирли олам»чилар яна бир эзгу ишга бош қўшдилар. Журналга илова тарзида илми ғайб, тасаввуф, НУЖлар, бебош руҳлар, ўта ҳиссий шуур ғаройиботларидан баҳс юритувчи «Қалб кўзи» газетаси босмадан чиқди. Иловаларнинг «Қалб кўзи» деб аталиши бежиз эмас. Унга улуғ шоир Жалолиддин Румийнинг «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил» сатри бошсўз қилиб олинган. Дарвоқе, сир-синоатга тўла ҳадсиз-ҳудудсиз Коинотдан тортиб энг кичик заррагача жами хилқатлар Инсон қалби кўзгусида истеъфода қилинади, унинг зоҳирий ва ботиний нигоҳи остида маъно ва мазмун касб этади.

«Сирли олам» журнали бош муҳаррири Ҳожиакбар Шайхов «Дунёни англаш йўлида» сарлавҳали бош мақолада илова ҳам худди журнал каби юксак маданий ва маънавий камолот учун хизмат қилишини алоҳида таъкидлайди.

«Қалб кўзи» саҳифаларидан Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг авлиёлар султони Ҳазрати Гилоний ҳаётидан ҳикоя қилувчи ривоятлари, Нострадамус ҳақида ёзилган «Гўрида тик турган даҳо», «Қизилқумда НУЖ ҳалокати» каби қизиқарли мақолалар, хитойлик буюк донишманд Конфуций ҳикматлари, Азиз Абдураззоқнинг «Ибратли ҳикоятлар ва ривоятлар» туркуми, Сулаймон Раҳмоннинг шеърлари ўрин олган.

«Қалб кўзи» ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида чоп этилади.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР ҚАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
КАФЕДРА МУДИРИ (фан номзоди, доцент ва шу соҳада ишлаган тажрибали мутахассис).
Профессор — фалсафа доктори — 1.
Доцент — маданий-маърифий ишлар, фан номзоди — 1
Катта ўқитувчи — маданий-маърифий ишлар — 2

САНЪАТ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
Доцент — ўзбек халқ чолғу асбоблари — 1
Катта ўқитувчи — театршунос, фан номзоди — 1

КУТУБХОНАШУНОСЛИК ВА БИБЛИОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
Кафедра мудири (фан номзоди, доцент)
Доцент — кутубхонашунослик ва библиография, фан номзоди — 1
электрон ҳисоблаш машиналари, фан номзоди — 1

Конкурсда ўзбек тилини мукаммал биладиган, ўқитувчилик иш тажрибасига эга бўлган олимлар ва соҳанинг тажрибали мутахассислари қатнашишлари мумкин.

ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИ КАДРЛАР БЎЛИМИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ:

кадрлар ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 2 та 6×9 фотосурат, таржимаи ҳол, олий ўқув юртини тугатганлиги, илмий даража, илмий унвон берилганлиги тўғрисида дипломларнинг нусхалари, меҳнат жамоаси ёхуд бошқа идора, ташкилот томонидан номзодликка тавсия этилганлиги тўғрисидаги йиғин баёни.

Муддат — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: 700000, Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 3-уй.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотларининг совриндори

Саъдихон ТАБИБУЛЛАЕВ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи жамоатчилиги музейнинг собиқ илмий ходими, фолькларшунос олим

Сиддиқ АСҚАРОВ

вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

Ер тарвузнининг устида кулгисининг сўрти ва сифати билан ўзгалардан ажралиб турадиган халқлар ҳам мавжуд. Хўш-ш, дея бармоқ букеангиз Булғорияда габроволиклар, Британ сарҳадида шотландлар, Эрон заминида исфаҳонликлар, Ҳиндистон ярим оролида ҳайдарободликлар ва ҳоказо... Табиатнинг тантилигини қаранг, бу ҳикматдан ўзбеклар ҳам бенасиб қолмаган экан. Айтайлик, Бухорода ширинликлар, Фарғонада олтмариқликлар, Қорақалпоқда лаққиклар, Хоразмда хонқаликлар, Қашқа воҳасида эса... шу нуқтага келганда «наҳотки!!» дея манглай тириштирувчилар топилиши туфайли, келинг бу тўғрида батафсил маълумот берайлик.

...Қашқа воҳасининг чап чекасида, йўғ-е, тўғрисини айтганда ўнг ўмровида етти иқлимга машҳур Чиял бозори мавжуд.

Чиялнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — бу жойда савдо саҳарда бошланиб, чошгоҳга қолмасдан тақа-тақ тўхтайди. Бозор пештахталарини безайдиган аксарият анвои молларни кундузи зўқойнак тақиб, тунда чироқ кўтариб ҳам ҳуқумат дўконларидан тополмайсиз. Сабаби, жумҳурият чегаралари «через Москов» бўлган ўша кезлардаёқ чиялликлар «мустақиллик»ни тўла ҳис қилган ҳолда буёғи Чин-Мочин, буёғи Эрон-Турк мамлакатлари билан боғланган «савдо йўллар»и (ер остиданми ёҳуд ер устиданми, бунисиёлғиз уларнинг ўзларига маълум) қурган эканлар. Чиялликлар «бозор иқтисодиёт»га ҳам ўша кезлардаёқ ўтиб олганликлари боис бу манзилгоҳда савдо-сотиқ муомалангизга қараб амалга оширилади.

Хуллас, ана шу Чиял бозори теграсидаги чек-поёни йўқ дашту-далалар Кўкдала замини тасарруфига киради. Кўкдалаликларда аския айтиш урф саналмаса-да, аммо, улар Чиял бозорида тез-тез йиғилишиб кўздан ёш оқиздирувчи кулгили ҳангомаларни ҳикоят қилишга мойилдирлар. Бирозгина жайдари, бирозгина қув, бирозгина анойи ва бирозгина қўрс бўлган кўкдалаликлар етти қаватли қилиб оҳангжамоли тарзда сўкишишганда халқ оғзаки ижодидан жуда унумли фойдаланадиларки, хуллас, ё мазза қиласиз, ёҳуд изза...

Кулгини хуш кўришлари орқасида кўкдалаликлар яқинда ўз диёрларида «Кўкдала кулгиси» кўргазмасини ташкил қилдилар. Қуйидагилар эса ўша кўргазма кунларида кулги пештахталарига чиқарилган неъматлардан намуналардир.

Рассом М. ЭШОНҚУЛОВ

Муҳаммад ОЧИЛ

Кўкдала каҳ-каҳаси

«СИЗ-ШОИРСИЗ!..»

Кўкдалаликлар кулгини қай даражада кўнгилга яқин олсалар, ноҳақликка дуч келишганда ҳам шу даражада бешафқатдирлар. Бундай кезларда олдин яхшилаб сўкиб оладилар-да, сўнг қўлларига қалам-қоғоз олиб «Муштум»дан то «Қармоқ»қача қоралаб арзнома ёзишга киришадилар. Кўкдала туман бўлган кезларда «арз» ва «нома»лар шу даражада кўпайиб кетдики, маҳаллий раҳбарлар шикоятчиларнинг «шохи»ни қайириш учунми ёҳуд шунчаки аламлари келганданми уларга «ёзғувчи» (бўлмагур гапларни қораловчилар маъносида) деган лақабни тиркашга уринганлар. Ана шундай бир кезда туманга «Муштумчи» — ёзувчи Саид Аҳмад ташриф буюради. Саид Аҳмаднинг номини эшитиб учрашув ўтадиган клубга кўп одам тўпланади, аксариятининг қўлларида «Муштумчи»нинг шахсан ўзига топшириш учун «шикоят хат»лари...

Туман фирқа қўмитаси мафкура котиби кечани очиб «меҳмон»ни йиғилганларга таништиради.

— Мана, ўртоқ меҳнаткашлар, бугун сизлар билан учрашувга Тошкандан ҳурматли ва азиз шоиримиз...

Саид Аҳмад домла ҳижолат тортганча котибнинг енгидан тортди:

— Секретар ука! Мен шоир эмас, ёзувчи...

Фирқа котиби эътибор бермасдан сўзида давом этибди.

— Шундай қилиб сизлар билан учрашишга машҳур шоир...

Саид Аҳмад бу сафар котибнинг енгидан қаттиқроқ тортади.

—Ҳў, бола! Шарманда қилдинг-ку, мен шоир эмас, ахир, ёзувчи...

Котиб енгини илкис тортиб олиб домлага дўқ урибди:

— Жим ўтиринг-э! Сиз шоирсиз... Тушундингизми? Ёзувчилар ана... пастда ўтиришибди!

ПИШИБ ҚОБСАН!

Кўкдалаликлар гапу-ғаштакларда, тўй-ҳашамларда ўтрик сўзлаб ўзгаларни қойил қолдиришга ҳам анча устаси фаранг. Ўтрикчилар ўзларидаги бу ноёб ҳислатни болаларга ҳам юқтиришга уринишади. Шу боисдан Нормурод ўтрикчи саккиз яшар сурпақоқдиси Жовлини синовдан ўтказиш мақсадида Мойлижар томонга олиб чиқибди.

— Улим, ҳов, ана жаққа қара, — дебди сўнг икки қир наридаги ялангликда қорайиб турган дарахтга ишора қилиб. — Ҳов, анови... Қайрағочни тагида хаёл суриб ўтирган жумронқозиқни кўраябсанми?

— Қайси? — дебди Жовли бурнини тортганча қўлини пешонасига соябон қилиб. — Анови жоввайи арпани судраб бораятқан қумурсқанинг ўнг томонидагисими?

— Ў-ў! — дебди Нормурод ўтрикчи белбоғини ечиб ўғлига боғларкан. — Пишиб қобсан-ку... Бўпти, энди сен ҳам даврага от қўявер!

ЖИГИТ ХОР БЎЛДИ-КУ!

Кўкдаланинг ён-теграсида содда одамларни «Зираклар» деб аташади. Мойлибой ҳам ана шу тоифадаги йигитлардан чиқиб қолди. Ўзи совхозда шофёр. Бу касбнинг бошини тутганига ўн йилга яқинлашиб қолган бўлса, шу вақт орасида Мойлибой рулини ушламаган «техника» қолмади ҳисоб. Вақти келганда дизелда ер ағдарди, комбайнда буғдой ўрди, бортовой мошинда шағал-қумга қўшиб одам ҳам ташиди, яқиндан бошлаб эса «Бензовоз» ҳайдашга ўтди. Мойлибойнинг толеига сўнгги кезларда ёнилғи масаласи ҳам «чатоқлашиб» қолди. Илгарилари қум-шағал юкласа бир-икки ҳовуч дегандай, одам ташиганда эса «киракашлиги»га уч-тўрт сўм тушиб турарди. Энди бензинни қулоғингга ўлчаб беришгач... Ойлигига эса Чиял бозорида битта моча эшак ҳам олиб бўлмайди. Бу туришда...

Мойлибой туман марказидан ана шундай оғир ўйлар қуршовида эскигина «Бензовоз»ни тириллатиб қайтаркан, нохосдан мотори бир-икки йўталди-ю, сўнг биратўла ўчиб қўя қолди.

— Ҳе, энағар! — сўкинди Мойлибой овозини чиқариб. — Мойи тугади-ёв! Ҳозир шопир халқидан пул сўрасанг берар, лекин бензин десанг лабига тошма тошиб...

Мойлибой ярим қулочлик шланг билан пачоққина пақирни олиб йўл чеккасида ғоз қотганча ҳай-ҳалаб қўл силкитишга тутинди. Уч соат давомида учта шофёр тўхтатди-ю, аммо улардан ҳам «ортиқча мой» топилмади. Мойлибойнинг хўрлиги келди. Машина кабинасига кириб ҳиқиллаганча ухлашга тутинди ва қаял ўтмасдан хуррак ота бошлади... Қанча ухлаганини билмайди. Кимнингдир силкилашидан илкис кўз очди. Қараса тепасида директорнинг шопири турибди.

— Тур-э, уккағар! Нима буйтиб жотибсан? Ё, қонни поннинг оғриб қолдими? Директор бова анажакда сенга илҳақ бўп...

Мойлибой йиғламоқдан бери бўлиб арз қилишга тутинди.

— Кечадан бери туз тотган бўлсам қонним оғрийди-да! Жигит бўлмай ўлай, тозаям хор бўлдим-ку, бўла! Бензиним тугаб, эртаминандан буёғига шуйтиб ўтирибмиз-да!

— Ҳе, муннай дегин! — директорнинг шопири ачиниб яқ силкиди, сўнг бирдан ҳушёр тортди. — Шошма, сен ўзи райондан нима обкелаяпсан?

— А-ах! — Мойлибой қўл силкиди. — Нима бўларди, бензин-да!

— Ҳў-ў, зирак!...

ДОҲИЙНИНГ ҚАРИНДОШИ

Кўкдала туман бўлган кезлар. «Номзодларни КПСС аъзолигига қабул қилиш борасида» бюро кетарди. Котиба қиз коридорда тўпланиб турганларга қарата «эълон»ни ўқибди.

— Механизатор Мейлитошев Мавлон... Киринг! Тайёрлансин, сувчи Бобораҳимов Нортож...

Мавлон механизатор юраги ҳапқирганча остона ҳатлабди. Нортож сувчи эса эшикка қапишиб қулоғи динг бўлиб турибди.

— Хўш-ш, Тавсияномалар... Хўш-ш, — бюро аъзоларидан тўрда ўтирган серсавлатроғи қоғоз титкиларкан, қовоғини уйганча савол берибди.

— Анови тўрда осиғлик портрет кимники?

Мавлон механизатор серсавлат кишининг тепасида «жилмайиб» турган таниш чеҳрага кўз ташларкан, қўлини кўксига қўйди.

— Катта бовалар... Бу киши отамиз бўлади! Бизга жўл-жўриқ кўрсатган, иннайкейин...

— Бўпти табриклаймиз! Навбатдаги номзодни киритинг...

Нортож сувчи бюро аъзоларига тўғри бўлибди. Яна ўша таҳдидона «таниш» овоз янграбди.

— Хўш-ш, анови тўрдаги, портретдаги киши ким бўлади?

Нортож сувчи ютиниб олгач бурро жавоб берибди.

— Бу одам... Мавлон механизаторнинг отаси бўлади!

БОЗОРГА КЕЧИКМАЙЛИК

«Самолёт олиб қочиш» мўдага кирган пайтлар. Кўкдалалик икки савдогар Тиркаш билан Эргаш «тижорат иши» билан Москова қараб учишибди. Кейин «ГУМ», «ЦУМ», «Қора бозор», — «Ола бозор» дегандай... Хуллас, иккита тугунлари тўртта бўлгач орқага қайтишга ҳозирлик кўришибди. Бироқ Московдан кўтарилиб улгурмасданоқ тайёра ўз йўналишини ўзгартиришга мажбур бўлибди. Тиш-тирноғигача қуролланган икки нусха учувчиларга қарата ҳайқирибд:

— Қани, рулни Туркия томонга қараб бур! Акс ҳолда...

Бу пайтда Эргаш хурракнинг авжини олаётган, Тиркаш эса тилининг тагига талқондайгина носни ташлаш учун бир кўзини очганди. Ҳаял ўтмабди. Одамларнинг дод-войидан ҳушёр тортган Тиркаш икки кўзи ҳам бараварига очилганча, шоша-пиша Эргашнинг биқинига туртибди.

— Тур! Тур-э... Худо уриб қолди-ку!

Эргаш кўзини очар-очмасдан тўнғиллабди.

— Оббо, энди савдомиз пишганда тушни ҳаром қилиб... Нима дейсан? Чўчқанинг колбасасини ғажима девдим-а! Ана энди, қорнингни ғижимлаб тўғрига қараб югурасан?

— Э-э, қорним жойида... Самолётимизни олиб қочишаябди, энағар бандитлар! Туркияга...

— Туркияга? Жўғ-е?

Эргаш хурсанд бўлганидан Тиркашни қучоқлаб олибди.

— Жўлға чиққанда айтувдимки сенга... Худо бераман деса, қўш қўллаб беради деб! Бепул, путёвка, яна безочеред... Қандай мазза! Менга қара, бориб жетганда мени уйғот. Бозориға кечикмайлик тағин...

Рассом Ш. СУБҲОНОВ

Шароф БОШБЕКОВ

НИМА, СЕЗИЛЯПТИМИ?..

1992 йилнинг 19 август куни эрталаб соат еттию беш дақиқада Тошкентда қаттиқ ер силкинди. Буни қарангки, ўша куни таниқли кино ва театр актёри, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг соҳиби Фарҳод Аминовнинг тўртинчи қаватдаги уйи ҳам қимирлабди... Фарҳод ака болаларини пастга чиқариб юбориб, даҳлиздаги бор оёқ кийимларни йиғиштириб пастга югурибдилар. Чиқсалар, пастдаги майдончада одам гавжум, бутун «дом» аллақачон чиқиб бўлган экан. Одамлар бир-бирини юпатган, соғ-омон қолгани билан табриклаган, кимдир кўзига ёш ҳам олган. Ахир, жон фойдага қолиб турганидан кейин...

Ҳамма нима ташвишда-ю, кеннойимиз Фарҳод акага нима дермишлар:

— Ҳай, адаси, уйни қулфлаганмидингиз?..

●

Бир куни ўзбекнинг машҳур санъаткори Мурод Ражабов бир қариндошининг тўйидан жуда кеч қайтибди. Эрталаб бошини кўтарса, хотини ҳовли супираётган экан. Индамабди, чунки аҳволи ҳам индайдиган даражада эмас экан-да. Яна бошини ёстиққа қўйибди. Бир неча соатдан кейин тағин бошини кўтарибди. Қараса, хотини кир юваётган экан. Қатиқ ичиб, яна ётибди. Кечга яқин бош кўтарса, хотини ниманидир тикиб ўтирган экан. Бу ҳеч тиниб-тинчимайдиган хотинга ўзларича танбеҳ бермоқчи бўлибдилар:

— Вей, сенга нима азоб-а? Мен сенинг ўрнингда бўлганимда маза қилиб, оёғимни узати-иб ётардим...

Кеннойимиз камтарлик қилиб, секингина дебдилар:

— Шундоқ ҳам нима қиляпсиз?..

●

Биз Тоҳир Малик билан бир концертда ён-ма-ён ўтирган эдик. Қаватимизга, нимаям бўлиб, бир киши ҳам жойлашиб олди. Яхшигина ичиб олган бўлса керак, ҳофизнинг ҳар бир чиқиши, ҳар бир ашуласига «дод» деб қўллари (баъзан оёқлари) билан турли ҳаракатлар қила бошлади. Ҳамманинг, шу жумладан бизнинг ҳам кўзимиз ўша одамда. Қисқаси, «концерт»нинг асосий қисми бу ёқда бўлди. Ташқарига чиқдик. Одатда оғир-вазмин Тоҳир ака таассуротларини камина билан баҳам кўрдилар:

— Нега бунчалик жозибали куйлайди десам, бу ёқда дирижёри бор экан-да...

●

Кейинги пайтда тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолдим. Бир куни хотиним ҳинд йогларининг машқ дастурини олиб келиб, «Шу билан шуғулланса ҳамма касалликдан фориғ бўп кетасиз» деди. Шуғуллана бошладим. Мундоқ қарасам, китобда нуқул машқ қилаётган аёлларнинг расми чизилган. Шубҳалана бошладим: «Менимча, бу китобинг фақат аёлларга мўлжалланган-ов?» «Йўқ, эркакларга ҳам бўлаверади» деб хотин мени юпатди.

Яна беш-олти кун шуғулланиб юрдим. Бир куни яна айтдим:

— Фикримча, бу хотин-қизларга мўлжалланган. Мана, ўзинг ҳам қарагин, биронта куч ишлатиладиган машқлар йўқ, ҳаммаси енгил-елпи ҳаракатлар...

Энди шубҳаланиш навбати хотинимга келди:

— Нима, сезиляптими?..

●

Ёш пьесанавис дўстимизнинг асари биринчи марта саҳна юзини кўрди. Спектакл яхши баҳо олди. Томошадан кейин яхшигина нишонлаб, кечаси пиёда уйга қайтаяпмиз. Шаҳар марказидаги ер ости йўлидан ўтаётсак, бир тиланчи аёл тинмай ўтган-кетганни дуо қилар, олдидаги чорсида пул-у, қўлида ёш боласи ҳам бор эди.

Биз ўтиб кетдик, муаллиф дўстимиз унинг олдида тўхтади. Садақа қилса керак, деб ўйладик. Лекин у аёлга насиҳат қила кетди:

— Гадойлик қилиб ўтиргани уялмайсизми? Ёш экансиз, бирон жойга ишга кириб, пул топинг! Ҳозир нима кўп — пул топишнинг йўли кўп!

Аёл ўзини оқлади:

— Вой, укажон, ўқимаган бўлсам, қўлимда бирон ҳунарим ҳам йўқ, нима иш қиламан?

Драматургликнинг мазасини илк бор татиб кўрган дўстимиз гадой аёлга жўяли фикр берди:

— Нимага қўлингиздан ҳеч иш келмас экан? Масалан, пьеса ёзинг...

●

Бир гуруҳ ёзувчилар қайсидир вилоятга сафарга чиқишибди. Етиб боришлари билан дарров дастурхон ёзилибди. Зиёфатда Отаёр аканинг ёнига ўша вақтдаги вилоят фирқа қўмитасининг бир қуруғроқ ходими ўтириб қолибди. Ўзиям шляпаси билан бўйинбоғини ечмай ухлайдиган хилидан экан: на гап-сўзга қўшилармиш, на қовоғини очармиш, на дастурхонга қарармиш.

Бир оздан кейин суҳбат қизиб, айримлар бир-иккита сиёсий латифа ҳам айтиб юборишибди. Шунда Отаёр ака:

— Ўртоқлар, ҳар нарсаниям гапиравер-манглар, анави гапларимизни ёзиб олянти, — деб шипдаги ёнғинга қарши қурилмани кўрсатибдилар.

Унинг нималигини ҳамма яхши тушиниб турса ҳам ўртага қандайдир ноқулай жимлик чўкибди.

Шу пайт ҳалиги фирқа ходими шарт ўрнидан туриб, ўша қурилмага қараб қичқирибди:

— Бу ердаги гапларга менинг алоқам йўқ! Фамилиям — Ваҳобов!..

●

Фарғоналик меҳмонлар шарафига чойхонада ош қиладиган бўлдик. Белгиланган вақт бўп қолган эса-да, бир-иккита дўстларни кутиб ошнинг гуручини солмай турибмиз. Қай гўрдандир хабар топиб, довдир танишимиз келиб қолди.

— Ассалому алайкум, — доимгидай ишчанлик билан сўрашди у. — Рустам ака, бизга нима хизмат бор?

— Бу ёғи бўлди, фақат гуруч солиш қолди, — деди Рустам нард ўйнай туриб.

— Ҳозир «ест» қиламиз-да! — деб довдир ўчоқ томон кетди. Бир оздан кейин қайтиб келди. — Бўлди, ака! Ўзиям гуручни қозонга битталаб териб чиқдим!

Ҳаммамиз нард билан овора бўлиб унинг гапига эътибор бермабмиз. Бир пайт ўчоқ томонда шовқин бўп қолди. Кейин билсак, бу довдир қурмағур гуручни... бировнинг димламасига босиб келган экан!

Муҳиддин МАДАМИНОВ

САВОДСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Мамасоли чўчиб уйғонди-ю устидаги кўрпани ирғитиб, шошганича жавондаги китобларни титкилай кетди. «Таъбирнома»ни топиб ўзига керакли саҳифани очди. Уйқули кўзларини ишқалаганча ўқишга тутинди:

— Иҳм... демак, ҳа мана экан... тушда эркак киши бегона машинани ҳайдаса, ишда ёҳуд кўчада бирон фалокат юз бериши мумкин. Агар аёл киши шундай туш кўрса, янги таниш (эркак) орттиради.

Аёл деган сўзга кўзи тушгач хотини ҳамон ухлаб ётганини эслади, уни уйғота бошлади:

— Ҳов, ойиси, тур-э қуёш терак бўйи кўтарилгунча ҳам ётавермай.

— Уф-ф. Ширингина тушни белига тепдингиз-а. — деди хотини оғзини катта очиб эснар экан.

— Туш дедингми?.. Қанақа туш? Қани гапир-чи, таъбирини мана мен айтиб бераман, — деди Мамасоли.

— Хаёлга ҳам келмаган воқеа. Яп-янги «Волга»да Тошкентда саёҳат қилиб юрганмишман.

— Вах!.. — деди Мамасоли бошини чангаллаб. — Тўғри келди, ўзимам ўйловдим-а. Тамом, бугун иккимиз ҳам ишга бормай, қимирламай уйда ўтирамиз! Мана, ўзинг ўқиб кўр.

— Вой нимайкин дебман-а. Шу нарсаларга мунча ишонмасангиз-а. Шу китоб ўлгурни олганингиздан буён на уйқуда ҳаловат бор, на юриш-туришда.

— Ундай дема, нотўғри бўлса китобга ёзармиди. Ундан кўра болаларни уйғот, ўқишдан кечикишмасин.

— Уф-ф, — дея хотини нариги хонага ўтди-да яна қайтиб чиқди. — Киринг ўзингиз гаплашинг, бугун улар ҳам ҳеч ёққа чиқишмас эмиш.

«Оббо, улар қандай туш кўрдилар экан», — дея хаёл билан ичкарига кирди-да катта ўғлига юзланди.

— Бугун число ўн уч экан, директоримиз ўн учинчида ёки соат ўн учда ҳеч ёққа чиқманглар, апасний, деган, — деди катта ўғли.

— Сен-чи? — сўради кичигидан.

— Ўқитувчимиз, агар жума куни ойнинг ўрта кунига тўғри келса иш-пиш қилмай уйда ётинглар деган.

— Мен эса гороскопия бўйича қисқичбақаман, — деди бошқа хонада туриб студент қизи.

— Нима қипти шунга? — деди Мамасоли елка қисиб.

— Кеча телевизорда кўрдик-ку, астрологик прогнозда «Кимки қисқичбақа бўлса эртага кун бўйи уйдан чиқмасин, хавфли» дейишди.

— Ҳа, — деди Мамасоли кечаги кўрсатувни эслаб, — лекин ҳаммамиз уйда ўтириб, бир-биримизга термулиб ўтирмаслигимиз керакда. Қани, зерикмаслик учун телевизорни қўяйликчи, сен плиткага чой қўйиб юбор.

— Йў-ўқ! — деди қизи кўзлари катталашиб. — Кеча тунги ахборотда эшитдим, бугун электр асбобларидан фойдаланиш 95 фоиз хавф туғдирар экан.

— Уф-ф, унда нима қилсак экан-а. Демак кунни уйда жимгина, диққинафас бўлиб ўтказар эканмиз-да.

Худди шундай бўлди ҳам. Кечгача беш жон уйдан чиқишмади. Шунинг учун хатарли ҳеч қандай воқеа юз бермади. Бир нарсага ишониб, унга амал қилишнинг хосиятида бу ҳам. Фақат, фақат қуёш ботиши олдидан зилзила бўлиб, бешовлон зўрға ҳовлига қочиб чиқишди. Ҳовли этагидаги оғилхона қулаб сигир, қўйларни босиб қолди. Эҳ, афсус, жониворлар китоб ўқишни, радио эшитишни билишмайди-да. Мана саводсизлик оқибати.



Рассом Т. ҲАЙДАРОВ

ИСМ ҚЎЙИШ

— Ассалому алайкум, мумкинми! — деди ўрта ёшлардаги киши «ЗАГС бўлими» деб ёзилган эшикни очиб, ичкарига мўралар экан.

— Келинг, келаверинг— деди котиб ўрнидан туриб қарши олар экан. — Хўш, хизмат!...

— Шу, хи... хи... хи.., янги одамча топган эдик, шунга гувоҳнома деганларидек, — деди беўхшов иршайиб ота.

— Э-э, муборак бўлсин унда, табриклаймиз. Бир зумда гатоп қиламизда — деди котиб чаққонлик билан темир сандиқни очиб, қалингина дафтар, муҳр, қоғоз олар экан. — Так, так, жиянча ўғилми ёки...

— Қиз топдик бу гап, — деди ота.

— Ў...ў, яшасин, аясига ёрдамчи экан-да. Демак исмини нима қўймоқчисиз!..

— Шу билсангиз хи... хи..., аяси «Маряна» қўйсангиз ҳам қўясиз, қўймасангиз ҳам» деб тиқилинч қилиб турибди.

— Ҳа...а, демак келинойимиз кино ишқибози эканларда. Бу ҳалиги «Бойлар ҳам йиғлайди»даги қиз Марианнада.

— Ҳа, ҳа топдингиз. Шунингчун фарзандларимиз ичида Митхун, Изаура деганларим бор. Фақат ўртанча ўғлимиз келишмовчилик орқасидан икки ёшгача исмсиз юрди.

— Нега!

— Келинойингиз Жимми қўямиз деди, мен эса футбол ишқибози бўлганим учун Пеле қўяйлик дедим. Тортиша-тортиша охири болага Диего деб исм қўйдик.

— Оҳо, Марадона денг! — деди котиб ғаройиб отанинг ғаройиб суҳбатидан лол қолиб.

— Нега энди Марадона бўлар экан! — деди ота бироз ранжиганнамо, — унинг ўз отаси, демак ўз фамилияси бор. Диего Марксович Худоёрхонов. Иҳм... ҳи... ҳи.., биз туғилганда отамиз раҳматли снёсий маҳкамада катта ишда ишлаган эканлар.

— Демак янги меҳмон Марианна Марксовна Худоёрхонова, шундайми!

— Ҳа, албатта. Майли бу сафар ойиси айтганча бўла қолсин. Ҳалиям бу ёққа келишдан аввал туғруқхонада анча тортишдик. «Майли бу сафар сен айтганинг бўлади, лекин навбатдагисига ҳам ўзим исм қўяман деб овора бўлма», дедим.

— Ҳе, акахон-ей, гапингизга қараганда фарзандлар ичида номи қўйилмаган кино қаҳрамони кам қолган кўринади. Келгусида келинойимиз худо хохласа ўйлай-ўйлай ном тополмай ихтиёрни сизга топширади.

— Э...э ука-ей, нималар деяпсиз ўзи. Келинойингиз жуда-а ҳалиги... нимайди, ҳа, топдим, приспиктивний. Аллақачон келгусини ўйлаб қўйган: ўғил бўлса Луис-Алберто, қиз кўрсак Мадоннами-ей Мадинами-ей ишқилиб шунга ўхшаш... Ҳа, айтганча тайёр бўлдими!

— Тайёр ҳисоб, фақат онасининг исмларини айтиб юборсангиз бўлди.

— Иҳм... ҳи-ҳи-ҳи... Радха Ғапурова. Келинойингиз қайсарлик қилиб менинг фамилиямга ўтмаган, эски замондан қолган деб. Тайёрми! Хўп, катта раҳмат, мана ҳақи. Яна учрашгунча ҳайр!

Муҳиддин МАДАМИНОВ

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо ҚЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЙ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.10 213 минг 790 нусхада чоп этилди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г—288 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12